

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№11. 2020



**2-4 НОЯБРЬ
КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН
РАИСЛИГИДА БМТ
ОЗИҚ ОВҚАТ ВА
ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ
ТАШКИЛОТИ – ФАО
МИНТАҚАВИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ
ЕВРОПА УЧУН ЎТТИЗ
ИККИНЧИ СЕССИЯСИ
БЎЛИБ ЎТДИ**



32 | 20
ERC | 20

Food and Agriculture Organization of the United Nations

Organisation des Nations Unies pour l'alimentation et l'agriculture

Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединённых Наций

Organización de las Naciones Unidas para la Alimentación y la Agricultura

FAO Regional Conference for Europe
32nd session 2-4 November | Tashkent, Uzbekistan

Региональная конференция ФАО для Европы
32-я сессия 2-4 ноября | Ташкент, Узбекистан

Conférence régionale de la FAO pour l'Europe
32^e session 2-4 novembre | Tachkent, Ouzbékistan

Conferencia Regional de la FAO para Europa
32^a reunión 2-4 noviembre | Taskent, Uzbekistán





Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойihalаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЛМ-ФАННИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. **Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда – Концепция) ҳамда **Концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари** 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, **Концепция** ҳамда **унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари**, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутати:

а) *илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида:*

илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган **миллий рейтинг** тизимини жорий этиш;

илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида **ижтимоий шерикликни** ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

б) *илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасида:*

2025 йилга қадар **илм-фанга** йўналтириладиган жами маблағлар-

нинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини **6 бараварга**, 2030 йилгача эса **10 бараварга** ошириш;

2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги **8 фоиздан 20 фоизга**, 2030 йилгача эса **30 фоизга** етказиш;

инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда **2 та**, 2025 йилда **10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш**;

в) *юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида:*

илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар **45 га**, 2030 йилгача эса **39 га** етказиш;

2025 йилга қадар **39 ёшгача** бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонидан юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини **2 бараварга**, 2030 йилгача эса **3 бараварга** ошириш;

г) *илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида:*

2025 йилга қадар илмий-тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини **3,5 бараварга**, 2030 йилгача эса **9 бараварга** ошириш;

2021 йилда “Яшнобод” инновацион технопаркиннинг резидентлари сонини **60** тага етказиш ва шу асосда инновацион маҳсулотлар тури ва ҳажминини ошириш, шунингдек, **720** дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш;

7 та замонавий лаборатория мажмуаларини ташкил этиш, уларни

GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозлаш;

д) *илм-фан тараққиётига кўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида:*

миллий илмий портални яратиш; олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

илмий ташкилотлар раҳбарлари лавозимига устувор равишда **илм-фан тизимини бошқариш кўникмасига ва иқтисодий билимга** эга бўлган ёш мутахассислар тайинланади;

2021 йил 1 январдан бошлаб илмий ташкилотлар раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги **Давлат бошқаруви академиясида** ўқитиш ва мунтазам малакасини ошириб бориш тизими жорий қилинади;

2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир илмий ташкилотда унинг бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида **илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчи лавозими киритилади**, бу лавозимга таниқли илм-фан намояндалари ва нуфузли олимлардан бири тайинланади ҳамда маслаҳатчи ташкилотнинг Илмий кенгашини бошқаради;

илмий йўналишларни шакллантириш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда илмий мактаблар, фан намояндалари ва етакчи олимларнинг соҳадаги масъулиятини ошириш мақсадида ҳар бир фан йўналишлари бўйича **фан жамиятлари ташкил қилинади**;

2021 йилда халқаро мустақил эксперт компанияларини жалб этган ҳолда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **барча давлат илмий ташкилотларининг илмий-инновацион фаолияти аудитдан ўтказилади**;

барча давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг республика даражасидаги раҳбар-

лари (биринчи ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзида **илм-фан ва инновацион фаолиятни** ривожлантиришга масъул ҳисобланади ҳамда бу борада тизимдаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

4. Худудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб **“Академик ҳаракатчанлик”** дастури жорий қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида: илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларнинг илмий ғояларини рағбатлантириш, уларнинг хорижий университетлар ва илмий марказларга қисқа муддатли стажировкаларини ташкил этиш учун **Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилади;

мазкур ёшларга илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳузуридаги илмий тузилмалардаги **замонавий илмий асбоб-ускуналардан** бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар **“Академик ҳаракатчанлик”** дастурини амалга ошириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини белгилаган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қуйидагилар:

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021–2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрлари (кейинги ўринларда – Мақсадли параметрлар) 3-иловага мувофиқ;

Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021-2023 йил-

ларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар режаси) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил 1 январдан бошлаб **Илмий даражали кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими** жорий қилинсин.

Белгилаб синки, Илмий даражали кадрларни тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими орқали қуйидаги ишлар тўлиқ амалга оширилади:

стажёр-тадқиқотчи, изланувчи, илмий раҳбар ва консультантларга доир маълумотлар банкни шакллантириш, стажёр-тадқиқотчи ва изланувчиларнинг якка тартибдаги режасидаги ишлар бажарилишини қайд этиш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларининг самарадорлиги мониторингини олиб бориш, тегишли ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш;

стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантурада ўқиш учун қабул квоталари бўйича буюртманом шакллантириш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларида ўқиш учун талаборларни рўйхатга олиш.

Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур электрон тизимнинг узлуксиз ишлаши, унга техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириб борсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

олий таълимдан кейинги таълимнинг **бир поғонали тизими** жорий қилинган хорижий давлатларнинг рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган халқаро рейтингларда **биринчи 300 та ўриндан** бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган **фалсафа доктори (PhD)** ёки **фан доктори (DSc)** илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасида **фан доктори (DSc)** сифатида тўғридан-тўғри **тан олинади ва нострификация** қилинади (эквивалентлиги қайд этилади);

халқаро рейтингларда биринчи **300 та** ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган **профессор, доцент, катта илмий ходим ва уларга тенглаштирилган бошқа илмий унвонлар** тўғрисидаги ҳужжатлар олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгаширининг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикасида қўшимча экспертиза ўтказмасдан ва бошқа синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинади.

8. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта мuddатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожланишдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

илмий фаолиятга оид давлат **дас-турларини шакллантиришнинг** янги тартибини жорий қилиш;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси ва Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси **мблағларидан самарали фойдаланиш**;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг амалдаги вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиб, **унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш**.

9. Жаҳон банки томонидан илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида республикамизда инновацион тизимни ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасидаги индикаторларни яхшилашга қўмаклашиш мақсадида **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги имтиёзли кредит маблағларини ажратиш тўғрисидаги **“Ўзбекистон миллий инновацион**

тизимини модернизация қилиш” лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2021 йил 1 январга қадар:

Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш учун **Халқаро эксперт кенгашини** (International Expert Board) ташкил этиш;

Жаҳон банки талабларига асосан Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) амалга оширишга кўмаклашиш, молиявий назорат ва ҳисобот тизимини юритиш мақсадида **лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш** чораларини кўрсин;

2021 йилда **“Ўзбекистон илмий салоҳиятини ошириш”** лойиҳасини амалга ошириш учун Жаҳон банкининг кўшимча **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш бўйича таклиф киритсин.

10. Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар Мақсадли параметрларни амалга ошириш доирасидаги тегишли сарф-харажатлар учун Давлат бюджети, тегишли маҳаллий бюджетлар параметрлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар доирасида маблағлар ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ–4702-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига 2021 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳудудда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган **фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар сони, бир миллион аҳоли сонига тўғри келадиган илмий тадқиқотчилар ва олимлар сони, тижоратлаштирилган илмий ишланмалар сони ва ҳажми** индикаторлари киритилсин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар 2019 йилда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида яқун-

ланган илмий лойиҳалар натижадорлигини пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида яратилган **муҳим илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни бир неча бор кўпайтириш бўйича ишларни** ташкил этиш дастурини қабул қилсин.

13. Масъул ижрочилар – тизимида илмий ташкилотлар мавжуд бўлган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари:

бир ой муддатда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ва тадбирларни амалга оширишнинг **2020-2021 йиллар учун ҳамда ҳар йил якунида – келгуси йил учун** чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини;

ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар чора-тадбирлар режалари ва “Йўл харитаси”нинг ижроси бўйича маълумотларнинг тегишли равишда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг **10-санасига қадар** мазкур Фармоннинг ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотлар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрланиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

14. Қуйидагилар:

Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши (А.Н.Арипов) зиммасига – ушбу Фармоннинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, Концепция ҳамда “Йўл харитаси”ни амалга ошириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, масъул раҳбарларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини кенгаш мажлисларида **бир йилда камида икки маротаба эшитиш** ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

инновацион ривожланиш вазирли (И.Ю.Абдурахмонов) зиммасига – Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни таъминлаш,

илмий фаолият натижадорлигини ошириш, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида илмий маҳсулотлар ҳажми ва инновацион маҳсулотлар турларини кенгайтириш фаолиятини мунтазам равишда мувофиқлаштириб бориш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига – Концепция ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни шакллантириш асосида тегишли ҳудуддаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

Фанлар академияси президенти (Б.С.Юлдашев) зиммасига – Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолиятини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириш, юқори самарадор илмий ишланмалар ва технологияларнинг сони ва жорий этиш кўламини кенгайтириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини илмий жамоатчилик ва аҳоли орасида кенг ёритиш бўйича **2020 йил якунига қадар** чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этиш мақсадида тегишли давлат органлари ва муассасаларининг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига бириктирилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 октябрь**

ЎЗБЕКИСТОН ФАОНИНГ ЕВРОПА МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАНИГА РАИСЛИК ҚИЛДИ

2-4 ноябрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО Минтақавий конференциясининг Европа учун ўттиз иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

COVID-19 пандемияси туфайли илк бор виртуал тарзда ташкил этилган мазкур форумда БМТ шафелигидаги кўплаб йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, ўттизга яқин давлатнинг қишлоқ хўжалиги вазирлари, вазир ўринбосарлари, мамлакатимиздаги хорижий дипломатик миссия вакиллари иштирок этди.

1945 йилда ташкил этилган, бугунги кунда 194 давлат аъзо бўлган ФАО 130 дан ортиқ мамлакатда ўз фаолиятини йўлга қўйган. Ташкилот зиммасидаги асосий вазифа озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятини кенгайтиришдан иборат.

Ўзбекистон ФАОга 2001 йили аъзо бўлган. 2014 йилда мамлакатимизда тузилма ваколатхонаси иш бошлади. 2022 йилгача мўлжалланган режага биноан, ФАО бир неча устувор йўналишда, жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа давлат ташкилотларига институционал ва стратегик ёрдам кўрсатиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, бозорга кириш заنجири ва табиий ресурсларни барқарор бошқариш, иқлим ўзгариши ва биохилма-хиллик масалаларида республикамиз билан ҳамкорлик қилади.

ФАОнинг Европа минтақавий сессияси илк бор Ўзбекистон раислигида ўтди. Йиғилиш бошида делегатлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Хўжаевни ҳар икки йилда ўтказиладиган анжуманнинг раиси этиб сайладилар. Демак, кейинги икки йил мобайнида тузилма томонидан ташкил этиладиган барча тадбирларга Ўзбекистон раҳбарлик қилади. Мамлакатимиз вакиллари фаолият доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни бошқариб, мувофиқлаштириб боради. Лозим бўлганда ҳал қилувчи таклифларни киритади.

— Минтақавий конференциянинг Европа учун навбатдаги сессияси эришилган натижаларни баҳолаш, янги муаммоларни аниқлаш, мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва истиқболлини белгилашнинг муҳим босқичидир, — деди ФАОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Шерзод Умаров.

БМТнинг 2021 йилги озиқ-овқат тизимлари саммити олди-дан анжуман иштирокчилари асосий эътиборни Европа ва Марказий Осиёда барқарор озиқ-овқат тизими ҳамда соғлом овқатланиш билан боғлиқ масалаларга қаратди. Ялпи мажлис, вазирлар иштирокидаги давра суҳбати ва бошқа турли шаклдаги мулоқот давомида овқатланиш ва барқарор озиқ-овқат тизими ҳолати кўриб чиқилиб, айти йўналишлар бўйича минтақадаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масаласи, ўзаро боғлиқ муаммолар, мавжуд имкониятлар таҳлил қилинди.

— Яқинда тарихий воқеа – ФАОнинг 75 йиллигини кенг нишонладик, — деди анжуман қатнашчиларига мурожаат қиларкан, ФАО Бош директори Цюй Дунъюй. — Умуман, бугунги глобаллашув даврида ер юзидаги ҳар бир инсоннинг тўйимли озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, очарчиликка бутунлай барҳам беришдек жиддий масъулият ташкилотимиз зиммасидаги мажбуриятни янада кучайтиради. Европа учун



ФАО минтақавий конференциясининг 32-сессияси айти мажбуриятлар ҳақиқатда амалга ошишини таъминлаш учун яхши имкониятдир. Янги ғоялар, мустаҳкам ҳамкорлик – самарали ишлаб чиқариш, яхши овқатланиш, қулай муҳит ва фаровон ҳаётга элтувчи йўлдир.

Конференциянинг биринчи кунда яна бир муҳим мавзу – БМТ оилавий деҳқончилигининг ўн йиллиги доирасида ёшлар, ёшлар бандлиги ва қишлоқ тараққиёти масаласи диққат марказида бўлди. Муҳокама доирасида қишлоқ хўжалигида кичик мулкдорлар, оилавий фермерлар ва қишлоқ ёшларининг аҳоли таҳлил этилди. Жумладан, Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги қишлоқ ҳудудларини ўзгартириши мумкин бўлган стратегиялар ҳақида фикр юритилди.

Ҳамда Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тавсияларнинг долзарблиги, белгиланган қоидаларнинг тузилма меъёрларига мос равишда қўлланиши масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, соҳага инновациялар ва рақамлаштириш жараёни жорий этилиши билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

ФАОнинг минтақамиздаги фаолиятига доир устувор йўналишларни белгилаш, амалга ошириладиган ишлар самардорлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди, ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришиш ҳамда ФАОнинг давлатлар учун БМТ тараққиёт тизимига мослаштиришга йўналтирилган режа ва дастурлари таҳлил қилинди.

Айтиқса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги вазири, конференция раиси Жамшид Хўжаевнинг ФАО томонидан тақдим этилган, муаммоларга ва умуман, соҳага нисбатан янгича ёндашувга асосланган “Қўлни қўлга бериб” номли ташаббус юзасидан қилган чиқиши тадбир иштирокчиларида жиддий қизиқиш уйғотди.

Тузилманинг истиқболдаги фаолиятига доир яна бир муҳим масала “Европа ва Марказий Осиё озиқ-овқат тизимларининг келажаги – 2022-2025 йиллар ва ундан кейинги давр” мавзуси доирасида муҳокама қилинди.

Тадбир охирида Европа учун минтақавий конференциянинг якуний маърузаси муҳокамага қўйилиб, тасдиқланди.

Умуман, анжуман давомида ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги минтақавий озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ таҳдидларга қарши самарали курашиш борасида ўзаро фикр, тажриба алмашилди, мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этишга қаратилган жуда муҳим қарорлар қабул қилинди. Европа ва Марказий Осиёдаги миллионлаб инсонлар ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга хизмат қиладиган кўплаб амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Экспертлар мазкур конференция минтақада озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий муаммолари билан боғлиқ энг долзарб масалалар қўтариладиган қулай платформа бўлиб хизмат қилишини бир овоздан эътироф этишди.

Ўз мухбиримиз.



ЕР ҲАЙДАСАНГ, КУЗ ҲАЙДА...

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 октябрдаги йиғилиш баёнига мувофиқ жорий йилда 1 млн 79,9 минг гектар майдонларда ўтказиладиган кузги шудгорлашни уюшқоқлик билан тизимли ташкил этиш мақсадида 2 278 та отрядга жами 5 404 та ҳайдов трактори бириктирилди.

Мазкур йиғилиш баёни қарори билан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳар бир техникага малакали механизаторлар бириктирилиши, уларга қулай шароитлар яратилиши, олдиндан аванс маблағлари, ҳар 5 кунда иш ҳақи ва мукофот пулларини бериб борилиши, шунингдек, отрядларни кўчма таъмирлаш устaxonалар билан бутлаш, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларни узлуксиз етказиб берилиши бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Зеро, кузги шудгорлашни белгиланган агротехник талабларга мувофиқ оптимал муддатларда ва сифатли ўтказиш келгуси йил ҳосилига пухта замин яратади.

Шу сабабли, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари, мутахассислар, механизаторлар ва бошқа масъуллар ерларни сифатли шудгорлашда қуйидаги тавсияларга амал қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Далаларни ҳайдовга тайёрлаш. Кузги шудгорни сифатли ўтказиш учун далалар, биринчи навбатда, ғўзапоя ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан тозаланиши ёки улар майдаланиб, сочиб юборилиши, кўп йиллик бегона ўтлар (ғўмай, ажриқ, қамиш ва бошқалар) тарқалган майдонларда эса, уларнинг илдизпояларидан тозаланиши ёки шундай ўт босган жойларга гербицидлар сепилиши зарур.

Ғўзапояларни юлишда КВ-4,0 ва КВ-3,6 юлгичлардан, уларни майдалаб далага сочиб юборишда эса КИ-1,2 ва КИ-1,8 каби махсус майдалагичлардан фойдаланилади.

Илдизпояли бегона ўтлар кўп тарқалган далаларда шудгордан олдин илдизпоялар тароқлаб олинади, бунда махсус тароқлаш машиналари, 18-20 см чуқурликда ағдаргичсиз плуглар ёки чизел-культиваторлардан, илдизпояларни йиғиб олиш учун эса осма ёки сикли бороналар, культиваторлар, чизел ёки бошқа мосламалардан фойдаланилади.

Дала бегона ўт ва илдизпоялардан тозалангандан сўнг гербицид сепилади, далани ёппасига бегона ўт босган бўлса, гербицид тўлиқ майдонга, бегона ўт айрим жойларга тарқалган бўлса, фақат шужойларга шудгордан 10-15 кун аввал сепилади.

Шудгор олдиан ўғитлаш. Шимолий минтақада шўр ювилган майдонларда эрта баҳорда экиш олдиан фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёрини 60-70 фоизи (физик ҳолда аммофос 200-220 кг/га ёки суперфос 385-400 кг/га ёки PS-агро 225-250 кг/га ёки оддий суперфосфат 500-550 кг/га) ҳамда калийли ўғитнинг 50 фоизини (50 кг/га калий соф ҳолда ёки 83 кг/га калий хлорид) қўллаш тавсия этилади.

Жанубий ва марказий минтақаларда фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 70 фоизини (100 кг/га соф ҳолда, аммофос 200-220 кг/га ёки PS-АГРО 250 кг/га ёки суперфос 430 кг/га ёки оддий суперфосфат 550 кг/га), калийли ўғитнинг 50 фоизини (50 кг/га калий соф ҳолда ёки 83 кг/га калий хлорид) ҳамда маҳаллий ўғит (гўнг 20-30 тонна ёки компост 30 тонна/га) солиш тавсия этилади.

Шудгорлаш чуқурлиги шимолий ва марказий минтақаларда типик бўз тупроқларда, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Фарғона, Андижон тоғолди ва Жиззах, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида 30-35 см чуқурликда ағдариб ҳайдалади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг агроирригацион чўқмалари билан қопланган ўтлоқи тупроқларида 30-32 см чуқурликда ҳайдаш тавсия қилинди.

Андижон, Сурхондарё ва бошқа вилоятларнинг ҳайдалма қатлами қалин ерларида шудгорлаш 35-40 см чуқурликда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Кам унумдор, қум ва шағал қатлами мавжуд ерларда шудгор шундай чуқурликда ўтказилиши керакки, бунда қум билан шағал тупроқ юзасига ағдарилиб чиқмайдиган бўлсин.

Шудгорлашда тупроқнинг намлиги 16-18 фоиз атрофида бўлса, у яхши майдаланади, плуг ағдаргичлари тупроққа яхши ботади, унинг корпусларига ёпишмайди, ёнилғи сарфи камаёди ва иш унуми ошади.

Шудгорлашда "John Deere" 6175, New-Holland T-7060, Class-Axion, Class-Arion, Massey-Ferguson каби тракторлар ва айланма Europal 7 4+1 N100, Standart 7 Plus 4+1, Kvenerland BE 100 4+1, шунингдек, оддий ПНЯ-3-35, ПНЯ-3+1-45, ПНЯ-4+1-45 маркали плуглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Икки ярусли плуглар тупроқнинг ҳайдов қатламини икки қисмга ажратиб ва улар ўринларини алмаштириб ағдаради. Натижада, юқори унумдор, озуқа моддаларига бой қатлам пастга, пастки озуқа моддалари кам унумсиз қатлам эса юқорига жойлашади.

Икки ярусли плугларни қўллаш бегона ўтлар униб чиқишини 2-3 марта камайитириш ва пахта ҳосилдорлигини гектарига 3-4 центнер ошириш имконини беради.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, ўз вақтида ва сифатли шудгорлаш, муддатидан кечиктириб ёки кўкламда ҳайдалганга нисбатан гектаридан 3,5-7,5 центнер қўшимча пахта ҳосили олишни таъминлайди. Кузги шудгор 25 октябрдан 25 ноябргача ўтказилганда самараси юқори бўлади.

Шудгор сифатини назорат қилиш, плугнинг иш сифатини белгиловчи агротехник талаблар орасида ҳайдаш чуқурлиги ва унинг бир текисда бўлиши ҳамда бегона ўтлар, уларнинг уруғи ва илдизларини кўмилиш чуқурлиги муҳим ҳисобланади.

Чуқурлик қиймати эгат ўлчагич ёки оддий чизгич билан аниқланади. Бунинг учун плугнинг охириги корпуси қолдирган эгат чуқурлиги ҳар бир даланинг 25 жойидан ўлчанади. Кейин ҳамма ўлчов кўрсаткичлари қўшилиб, ўртача кўрсаткич аниқланади.

Сифатли ҳайдалган ерларда ҳайдаш чуқурлиги агроном томонидан ўрнатилган кўрсаткичдан ± 2 см фарқ қилишига рухсат этилади. Бегона ўтларни кўмилиш чуқурлиги ҳам даланинг 25 жойидан ҳайдалган ерни ковлаб ва шудгор юзасидан бегона ўт ётган жойгача бўлган масофа ўлчанади. Ўртача кўрсаткич икки ярусли плугларда 20 см. дан, умумий ишларга мўлжалланган плугларда эса 10 см. дан кам бўлмаслиги керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ерларни узоқ йиллар мобайнида бир хил чуқурликда ҳайдалиши тупроқнинг меъёридан ортиқ зичланиб кетишига олиб келади. Бу ўсимликлар ҳаво ва сув режимининг бузилиши ҳамда ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади, шу сабабли далаларни ҳар 2-3 йилда бир марта 50-55 см чуқурликда юмшатилиши лозим.

Юқориди қайд этилган маълумотлардан кўришиб турибдики, кузги шудгор муайян билим ва тажриба талаб этадиган муҳим агротехник тадбир бўлиб, уни сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказилишига кооперациялар, кластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари масъулият билан ёндашишлари шарт.

Алишер РАЖАБОВ,

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва техник модернизациялаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари, т.ф.н.,

Абдулфайиз УБАЙДУЛЛАЕВ,

бош мутахассис, қ.х.ф.ф.д.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

БУГУНГИ ТАДБИР - ЭРТАНГИ МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Боғ ва токзорлардан ҳар йили муттасил мўл ҳосил ва сифатли маҳсулот олиш учун кузда боғларга зарур бўлган озика моддалар билан озиклантириш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишларини олиб бориш керак.

Уруғли мевали боғларда (нок, олма, беҳи) тўкилган баргларда зараркунандалар ва касаллик юқумлари сақланади, шунинг учун боғлар қатор ораларининг тупроғи ағдариб ҳайдалади, ҳайдалмай қолган ҳар бир дарахт атрофи 25-30 см. чуқурликда ағдариб чопилади. Касалланган, синган шохлар, қуриб қолган дарахтлар қирқилади ҳамда боғ ташқарисига чиқариб ташланади.

Боғларда хазонрезгидан сўнг барглар тўлиқ тўкилиб бўлгач, тупроқдаги намни сақлаш мақсадида биринчи яхоб суви берилади. Бунда яхоб суви гектарига 1500-2000 м³ меъёрида 2-3 кун давомида жилдиратиб оқизилади. Бу дарахтларнинг совуқдан сақланишига ёрдам беради, илдииз тизимига ҳам фойдалидир.

Об-ҳаво шароитига қараб (илиқ кунлари) дарахтларнинг барги ёппасига тўкилган боғларни манилиоз, парша каби касалликларга қарши ювиш мақсадида 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5^о оҳак-олтингургурт қайнатмаси билан жиққа хўллаб пуркаш ишларини олиб бориш зарур.

Боғларда барча мевалар, биринчи галда, ўрик, шафтоли, олхўри, гилос дарахтларининг тана ва она шохларини оқлаш зарур. Бунда 10 л. сувда 2 кг. тупроқ, 1,5 кг. оҳак эритилиб, қалин қилиб оқланади. Оҳакка мол шатмоғи қўшилса, у тез ювилиб кетмайди.

Ҳосилли боғ ва токзорлардан келаси йили ҳам юқори ва сифатли ҳосил олиш учун боғ-токзорларга 10-15 тонна гўнг, минерал ўғитлардан 60-90 кг фосфор ва 50-60 кг. калий соф ҳолда солиниб, боғлар қатор оралари 35-40 см. токзорлар 25-35 см. чуқурликда шудгор қилиниши керак.

Республикамизда ноябрь ойидан янги боғлар барпо қилишга киришилади. Янги боғ барпо қилишда хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас, чунки кейин бу хатони тузатиш қийин бўлади.

Мевали дарахтларнинг кўчатлари уч хил пайвандтагларда, яъни пакана пайвандтагда паст бўлиб ўсувчи, ўрта ўсувчи пайвандтагда ва кучли (уруғдан) пайвандтагларда кўпайтирилади.

Янги экиладиган боғ майдони танлашда ернинг унумдорлиги, ерости сизот сувининг ерга яқинлиги, майдоннинг нишаблиги, суғориш учун сув билан яхши таъминланганлиги, майдон атрофида зовурлар ҳамда ихота экинларининг мавжудлигига (асосий шамол йўналишида) катта аҳамият бериш керак.

Экишга тайёр бўлган майдонларда кўчатлар мева турларига қараб қуйидаги схемаларда: пакана пайвандтагга уланган олма кўчатлари 3,5 х 2,5 м., ўрта ўсувчи 3,5 х 3 м., нок кўчатлари 3,5 х 2 м., ўрта ўсувчи 3,5 х 2,5 м., ММ-106 пайвандтагига уланган ўрта ўсувчи кўчатларда олма навиға қараб 5 х 3 м., 5 х 4 м., нок учун 5 х 3 м., 5 х 4 м. схемалар тавсия этилади.

Кучли ўсувчи мевали дарахтларнинг кўчатларини қуйидаги схемаларда: олма 8 х 6 м., 8 х 7 м., нок 8 х 6 м., 8 х 5 м., беҳи 6х4., 5 х 4 м., ўрик ва гилос 8 х 6 м., 8 х 7 м., олхўри 6 х 5 м., 6 х 4 м., шафтоли 6 х 4 м., 5 х 4 м., ёнғоқ 8 х 8 м., 8 х 7 м., бодом 6 х 5 м., 6 х 4 м., хурмо 6 х 6 м., 6 х 5 м., олча 6 х 4 м., ток кўчатлари 3 х 2,5 м., 3 х 2 м. қилиб экилади.

Янги кўчатлар экиладиган майдонларда режа қозиқлари ўрнатилгач, унга назорат қозиқлари ўрнатилади ҳамда кўчат экилади-ган чуқурлар қовланади. Чуқурлар махсус агрегатда КЯ-100 ёки қўлда 60 х 60 х 60 см. ҳажмда қовланади. Чуқурларни қовлашда

аввал тупроқнинг юза 20-25 см. қисми бир томонга, чуқурнинг тагидаги қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Ҳар бир чуқурга кўчат экишдан олдин 350-400 г. фосфор, 30-40 г. калий ўғити ҳамда 8-10 кг. чирган гўнг солиб, тупроқ билан аралаштирилади, кейин кўчат экилади.

Кўчатларни кўчатзордан экиш майдонига олиб боришда кўчатларнинг илдииз қисми шамолламаслиги учун похол, брезент ёки полиэтилен плёнка билан ёпиб қўйиш зарур.

Кўчатларни экишдан олдин майдон олдига катта чуқурда суюқ (аталасимон) лойқа тайёрлаб, унга 8:1:10:1 миқдорда молнинг суюқ шатмоғи қўшилади. Шатмоққа кўчатларнинг илдиизи бирма-бир яхшилаб ботириб олинади, бунда экилган кўчатларни тезлик билан суғоришнинг имкони бўлмаган жараёнда шатмоқнинг ижобий таъсири беқиёсдир.

Янги боғлар барпо этишни кузда совуқ тушгунга қадар тугаллаш зарур. Имкон даражасида янги экилган кўчатлар атрофига чирган гўнг солиб мулчалаб қўйилса, янги экилган ниҳолларнинг илдиизлари совуқдан ҳимоя қилиниб, баҳорда яхши кўкариб, тез ўсади.

Токзорларда октябрь ойида бошланган ток тупларига шакл бериб қирқиш, кўндоклаш, дориллаш ва кўмиш ишлари узоғи билан ойнанинг биринчи ярмида тугалланиши керак.

Ток тупларини кесилда биринчи галда антракноз ва бактериал рак билан зарарланган новда ва занглар қирқиб олиниб, токзорлардан чиқариб ташланади ва ёқиб юборилади. Кўп ҳолларда деҳқонлар ток тупларини ёпишда қирқилган новдалардан ҳам фойдаланишади. Бунга асло йўл қўйманг, чунки барг ва новдаларда касаллик юқумлари бўлгани учун келгуси йили мавсумида токзорлар янада кўпроқ зарарланади. Шунинг учун токзорларни ёпишда ток рудаларини қўлламаган маъкул. Яхши кўмилмаган токлар қиш фаслида совуқдан шикастланади, бу ҳол эса, ўз навбатида, бактериал рак касаллигининг кўпайишига олиб келади.


Токларни кўмишдан олдин оидиум (кул), антракноз, мильдю ва бактериал рак касалликларига қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 даражали оҳак-олтингургурт қайнатмаси ёки мис купоросининг 3 фоизли эритмаси билан жиққа хўллаш керак.

Мева ва узумни сақлаш. Узоқ муддатга сақлашга қўйилган мева-узум маҳсулоти бир ойдан кўпроқ муддат сақланаётган бўлса, ҳамма яшиқлардаги мева ва узум маҳсулотлари яхшилаб кўриқдан ўтказилади.

Бузилиш жараёни бошланган бўлса, яшиқлар маҳсулоти билан ажратиб қўйилади ва тез кунда улар сотувга ёки қайта ишлашга жўнатилади.

Узоқ муддат сақланаётган қолган маҳсулот, албатта, олтингургурт билан дудланиб, сақланиш ҳарорати ва нисбий намлиги текшириб турилади. Омборхоналарда ноябрь ойида мева ва узумнинг яхши сақланиши учун маҳсулот ҳар 15-20 кун ичида олтингургурт ёқиб дудланиб турилиши шарт.

**Равшан АБДУЛЛАЕВ, қ.х.ф.н.,
Ҳилола АБДУЛЛАЕВА, қ.х.ф.ф.д. (PhD),
Аҳмаджон ҚОСИМОВ, к.и.х.,
Академик М.Мирзаев номидаги БУВАВИТИ.**



ЎШИ ВА БАҲОРДА ҲАМ САРХИЛ ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ

Кейинги йилларда ҳимояланган майдонлар сабзавотчилигида катта ўзгаришлар содир бўлди. У ривожланиб келаётган тармоқдан илмий ва индустриал асосда ривожланган тармоққа айланди, яъни иситиладиган майдонларнинг турлари такомиллаштирилди, ҳимояланган майдонлар учун янги наев ва дурагайлар яратилди, парваришлашининг янада янги, маҳсулот таннархи пасайишини таъминловчи илғор усуллари ишлаб чиқилди. Ҳимояланган майдонларнинг замонавий босқичдаги алоҳида хусусияти, бозор иқтисодиёти ислоҳотида унинг майдонлари кўпайганидир.

Сабзавот етиштиришда иссиқхоналар самарадорлигини ошириш уларда экиладиган навларни кўпайтириш, янги навлар ва қулай бўлган парваришlash усулларини қўллашга боғлиқ.

Кейинги йилларда Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида иссиқхоналарда экиш учун помидорнинг янги навлари яратилиб, уларнинг уруғларини тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, мавжуд иссиқхоналарни уруғ билан таъминлаш имконига эга.

Шу жумладан, помидорнинг янги “Гулқанд”, “F₁ Сайхун”, “F₁ Баҳор”, “Турон”, “АВЕ-Мария”, “Субҳидам”, “Черри Марварид” ва “Умид” каби навлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

Иссиқхоналарни навбатдаги мавсумга тайёрлаш уларни дезинфекция қилишдан бошланади. Бу тадбир икки марта ўтказилади: биринчиси, экинлар батамом йиғиштириб олинмасидан бурун, яъни ҳали ўсимлик қолдиқларида зараркунандалар сақланиб турган пайтда, иккинчиси, ўсимлик қолдиқлари йиғиштириб олинганидан кейин ойнаванд иссиқхонанинг сиртидан тегишли дорилар сепилиб, дезинфекция қилинади. Бунинг учун қуйидаги пестицидлар ва уларнинг қоришмалари тайёрланади: 1,2% ли формалин+ 0,3% ли кельтан (ёки 0,2 % ли акрекс) +0,5% ли карбофос (100 л сувга- 200 мл+500 мл); 3,2% ли формалин+ 0,3% ли рогор (100 л сувга- 200 мл+ 300 мл). Тайёрланган суюқ эритмани 1 м² жойга сепиш меъёри – 0,3- 0,4 л.

Иссиқхоналарда юқори унум берувчи тупроқни вужудга келтириш учун томорқа (дала) тупроғи, чиринди, юмшоқликни таъминловчи материаллар (торф, қум, қипиқ, похол, каноп ўсимлигининг ўзаги ва бошқалар) дан иборат 1:1:1 нисбатдаги қоришма ҳосил қилиниши керак. Жами тупроқ ҳажмининг 1/3 қисмини ташкил этувчи, юмшатовчи материаллар, маҳаллий шароитда

мавжудлигига қараб, бир, икки ва ҳақозо турдаги нарсалардан иборат бўлиши мумкин. Ёғоч қипиқлари ва каноп поясининг ўзаклари компост қилинганидан кейингина ишлатилиши лозим.

Янги фойдаланишга топширилаётган иссиқхоналарга 50 кг/м² ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда чиринди солиниши зарур. Бу тупроқдаги гумус миқдорини кескин (10-15% гача) оширадигани, натижада ўсимликларнинг ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Аммо, иссиқхона тупроғи фақат органик моддалар захирали бўлиб ўсимликларнинг ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Иссиқхона тупроғи фақат органик моддалар макони ва ўсимликларнинг озикланиш манбаигина бўлиб қолмай, айна пайтда сабзавот экинлари нормал ўсиб ривожланадиган ва ҳосил тугадиган замин (субстрат) ҳамдир.

Помидор кўчатини етиштириш ишлари кўчатчилик бўлимларида амалга оширилиши шарт. Уруғлик сарфи 1 м² майдонга 3-4 граммдан ошмаслиги керак. Уруғдан помидор кўчатларини кўкартириш учун 1 гектарга 50 м² школка керак бўлади. Униб чиққан ниҳоллар 1-2 тадан чинбарг чиқаргач, озуқа аралашмасидан ясалган тувакчаларга (кўчириб ўтказилади) пикировка қилинади. Ниҳолларда 1-2 тадан чин барг пайдо бўлган даврда уларни 10х10 см катталиқдаги озикали тувакчаларга кўчириб ўтказилади. Ниҳолларни кўчириб ўтказишдан бир сутка олдин улар қондириб суғорилади, бу эса уларнинг осон кўчириб олинишини таъминлайди. Кўчириб олинган ниҳоллар хилланади, нозик, ўсишдан орқада қолган ниҳоллар чиқитга чиқарилади. Кўчатларни суғоришда жуда эҳтиёт бўлиш лозим, уларнинг ўта намланиб кетиши ёки тупроғи қуриб қолишига йўл қўймаслик керак, ҳаво очиқ кунлари суғориш ишлари эрталаб бажарилгани маъқул.

Юқори сифатли кўчатнинг 8-9 тадан барги бўлиб, баландлиги 18-20 см, новдасининг қалинлиги эса 0,8-1,0 см бўлиши керак. Кўчатларни парваришlash даврида улар орасидаги касалланганлари, ўсишдан жуда орқада қолган, нозик кўчатларни чиқитга чиқариб, олиб ташланади.

Помидор ўсимликлари ташқи муҳит шароитларига жуда сезгир хусусиятга эга бўлиб, уларнинг бу хусусияти ўсимликларда гулшода пайдо бўлиши даврида яққол намоён бўлади.

Ниҳолларда биринчи иккита чин барг пайдо бўлиши ва уларни дастлабки ўсув даврида ҳаво ҳарорати кундузи 13-16°C гача, кечаси 11-13°C гача пасайтирилиши, айниқса, эртаги навларда биринчи гулшодасидаги мева сонининг кўп бўлиши натижасида ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъмин этади. Кейинчалик ҳаво ҳароратини очиқ кунларда 20-24°C, булутли кунларда 18-19°C, кечаси эса 16-17°C атрофида сақлаш лозим бўлади.

Ҳаводаги карбонат ангидрид газининг миқдори кундуз кунлари 0,15-0,20 фоиз бўлиши лозим. Ҳароратнинг меъеридан юқори бўлиши ўсимликларнинг ўсиб ривожланишини тезлаштиради, натижада меваларнинг етилиши тезлашади, пояда ҳосил пайдо бўлиши камайиб, мевалари майдалашиб қолади. Ҳарорат паст бўлганда эса мева тугиши кечикиб, ўсимликларни новдалаши кучаяди, гулшодалардаги мева тугиш сони кўпаяди, натижада умумий ҳосилдорлик юқори бўлади. Ҳарорат кечалари 14°C дан паст бўлганда чангдон ўсмайди ва мева тугиш бўлмайдиган, ҳарорат 33-35°C дан юқори бўлганда ҳам чангдонлари стерил бўлиб, мева тугиш жараёни бўлмайдиган. Ҳаво ҳароратининг меъёрда бўлиши иссиқхонада помидордан юқори ҳосил олишни таъмин этади. Тупроқнинг қулай ҳарорати 16-20°C атрофида, ҳавонинг нисбий намлиги эса 60-70 фоиз атрофида сақланиши

лозим. Ҳаво намлиги кўрсатилган меъёрдан ошиб кетиши ўсимликларда мева тугиши ёмонлашиши ва уларнинг кулранг чириш, кладоспориоз ҳамда фитофтора касалликлари билан зарарланишига сабаб бўлади. Ҳавонинг нисбий намлигини пасайтириш шамол ҳайдовчи парраклар орқали амалга оширилади, суғориш куннинг биринчи ярмида қуёшли об-ҳаво шароитида амалга оширилади.

Қишки-баҳорги экиш мавсумида (уруғларни, кўчатларни) экиш ишлари куз ойларидан бошланиб, бу даврда ёруғлик жуда камайган бўлади. Помидор уруғларини экиш октябрь ойи охири-ноябр ойи бошларида бошланади, кўчатларни экиш эса ноябр ойи охири, декабр ойининг биринчи ўн кунлигида амалга оширилади. Помидор учун ҳавони яхши ўтказувчан, ғовак латоген ва зараркундалар билан зарарланмаган тупроқдан майдон тайёрлаш керак. Кўчатлар қўшқатор усулда 80×80×40 см ораликда экилади. Экиш олдиндан қовлаб суғориб олинган кўндаланг чуқурчаларга стаканнинг 3 дан 2 қисми кўмиб бажарилади. Жуда эртаги экиш муддатида экиладиган ўсимликлар гуллаш даврида бўлиши лозим. Кечроқ экиш учун эса нисбатан ёш кўчатларни экишга рухсат этилади.

Кўпинча помидор ўсимлигида вегетатив ўсувчи новдалари кучли ўсиб, мева тугиши камайиб кетади, бу ҳолатни ғовлаб кетиш деб аталади. Новдаларининг қалинлиги 2,5-3,0 см га етиб, юқоридаги барглари тўқ яшил ранга киради ва буралиб ўсади. Бундай ҳолат асосан кўпинча тупроқда (бодрингдан сўнг) нитратли азот миқдори жуда кўпайишидан содир бўлиб, ўсимликнинг илдиз қисми жуда кучли ривожланиб ва ортиқча намгарчиликка сабаб бўлади. Чиринган қипиқ солиш ва биринчи мева тугилгунча суғоришни тўхтатиб туриш, ўсимликларнинг меъёрида ўсишини таъмин этади. Бундан ташқари, ушбу даврда (биринчи гулшодасида) мева тугишини яхшилаш мақсадида ўсимликни озиклантириш даврида таркибида азоти бўлган озик моддаларни бермаслик лозим.

Бизнинг истиқболли навларимиз тупроқлардаги озик моддаларга жуда талабчандир.

Экишдан олдин ва ўсув даврида органик ҳамда минерал озик моддаларни тупроққа солиш тупроқнинг агрохимёвий таҳлили натижаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Органик моддалар миқдори 20 фоиз

атрофида сақланиши талаб этилади. Бунинг учун кузги-қишки экиш даврида тупроққа асосий ишлов беришдан олдин ҳар бир гектар иссиқхона майдонига камида 400 тонна чиринди ва 100-150 тонна ғоваклаштирувчи модда (қипиқ, сомон майдаси ва бошқалар) солиниши лозим бўлади.

Тупроқ таркибидаги сувда эрувчи фосфор миқдори ҳар 100 г тупроқда 100 мг, нитратли ва аммиакли азот миқдори 25-30 мг, сувда эрувчи калий 50-60 мг атрофида сақланиши керак. Бундан ташқари, тупроқ таркибидаги хлор миқдори ҳар 100 г тупроқда 0,02 фоиздан ошмаслиги, магний 25-30 мг, кальций эса камида 100-120 мг бўлиши керак.

Бизнинг навлар тупроқдаги тузга сезиларли даражада чидамли бўлиб, сувда эрувчи туз миқдори маълум миқдоргача кўпайиб кетгунча ҳосилдорлиги камаймайди, таркибидаги органик модда миқдори 20 фоиз бўлган тупроқдаги умумий туз миқдори 0,55 фоиз, ўсув даврида эса 0,62 фоизгача кўпайиши мумкин.

Азотли ўғитларнинг калийли (KNO_3) ва кальцийли ($Ca(NO_3)_2$) селитра шаклидаги берилгани маъқул. Калийли ўғитларни сульфат калий K_2SO_4 шаклида, фосфорлиларни эса кўшсуперфосфат $Ca(H_2PO_4)_2$ шаклида ёки ўсув даврида яқка аралашмали калий фосфат шаклда берилади. Экилган кўчатларнинг каноппли сўриларга боғлаб чиқилади, боғлашда илдиз бўғизини қаттиқ сиқиб қўймаслик, каноппи қаттиқ тортиб боғлаб қўймаслик лозим бўлади.

Ўсимликлар битта поя қолдирилиб шакл берилади. Бачки новдалар 6-7 см дан ўсиб кетмасдан уларни ўз вақтида юлиб ташлаш керак. Ўсимлик учини ҳар ҳафтада каноппли ипга ўраб турилади, сўрини симли қисмигача ўсгач эса, кўндалангига ўраб турилади. Мевалари пиша бошлаши даврида гулшодадан барча пастки баргларини олиб ташланади. Бу ишни ҳар ҳафтада бир маротаба бажарилиб, 1-2 тадан барги олиб ташланади. Ўсув мавсумининг тугалланишигача 6-7 ҳафта давомида ўсимлик учки қисми юқоридаги гулшода тепасида 2 тадан барг қолдириб чимдиб турилади. Мевалар тўлиқ етилиб пишмасдан ёки қизил бўлиб пишган даврларда ҳар ҳафтада 2-3 маротаба терилади.

Шўрланган иссиқхона ерларида сабзавот етиштириш технологияси. Ўзбекистонда ҳимояланган ер

сабзавотчилигининг энг асосий муаммоларидан бири шуки, кўп иссиқхоналар тупроқлари шўрланишга мойил ёки шўрланган ерларга (Бухоро, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон) қурилган.

Умуман олганда, сабзавот экинларининг шўрга чидамлилиги нисбатан паст. Помидор нормал ўсиши учун хлор миқдори тупроқда 0,02% дан, бодринг учун эса 0,007% дан ошмаслиги керак (абсолют куруқ тупроқ оғирлигига нисбатан).

Агар иссиқхона қурилиши шўрланган ерларда олиб боришни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда зарурий бўлса, (масалан, арзон иссиқлик манбаси ва бошқалар) у ҳолда бу иссиқхоналарда сабзавотларни кичик ҳажмли грунтларда етиштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу усулнинг устунлиги шундаки, турли хил усқуналар, сув (50%), минерал ўғитлар (40%) сарфи, ерга ишлов бериш – ерни ҳайдаш, минерал ва органик ўғитлар солиш каби жараёнларга сарфланадиган харажатлар камаяди. Шўрланган ерларда сабзавотларни етиштиришда муаммолар ҳам ҳал бўлади. Шунингдек, тупроқдаги касаллик ва зараркундаларга қарши кураш анча енгиллашади.

Умуман олганда, меҳнат сарфи 30-40% камайиб, сабзавотлардан олинадиган ҳосил 20-25% га кўпаяди.

Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистон шароитида субстрат сифатида: перлит, ювилган дарё қуми, керамзит ёки уларнинг торф ва чиринган гўнг билан аралашмасидан (1:1 ёки 1:2 нисбатидаги) фойдаланса бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, сабзавот экинлари кичик ҳажмли грунтларда (майдонларда) етиштирилганида, экиннинг ҳосилга кириши тезлашади, ҳосилнинг бир текис пишиши таъминланади, бу эса, ҳосил сотилишидан келадиган даромаднинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик ҳажмли майдончаларда сабзавот етиштирилганда томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бунда минерал ўғитлар ва сувни тежаб сарфлаш имконияти туғилади.

**Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Екатерина ЛЯН, қ.х.ф.н.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,
СПЕВАКИТИ.**

МАШИНАЛАРНИ САҚЛОВГА ҚЎЙИШ

Кузга келиб “Кейс-1200” пневматик чигит экиш сеялкалари, “Доминатор-130” ғалла комбайнлари ишдан бўшаган, “ЖонДир”, “Кейс”, МХ-1,8 русумли пахта териш машиналари ҳосил термини яқунлаётган бўлади. Маълумки, бу машиналар мураккаб ва қimmatбахо. Шу боис уларни диагностикалаш, сақловга тайёрлаш ва сақлаш муайян тартиб-қоидаларга амал қилишни талаб қилади.

Агротехсервис мутахассислари, фермерлар, механизаторлар ва муҳандис-техникларга яхши аёнки, машиналар ишлаётганда двигатель трубасидан қора тутун чиқаётган ёки бегона товушлар эшитилаётган, радиатордаги совутиш суюқлиги қайнаётган, подшипниклар корпуслари қизибётган, картер ва редукторлардан мой оқаётган, илашиш муфтаси ёки юриш ғилдираклари шатаксираётган, тупроққа сифатсиз ишлов берилаётган, экишда уруғ сарфи меъёридан ошаётган, қатор ораларига ишлов берилганда ўсимлик ва ҳосил элементлари шикастланаётган, дори сепишда суюқлик бир текис тарқалмаётган, дон ёки пахта ерга кўп тўкилаётган бўлса, билингки, қайсидир детал ёки узел носоз. Машина, унинг узеллари ва агрегатларини қисмларга ажратмаган ҳолда ана шу носозликни аниқлаш ва баҳолаш техник диагностикалашнинг асосий вазифасидир.

Машиналарни диагностикалаш ишларини республика-мизнинг қуйидаги корхоналарда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- 1) фермер хўжалиқларининг устахоналарида;
- 2) “Агротехсервис-МТП” МЧЖ устахоналарида;
- 3) машиналарни капитал таъмирлашга ихтисослашган вилоят ва республика таъмирлаш корхоналарида;
- 4) хорижий машинасозлик компаниялари ва фирмаларнинг республика вилоятларида жойлашган Сервис марказларида.

Фермер устахоналарида плуг, диски борона, сеялка, культиватор, дори пуркагич каби машиналар диагностикаланади ва таъмирланади.

“Агротехсервис-МТП” МЧЖлар республика машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилган чопиқ ва универсал-чопиқ тракторлари, пахта териш машиналари ҳамда фермер хўжалиқлари ва муқобил МТПлар томонидан таъмирга топширилган машиналарни техник ҳолатини баҳолайди ва шунга асосан таъмирлаш ишларини амалга оширади.

Вилоят ва республика таъмирлаш корхоналари двигательлар, машиналар (тракторлар, комбайнлар) шассиларини капитал таъмирлайди; детал, узел ва агрегатлар (ёнилғи насоси, гидравлика қурилмалари, электр асбоблари ва бошқалар)нинг қолдиқ ресурсларини аниқлайди, уларни соз (ишлатса бўлади), таъмирталаб (қайта тиклаш мумкин) ва бутунлай носоз (қайта тиклаш мумкин эмас) деган турларга ажратади.

Умуман, машиналарни диагностикалаш жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилади:

- муайян муддатларда (мото-соат, мавсум сони ёки йилларда) ишлаган машиналарга кўрсатиладиган техник хизматлар жараёнида бажариладиган ишларнинг турлари ва ҳажмларини аниқлаш;

- машиналарнинг қолдиқ (заҳира) ресурслари ва уларни механизациялашган ишларни бажаришга тайёрлик даражасини (имкониятини) баҳолаш;

- машиналарга кўрсатиладиган техник хизматлар сифати устидан назоратни амалга ошириш;

- машиналарни ишлатиш жараёнида рўй берадиган носозликлар сабабини топиш ва уларни бартараф этишга доир тавсияларни бериш.



Шундай қилиб, техник диагностикалаш машиналарни хизмат қилиш муддатлари давомида рационал иш (агротехник) кўрсаткичларини сақлаб қолиш; бузилишларнинг олдини олиш йўли билан техник носозликлар туфайли машиналарни тўхтаб қолиш вақтларини қисқартириш; машина узеллари ва агрегатларини асосиз равишда қисмларга ажратишга чек қўйиш; машиналар, уларнинг узеллари ва агрегатларининг таъмираро ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш (эҳтиёт қисмлар сарфини кескин камайитиришга эришилади); машинани қисмларга ажратмаган ҳолда олдин бажарилган техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг сифатини баҳолаш; ёнилғи сарфи ва машинани соз ҳолда ушлаб туришга йўналтириладиган харажатларни кескин камайитириш таъминлайди.

Диагностика натижасида буткул соз деб баҳоланган машиналар сақлашга тайёрланади ва қўйилади.

Плугларни сақловга тайёрлаш. Плуг бетонланган ёки асфальтланган, яъни қаттиқ юзали майдончага олиб келинсин; лемех, отвал ва бошқа узеллар тупроқ, лой ва ўсимлик қолдиқларидан тозалансин ва босим остидаги сув билан ювилсин; цилиндр штуцерларидаги резбали бирикмаларга ҳимоя мойи сурқалсин ва улар гайка-қалпоқлар билан беркитилсин. Ажратиш муфтаси шланглар ечиб олинсин. Очиқ жойларга хомутлар, болт ёки гайкалар ўрнатилсин, ҳимоя мойлари билан қоплансин. Шланглар бино ичида осилган ҳолда сақлансин; отваллар ва предплужниклар, дала доскалари, дисксимон пичоқ, кўтариш механизмларининг винтлари ва шарнирлари, гидроцилиндрлар штоги ва резбали бирикмаларнинг ишчи сиртлари ПВК мойлари билан қоплансин; лемехлар остига тагликлар, рама учига тиргак қўйилсин.

Пахта ва ғалла сеялкаларини сақловга тайёрлаш. Сеялка чангдан, тупроқдан, чигит ёки дон қолдиқларидан тозалансин, босимли сув билан ювилсин ва қисилган ҳаво пуфлансин; барча ғилдирак гупчаклари, подшипниклар ва узатмалар таянчлари, сошниклар, тарангловчи роликлар ва бошқа ишқаланувчи юзалар солидол билан ёлгансин; мойдонлар текширилсин, тозалансин, яроқсизлари алмаштирилсин; тасмалар, зинжирлар ва уруғўтказгичлар ечиб олинсин, тозалансин, ваннага солиниб ювилсин; занжирлар 80-90 градусга қизиган дизель ёнилғиси билан 20 минут давомида ваннада ювилсин; тасмалар текширилсин, яроқсизлари алмаштирилсин, созларига тальк кукуни сепилсин ва омборга топширилсин; уруғ бункерлари ва бошқа қисмлар сиртидаги занглар қириб ташлансин, жилвир қоғозлар билан тозалансин, ҳаво ёрдамида пуфлансин; сошниклар, экиш аппаратлари, ҳаракат узатувчи юлдузчалар, таянч ғилдиракларнинг сиртки қопламалари ва бошқа занглайдиган жойлар мойлансин; барча пружиналардаги тарангликлар йўқотилсин; сеялка рамаси тиргакка қўйилсин, шинадаги ҳаво босими 30 фойизга камайитрилсин, сиртига АКС-4 алюминий бўёғи сурқалсин ва тиргак билан ердан кўтарилсин.

Култиваторларни сақловга тайёрлаш. Детал ва узеллар чангдан, тупроқдан, бегона ўт ва минерал ўғит қолдиқларидан тозалансин култиватор тепага кўтарилсин, босимли сув билан ювилсин; мойдонлар текширилсин, солидол юборгич ёрдамида эски мой янгисига алмаштирилсин, бунда мой тирқишлардан сизиб чиқсин; занжирлар ва ўғитўтказгичлар ечиб олинсин, ювиб, тозалансин, НГ-204 ҳимоя мойи суркалсин ва омборга топширилсин; ўғит солиш аппаратининг банкалари ва ҳамма деталлари ўғит қолдиғидан тозалансин. Экиш тарелкаси ва регулятори, ричаг ва шкала, тишли ғилдираклар, ҳаракат узатувчи валиклар ва банканинг ички сиртига ҳимоя ёғи суртилсин. Банклар қопқоғи зичлаб бекитилсин; деталлар сиртлари зангдан тозалансин, ҳаво билан пуфлансин ва ПЭВ-74 мойи суркалсин; ишчи органлар, резбали бирикмалар, детал ва шарнирларнинг ишқаланиш сиртлари, ишчи органлар ва осиш механизми секциялари, таянч ғилдираклари сиртлари тозалангандан кейин ҳимоя ёғлари билан қоплансин.

Ғалла комбайнларини сақловга тайёрлаш. Барча дарчалар ва ҳимоя кожухлари очилсин. Комбайнни 10-15 дақиқа ишлатинг—ичкаридаги ўсимлик қолдиқлари ташқарига чиқиб кетади; мой босган жойларни эритмаларнинг бири билан ювинг; электр ускуналарини полиэтилен плёнкалар билан ғилофланг, радиаторнинг ҳимоя тўрини ечиб олинг, босимли сув билан ювинг; двигатель қартердаги эски мойни тўкинг. Филтрлар, форсункаларни қиздирилган дизел ёнилғиси билан ювинг. Қартерга 80 фоизи дизел ёнилғиси ва 20 фоизи мотор мойидан иборат эритмани қўйинг. Двигателни 10-15 секунд давомида салт ишлатгандан кейин бу суюқликни тўкиб ташланг, ўрнига янги мотор мойини қўйинг; тезликлар қутиси, кетинги кўприк ва охириги узатмалар қартердаги эски мойларни ҳам шу тартибда алмаштинг; занжирларни ечиб олиб, 90-100 ҳароратдаги дизел мойида 10-15 минут қайнатинг. Уларни майдан олиб турли ваннага солинг ва мой қолдиқлари сиркигандан кейин ваннадан олиб қуритинг. Тоза занжирларни калавалаб сим билан боғланг, сўнгра мой шимдирилган қоғозга ўранг ва омборга топширинг; тасмаларни зангдан тозаланг, иглари чиқиб кетган, моғор босган жойларини 2 фоизли формалин эритмасида дезинфекцияланг, мой доғларини бензин шимдирилган латта билан артиб кетказинг, тасмаларни қуритинг, устига тальк сепинг. Олиниши қийин бўлган тасмаларни жойида артинг, совунли илиқ сувда ювинг, қуритиб, АКС-3 алюминий бўёғини сурканг. Шкивлар ва роликларнинг иш сиртларига зангдан ҳимояловчи мой суртинг; жатка сегмент пичогини ечиб олинг, тозаланг, ҳимоя мойидан суртинг, ёғоч ғилофга жойлаштириб, омборга топширинг. Қўя камерани тозаланг, транспортёр таранглигини камайтинг, винтларга, занжир ва тароқларга ҳимоя мойини суртинг. Жатка корпусини мувозанатловчи механизм пружинаси таранглигини камайтириг; барча элеваторларнинг қопқоқларини очинг, шнеклар ва куракчаларни кирдан тозаланг. Ғалла бункерининг ичини ва шнекларни дон қолдиқлари ва кирдан тозаланг. Ғалла бўшатиш шнеги учини ва резина тарновни полиэтилен плёнка билан ғилофланг ва сим билан боғланг; двигател ҳаво тозалагичи деталларини ечиб олиб ювинг, жойига қайтадан ўрнатинг. Ёнилғи филтрини ювиб тозаланг. Қартерлардаги тиқинни бўшатиб, эски мойни тўкиб ташланг, ювувчи суюқлик қуйиб чайқатинг, сўнгра уни тўкинг. Корпусларни 5 фоизли АКOP-1 қўшилмаси аралаштирилган янги мотор мойи билан тўлдириг. Тутун чиқариш ва ҳаво тозалагич трубалари ва бошқа қисмлардаги тешикларни тиқинлар билан зичланг; аккумулятордаги электролит зичлиги ва сатҳини меъёрига етказинг. Генератор ва стартер сиртлари, коллектор ва шлицаларини ҳаво билан тозаланг. Клеммаларни мойланг; гидросистема бакига 30 градусгача илитилган ва 5 фоизли АКOP-1 қўшилмаси аралаштирилган мой қўйинг. Гидроцилиндр шток-

ларига ПВК ҳимоя мойидан, шлангларга алюминий бўёғидан сурканг; шиналардаги ҳаво босимини 30 фоизга камайтинг, сиртига АКС-4 алюминий бўёғидан сурканг. Шиналарни тиргак ёрдамида ердан озгина кўтариб қўйинг.

МХ-1,8 русумли пахта териш машиналарини сақловга тайёрлаш. Терим аппарати ва вентиляторни очиқ жойда 3-5 дақиқа ишлатинг, бункерга йиғилган қолдиқ пахталарни тозалаб олинг. Бункер қопқоғи ва тўрларига илиниб қолган пахта толалари ва хас-чўпларни қўлда олиб ташланг; вентиляторни ўчиринг, аппаратнинг ҳамма эшикчаларини жойидан ечиб олинг, аппаратни 5-10 дақиқа ишлатиб, босимли сувда тўрт томонидан ювинг. Шпинделлар, ажраткич чўткалар ва вентилятор парралкарига ёпишиб қолган пахта толалари ва чиркларни қирғичлар ёрдамида тозалаб ташланг. Эшикчаларни жойига ўрнатинг.

Пахта териш машинасини ёпиқ бино ичига ҳайдаб киринг. Омборда сақланаётган кичик ғилдиракни вилкаси билан жойига ўрнатинг. Тракторнинг тагига ва катта ғилдиракларга ўрнатилган ҳимоя шчитокларини ечиб олиб, омборга топширинг.

Кувват олиш валига ўрнатилган тарқатиш редукторини ечиб олинг, унинг шлицали валига ҳимоя кожухини ўрнатинг. Терим аппаратлари, бункер ва рул ғилдираклари гидроцилиндрлари билан трактор гидротақсимлагичи орасидаги барча шлангларни ечиб олиб, тозаланг, омборга топширинг. Очиқ қолган штуцерларни гайкалар ёки қопқоқлар билан беркитинг.

Машинага ўрнатилган ёритиш, габарит ва огоҳлантириш чироқларининг электр симлари тракторнинг электр қурилмаларидан ажратилсин, очиқ қолган клеммалар иҳоталансин, симлар омборга топширилсин.

Машина бўйлама рамаларини тракторнинг орқа кўприги кожухларидаги таянчларга, чап ва ўнг лонжеронларига маҳкамловчи болтлар ҳамда лонжеронлар билан орқа кўприк орасидаги чап ва ўнг кашаклар бўшатиб олиниб, омборга топширилсин.

Машинанинг чап ва ўнг бўйлама рамалари бошларининг остига мустаҳкам тагликлар қўйилсин. Уларнинг баландлиги шундай танлансинки, бунда рамалар ер юзасига параллел ҳолатда бўлсин.

Аппаратдаги иккита редукторнинг қопқоқлари очилсин, ичидаги эски мой олиб ташлансин, дизел ёнилғиси билан ювилсин, янги мой солинсин ва қопқоқлар беркитилсин.

Пневмосистема вентиляторлардаги иккита тасма ва шпинделларни тўғри айлантурувчи саккизта понасимон тасмалар ечиб олинсин, яроқсизлари чиқитга чиқарилсин. Яроқли тасмалар совунли сувда ювилсин, қуритилсин, уларга тальк кукуни сепилсин ва омборга топширилсин.

Шпинделларни тескари айлантурувчи саккизта понасимон тасмалар (тескари айлантурувчи колодкалар)нинг созлари жойида қолсин, фақат тасмалар сиртига тальк кукуни сепаб қўйилсин.

Аппаратнинг қўзғалмас ва қўзғалувчан секцияларини бири-бирига тортиб турувчи пружиналар бўшатилиб, эркин ҳолатга келтирилсин.

Шундай қилиб, плуг, борона, сеялка, култиватор каби оддий машиналарни бостирма остида, трактор, ғалла комбайни ва пахта териш машинаси каби мураккаб техника воситаларини ёпиқ бинолар ичида сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Машиналар ёпиқ бинода сақланса занглашнинг олди олинади (қишлоқ хўжалиги машиналарининг 70-80 фоиз деталлари очиқ ҳавода занглаш туфайли ишдан чиқади), резина деталлари (тасмалар, втулкалар, шланглар) емиримай, соз ҳолатда туради, машинани келгуси мавсум учун тайёрлаш кам эҳтиёт қисм талаб этилади, фермер маблағи тежалади, энг муҳими, машинанинг ишлаш муддати ва яроқчилиги ортади.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор (ҚХМИТИ).

КЎРГАЗМАЛИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

янги ташаббусларга замин яратди

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида “Шўрланган ерларнинг шўрини ювиш” мавзусида кўргазмали илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти, Амударё ҳавзасида жойлашган вилоятларнинг сув хўжалиги мутахассислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги барча тизим ташкилотлари ва туман ирригация бўлимлари масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев кириш сўз билан очди.

– Муҳтарам Президентимиз жорий йилнинг 2 октябрь куни Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш, мавжуд сув манбаларидан самарали фойдаланиш ва экин майдонларининг шўрланиш даражасини камайтириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган эдилар, – деди Ш.Хамраев. – Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ишчи гуруҳ экин майдонларини кўздан кечириб, Қорақалпоғистонда ер майдонларини лазер қурилмалари ёрдамида текислаш ва шўр ювишни ташкил этиш бўйича кўргазмали илмий-амалий семинар уюштиришга келишиб олди.

Кўргазмали илмий-амалий семинарни ўтказиш ва шўр ювишга ерларни тайёрлаш учун Беруний туманидаги кластер ташкилотига тегишли майдонлар танланди. Ерларни тайёрлашдан олдин ва кейинги ҳолатини солиштириш, ер қўшиш ишларини таҳлил қилиш мақсадида ҳудуд дрон ёрдамида фото ва видео съёмка қилинди.



– Мазкур ҳудуддаги экин майдонларини шўр ювишга тайёрлаш бир неча босқичда амалга оширилди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ж.Узақов. – Лазерли ускуна ёрдамида дала ўртасидаги марзалар, паст-баланд ерлар текисланди. Электр симёғочлар дала четига кўчирилиб, 2,2 гектар қўшимча ер кўшилди. Бу ишларга Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотлари, жумладан, Пахта Арна-Найман ирригация тизими бошқармаси, Беруний насос станциялари ва энергетика бошқармаси, туман ирригация бўлимидан жами 100 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим ёрдамлашди.

Ҳудуддаги сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга 7 та махсус техника жалб қилинди.

Илмий-амалий семинарда шўрланган майдонларда амалга оширилаётган агротехник тадбирлар, қўлланиладиган воситалар ҳақида маълумотлар берилди ва махсус кесувчи қурилма билан жиҳозланган инновацион Hyundai R220LC-9S экскаваторининг тақдироти ўтказилди.



Кўргазмали семинар иштирокчилари ижтимоий масофани сақлаган ҳолда гуруҳларга бўлиниб, пешлавҳалардаги тақдимотлар ва даладаги амалий ишлар билан танишдилар. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Тадбирда чет эллик инвесторлар ҳам иштирок этди. Улар билан янги режалар муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги ПҚ-2324-сонли қарори асосида Жаҳон банки иштирокида “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси белгиланган жадвал бўйича 2021 йилнинг сентябрь ойида якунланиши керак эди. Сув хўжалиги соҳаси олдида қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида пудратчи ташкилотлар билан музокаралар ўтказилди. Инвесторлар билан биргаликда “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасини 2021 йилнинг март ойи охиригача тугатиш бўйича жадвал ишлаб чиқиш ва ишларни жадал суръатларда олиб боришга келишиб олинди.

Анжуманда таъкидланишича, эндиликда олдинги йиллардагидек, ойлаб шўр ювишга сув беришининг имкони йўқ. Мавжуд сувлардан оқилона фойдаланиш учун эса ерларни шўр ювишга сифатли тайёрлаш лозим. Шу боис жорий йилда бу тадбирга алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 2020-2021 йилларда кузги-қишки даврда жами 155,72 минг гектар майдонда шўр ювиш тадбирларини ўтказиш белгиланган. Шундан, 23,37 минг гектари кучли шўрланган майдон бўлса, 77,85 минг гектари ўрта ва 54,49 минг гектари кучсиз шўрланган майдонлар. Бу борада барча туманлардаги экин майдонлари кесимида шўрланиш даражаси ва шўр ювиш тадбирларини ўтказиш жадваллари ишлаб чиқилган.

Семинар ўтказилаётган Беруний туманида жами 15,084 минг гектар майдонда шўр ювиш ишларини амалга ошириш белгиланган. Шундан кучли шўрланган майдонлар 2,89 минг гектар бўлса, ўртача шўрланган майдонлар 7,03 минг гектарни, кучсиз шўрланган майдонлар 5,16 минг гектарни ташкил қилади.

Кўргазмали илмий-амалий семинар юқори ташкилотчиликда ўтди ва янги ташаббусларга замин яратди, дейиш мумкин. Тадбир якунида Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида 2020-2021 йилларда кузги-қишки шўр ювиш ва ерларни лазер ускунаси ёрдамида текислаш бўйича кўргазмали семинарлар ўтказишга келишиб олинди.

Тадбир доирасида оммавий ахборот воситалари ва матбуот хизмати вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Ғайрат ОТАЖОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги матбуот котиби



ОРДЕНЛИ МЕХАНИЗАТОР

Фарғона вилояти азалдан миришкор ва уста деҳқонлари билан машхур. Жорий йилда улардан бири, илғор механизатор Абдуллажон ака Кенжабоев мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

— 49 йилдан буён қишлоқ хўжалик техникаларини бошқарман, — дейди хўжалик механизатори «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби Абдуллажон ака Кенжабоев. — Илк рулга ўтирган пайтларим «Универсал» номли тракторлар бўларди. Кабинаси йўқ, қаттиқ, ғилдираклари темирдан. Уни ҳайдаш

механизатор эди, кейинчалик бригадир, раис бўлди. Мана, энди фермер. Қайси экин майдонидан чиқсак экинларнинг аҳволини биздан сўраб боради. Механизатор ҳар бир қарич ерни кўздан кечириб чиқишини яхши билади-да. Авваллари бизнинг касбимизда ҳам устоз-шоғирд аъёналарига алоҳида эътибор бериларди. 2-3 йил техника бошқармагани қатор орасида ишлашга қўйишмасди. Эндиликда бу удумга эътибор сусайгандай. Экин майдонлари четини экмаслик ҳолати кузатиляпти. Нима эмиш, техника кирганда эзиб кетармиш. Устоз кўрган механизатор майдон четидан қандай

жоннинг азоби бўлсада, техникага бўлган қизиқишим устун келарди. Устозим раҳматли Турсунали Хошимовнинг «Абдулла, техника ҳалолликни ёқтиради, шунинг учун доимо ҳалол ва пок юр», деган насихатларига амал қилиб кам бўлмадим. 39 йилдан буён Лолахон билан бирга ишлаймиш. Аввалига

қайтиш сир-асрорини яхши билади. Фермерларга айтаман: «Ҳой деҳқон, Ҳизр бува ҳам экин майдонига четдан киради. Шунинг учун экинни ясатишни майдон четидан бошла». Ҳозирги кунда 10 дан зиёд шоғирдим бор. Муҳторали Зокиров 36 йилдан буён мен билан бирга ишлайди. Ҳали ҳам тушунмаганини сўрайди. Замонамиздан айланади, қандай техникалар чиқди-а. Юмшоқ, тезкор, тежамкор ва сифатли. Бундай техникалар билан ишлаб чарчамайсан. Жорий йилда 500 гектар экин майдонига экилган ғалла ва пахта кўчатларига хизмат кўрсатдик. Гарчи 73 ёшни қоралаган бўлсам-да, шоғирдларим билан бирга меҳнат қилиб чарчамайман. Президентимизга раҳмат, менинг камтарона меҳнатимни қадрлаб, шундай юксак орденага лойиқ кўрибдилар. Бу мукофот ёлғиз меники эмас, балки мана шу заминда меҳнат қилаётган барча механизаторларники деб биламан. Бундан кейин ҳам янада янги куч ва ғайрат билан меҳнат қиламан.

Ҳа, фарғоналик механизаторларга хавас қилса арзийди. Одамохун, ўз касбини севгучи бундай инсонлар билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин.

Суратда: «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби Абдуллажон Кенжабоев.

Ўз мухбиримиз.

МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами арафасида кўп йиллик самарали меҳнати, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг фахрий унвон, ордени ва медаллар билан мукофотландилар. Мукофотланганлар орасида Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ирригация тизимлари ва гидротехник иншоотлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи Шарьяр Жақсимуратов ҳам бор. Президентимизнинг фармони билан «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

— Ушбу мукофот нафақат менинг, балки барча қорақалпоғистонлик сувчиларнинг меҳнатига берилган юксак эътибор деб биламан, — дейди Ш.Жақсимуратов. — Арзимаган меҳнатинг юқори баҳоланса, рағбатлантирилса, масъулиятинг янада ошар экан. Жамоамиз билан ушбу рағбатга муносиб меҳнат қилишга ҳаракат қиламиз.

Сувни қадрини Оролбўйида яшайдиганлар яхши биладилар. Шунинг учун нафақат бизнинг меҳнат жамоамиз, балки республикамизда истиқомат қилаётган барча аҳоли ҳар бир томчи сувни тежаб-тергаб ишлатади. Бу борада бизнинг жамоамиз меҳнаткашлари сувтежамкор технологиялардан, жумладан томчилатиб суғориш усуллари билан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, инновацион ғояларни илгари сурадилар. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар кўришга бел боғлаганмиз.



Суратда: «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби Шарьяр Жақсимуратов.

ТАВАККАЛГА ҚЎЛ УРГАН ФЕРМЕР

Мустақилликка эришганимиздан кейин Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида янги йўналиш – фермерликка асос солинди, соҳанинг оёққа туриши, ривожланиши учун кенг йўл очилди. Бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келаётгани бу қарорнинг тўғри ва оқилона бўлганини тасдиқлаб турипти.

Албатта, эришилаётган улкан ижобий натижаларга шу соҳа илғор вакилларининг фидокорона меҳнати, ўзлари эришаётган натижалар билан бошқа сафдошларига ўрнак бўлаётгани сабабдир. Энг муҳими, ана шундай уддабурон, ишбилармон фермерлар сафи йил сайин кўпайиб бораётир. Қаҳрамонимиз – Бахмал туманидаги “Олис тоғлар” фермер хўжалиги раҳбари Муродилла Махатовни ҳеч иккиланмасдан ана шундай фермерлар қаторига киритиш мумкин.

Туман маркази Ўснат шаҳарчасидан 15 чақирим узоқликда, қир-адирлар бағрида атиги 35 хонадон иқтиқомат қиладиган – Бойқўнғур деб номланган мўъжазгина қишлоқ бор. Чор-атрофи сувсиз, лалмикор ерлардан иборат ушбу қишлоқ денгиз сатҳидан анча баландда жойлашган. Шунинг учун ҳам бу ерларда унча-мунча экин битавермайди. Иқлим ва об-ҳавонинг ўзига хослиги сабаб, ҳатто, ҳудудда экиладиган асосий экин – ғалла ҳам бошқа жойлардагидан фарқли равишда анча кейин – август ойида пишиб етилади.

Гапнинг индаллоси шундаки, бундан 20 йилча аввал қишлоқ атрофидаги ана шу ерларда фермер хўжаликлари ташкил топа бошлади. Тўғриси, ўшанда юрак ютиб, бу ишга киришганлар жуда кам бўлди. Муродилла Махатовнинг миясида ҳам “Ер олсам, меҳнат қилсам-у, ҳосил бўлмаса, қарзга ботиб қолмайманми”, деган фикр-ўй чарх ургани бор гап. Шундай бўлса-да, Бойқўнғурнинг “ишонган одамлари”дан бири саналган йигит таваккалга қўл уриб, фермер бўлишга аҳд қилди.

— Лалми ерлардаги деҳқончилик табиатга, йилнинг, об-ҳавонинг қандай келишига жуда-жуда боғлиқ, — дейди М.Махатов. — Масалан, ерни сифатли шудгорлаш, маҳаллий ва маъданли ўғит билан озиклантириш, тупроққа энг сифатли уруғни ташлаш мумкин. Аммо зарур пайтда ёгингарчилик бўлмаса ёки аксинча, қор-ёмғир керагидан ортиқ бўлса, амалга оширилган бу ишларнинг ҳаммаси бекор кетади.

Муродилла лалмикор деҳқончиликнинг ана шундай инжиқликларини ўз бошидан кўп бора ўтказди. Об-ҳаво ноқулайлиги сабаб ҳатто уруғликка кетган сарф-ҳаражат қопланмай қолган пайтлар ҳам бўлди. Йил яхши келиб, бир мавсумда икки ҳисса кўп ҳосил кўтарганини ҳам яхши эслайди. Энг муҳими, оғир дамларда ҳам, қувончли кунларда ҳам фермерликдан воз кечишни ҳаёлига келмади.

Мана, бугун йиллар давомида амалга оширилган сай-ҳаракатлар мевасини бермоқда. Бошида ер майдони 50 гектар бўлган хўжалик бугун 185 гектар ерга эга, “кўп тармоқли” мақомини олгани ҳам бежиз эмас. Лалми



ғаллачиликдан бошқа йирик ва майда шохли чорва моллари, 56 қути асалариси бор. Ўтган йили боғдорчиликка қўл урди. 10 гектар майдонга асосан олма, шунингдек, олхўри, шафтоли, беҳи каби мевали дарахт кўчатларини ўтказди. Икки чақирим узоқликдаги булоқ сувини қувур орқали тортиб келиб, томчилатиб суғориш усулини йўлга қўйди.

— Хўжалигимизда 15 киши доимий иш билан таъминланган, — дейди фермер. — Улар техникани бошқариш, мол боқиш, асалари парваришлаш каби юмушларни бажаради. Ишларимизнинг унумли бўлишига моддий-техника базамизнинг мустаҳкамлиги омил бўлмоқда. Бизга томчилатиб суғориш усули жуда маъқул келди: тепадан, ўз оқими билан келаётган сувни ортиқча сарф ҳаражат қилмай – қудуқ қазимасдан, электр энергияси тортмасдан даламизга олиб келдик. Бу сув боғни яна 10 гектарга кенгайтиришга имкон беради.

— Савобталаб фермерларимиз кўп, — дейди Бахмал тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Неъматулла Абдулаҳатов. — Улар ўзлари истиқомат қиладиган қишлоқ ва маҳаллалар ободлигига ҳисса қўшиб, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашмоқда. Мана, масалан, Муродилла Махатов Бойқўнғур қишлоғига олиб борадиган йўлни таъмирлашга катта ҳисса қўшди, битта кам таъминланган оилага сигир-бузоқ ажратди, Сардоба сув омборидан жабрланганлар учун 5 миллион сўм тортиқ қилди.

Ҳа, иқтисодий ва молиявий ҳолати, моддий-техника базаси мустаҳкамланаётган, ер-мулкка эгаллик ҳисси ошаётган қишлоқ мулкдорлари юртимиз равнақи, турмушимиз фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Президентимиз фармонига кўра, Мустақилликнинг 29 йиллиги арафасида “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланган Муродилла Махатовнинг ҳаёти ва фаолияти буни яққол тасдиқлайди.

Сурапта: “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби Муродилла Махатов ўғли Тошпўлат билан.


Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

ИШНИНГ ЎЗИНИ ЭМАС, КЎЗИНИ БИЛГАН ИНСОН

Касб танлаш – ҳар бир инсон ҳаётидаги энг муҳим танловлардан бири. Касб – нафақат даромад топиш манбаи, балки умрнинг асосий қисми сарфланадиган фаолият ҳамдир. Шу маънода инсон умр йўлдош ва касб танлашда адашмаслиги керак, деган гап нақадар ўринли эканига қўшилмай иложимиз йўқ. Боиси, инсон умрининг энг асосий дамлари ишда ва оилада кечади. Шундай экан, инсон севган касбидан ва оиласидан қониқиш ҳосил қилиб яшаса, турмуши чиройли кечади. Мақоламиз қаҳрамони Нуриддин Рихситиллаев ҳаётда ана шундай омади чопган инсонлардан. Нуриддин ака мана 46 йилдирки сувчилик касбини улғулаб келади. Айтиш керакки, қаҳрамонимиз айни пайтдаги, яъни Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тизимидаги “Бўзсув” ирригация тизими бошқармаси бошлиғи лавозимига бўлган даврда шарафли ва машаққатли йўлни босиб ўтди. 1968-1973 йилларда Тошкент Политехника институти (ҳозирги Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети)да таҳсил олган Нуриддин ака кейинчалик муҳандис геолог, Мелиоратив тизимлар бошқармасининг Зангиота тумани коллектор-дренаж тармоғи муҳандиси, Зангиота тумани суғориш тизимлари бошқармаси сувдан фойдаланиш муҳандиси, сувдан фойдаланиш бўлими бошлиғи, Зангиота тумани қишлоқ ва сўв хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари, сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, кейинчалик Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тизимидаги “Бўзсув” ирригация тизими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, бошқарма бошлиғи каби лавозимларда фаолият юритди.

Таъқидлаш жоиз, қаердаки, темир интизом, адолат ва соғлом муҳит бўлса, ўша ерда унум ва барака бўлади. Н.Рихситиллаев қаерда фаолият олиб бормасин фидокорона меҳнат қилиб, истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиб келди. Шу ўринда, Нуриддин аканинг ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш, сув ресурсларидан фойдаланишида ишончли ҳисоботни юритиш, юқори ҳосилдорликка эришишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётганини эътироф этмасак бўлмайди. Масалан, унинг раҳбарлигида 2016–2018 йилларда ҳар йили 284 минг 583 гектар ер майдонига сув етказиб берилди ҳамда 1 168 км хўжаликлараро каналларда 999,6 млн. сўмлик тозалаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Меҳнат омилкорлик билан уйғун бўлсагина натижа беради. Бунинг учун ишнинг ўзини эмас, кўзини билиш керак. Буни яхши англаб етган Нуриддин Рихситиллаев бошчилигидаги жамоа сув ресурслари танқислиги шароитида кам сув сарфлаб барқарор, юқори ҳосил олиш имконияти берадиган, суғоришда тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича ҳам ишларни тизимли равишда ташкил этишмоқда. Жумладан, 2016–2018 йиллар давомида фермер хўжаликларига 35600 га майдонга эгилувчан қувур ёрдамида суғориш технологиялари, 37 000 га майдонга томчилатиб суғориш технологиялари



ва 500 га майдонга ёмғирлатиб суғориш технологиялари жорий этилди. Бунинг натижасида 79200 минг м³ сув тежаб қолинишига эришилди. Қолаверса, унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида 2017–2018 йилларда Юқори Тошкент ва Шимолий Тошкент, Жун каналларида олиб борилган таъмирлаш ва реконструкция ишлари натижасида фермер ва деҳқонларга оби ҳаёт ўз вақтида етиб бориши таъминланди.

Нуриддин ака устоз сифатида ёшларга ўз касбини ўргатишдан чарчамайди. Ҳозирда унинг 50 дан ортиқ шогирди сув хўжалиги ва бошқа соҳаларда меҳнат қилмоқда. Сўнгги уч йилда сув хўжалиги соҳасидаги олий ва ўрта махсус билим юртларининг 738 нафар талаба ва ўқувчиларига амалиёт ўташлари учун шароит яратиб берди. Шу билан бир қаторда 27 нафар олий таълим муассасалари битирувчилари ва 35 нафар касб-хунара коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди. Албатта, иш жараёнида турли муаммолар юзага келиш табиий. Нуриддин ака тажрибали раҳбар сифатида уларга оқиллик билан ечим топади.

Талабчан, лекин самимий ва камтар Нуриддин ака ҳамкасбларига ҳамиша ғамхўр. Кези келганда ҳазил-мутойибани ҳам ўрнига қўяди. Бўлимда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштириш ва уларни ўтказишда бевосита иштирок этади. Биз юқорида инсон касб ва умр йўлдош танлашда адашмаслиги керак дедик. Бу бежиз эмас. Нуриддин ака рафиқаси Насиба Абдурахманова билан уч ўғил, бир қизни оқ ювиб-оқ тараб, эл қорига ярайдиган фарзандлар қилиб вояга етказган. От изини той босар деганларидек, улардан бири Рамзиддин Нуриддинов айни дамда “Бўзсув” ирригация тизими бошқармаси Зангиота туман бўлими 2-тоифали муҳандис-гидрометри бўлиб ишлаб келмоқда.

Эътибор ва эътироф кишини янада ёниб ишлаш ва яшашга ундайди. Жорий йил Нуриддин Рихситиллаевнинг камтарона хизматлари яна бир бор давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланди. Президентимизнинг Фармонида асосан Нуриддин Рихситиллаев “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

Инсон умри ҳам оқар сув кабидир. Киши ҳаёти давомида умрнинг гоҳ сокин, гоҳ тўлқинмисол шиддатли оқимларига дуч келади. Бу йўллар шубҳасиз кишини тоблаяди. Нуриддин Рихситиллаев ҳам ана шу йўлларда тобланиди, чархланди. Сувчи деган касби ортидан иззат-хурмат топди. Зангиота туманида Рихситиллаевлар оиласини бугун барча хурмат билан тилга олади.

Ш.ХУДОЙБЕРДИЕВ.

МЕХНАТ ШУХРАТ КЕСТИРАР

“Бошланган ишда хайр бўлса, кўнгил жойига тушади”. Касим ака бугун ҳам тонг саҳардан чорва комплекси томон қадам ташларкан, дилдан шу сўзлар ўтди. Кунда, кунора йиғилиш, раҳбар оти борки, халқнинг ҳаёт тарзини яхшилаш учун бош қотиради. Бу йил жуда оғир келди. Пандемия шароитида кимдир беморланган, кимдир ёрдамга муҳтож. Аллоҳнинг бу синовли кунларида ишчи-хизматчиларга янада эътиборли бўлиш кераклиги, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни яна кўпайтириш, тўхтаб, бир жойда қотиб қолмаслик зарур.



Яқинда – мамлакатимиз Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Ватанимизнинг иқтисодий ва ижтимоий юксалишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган фидойи соҳа вакиллари билан бир гуруҳи орден ва медаллар билан мукофотланди. Шулар қаторида, Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компаниясига қарашли Хоразм вилоятининг Шовот туманида жойлашган “Темир йўл обод” чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган комплекси раҳбари Касим Жуманиязов муносиб меҳнатлари учун “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

Севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик қаламидан тўқилган ҳикматли сўзлар бор: “Аллоҳ ҳар бир бандасига бахтни мўл-кўл беради. Бу худди ёмғир томчиларига ўхшайди. Биров томчиларга кафтини тутати, бошқаси тадбир ишлатиб кўпроқ тўплайди. Худо ёғдираётган бахтга эга бўлиш учун киши Ҳақ талабидидаги фазилатларга эга бўлиши керак. Ҳалоллик, поклик, атрофдагиларга меҳр-муҳаббатда бўлиш... каби фазилатларсиз бу бахтга эга чиқиш мушкул”.

Демак, инсон меҳнати эвазига хайр топади, бахт, обрў-эътибор топади. Касим Жуманиязов шараф ва эътирофга лойиқ топилгунча тадбиркорликнинг турли жабҳаларида фаол меҳнат қилди.

У 1952 йил 30 июнда Шовот тумани Кангли қишлоғида, зиёли, қишлоқ хўжалиги соҳаси билимдони, тажрибали пахтакор, туманда кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган раҳматли Йўлдош ота Ҳажиев оиласида туғилди. Болалиги қишлоқнинг сўлим боғу кенг далаларида ўтди. У 1978 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатиб, чорвадорликка ихлос қўйди. “Шовот қалъа” чорвачилик комплексида дастлаб иқтисодчи, 1980-1981 йилларда мудири бўлиб ишлади. Йиллар бўйи тиним билмади, ҳалоллиги, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан элга танилди. 1993-2000 йилларда “Шовот” жамоа хўжалиги раиси, 2006-2008 йиллар Кангли қишлоқ муқобил машина-трактор парки раҳбари, 2008-2012 йиллар Кангли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифаларида меҳнат қилди, халқ билан сийлашди, эл билан тиллашди.

2012 йилда, энди ёши олтмишга етганида, неваралар билан тиллашиб, дам оламан деганида Касим акани Тошкентга Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик компаниясига қарашли янги ташкил қилинаётган чорвачилик комплексига бошлиқ қилиб тайинлашди. Компания раиси О.Раматовнинг “Ғайрату шижоат сиздан, раҳбату мадад биздан”, деган сўзлари уни жадаллик билан ишлашга ундади. Орадан бир йил ўтгач, қадимий Эшвой чўллари бағрида йирик чорвачилик комплекси қад ростлади. “Темир

йўл обод” чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган комплексида иш қайнади. Раҳбар корхонадаги ишчи-хизматчиларнинг иш шароити, ҳаёт тарзи билан мунтазам танишиб, раҳбатлантиришни йўлга қўйди. Манфаат бор жойда қизгин меҳнат жараёни шаклланади. Темир йўл компанияси ва комплекс раҳбарлари молларни танлашда дунё бўйича барча зотдор сигирларнинг маҳсулдорлигини ўрганиб чиқдилар. “Голштин”, “Швиц”, “Симментал” зотларидан бўлган ғунажинларни сотиб олишга қарор қилдилар. Тажрибали раҳбар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, гўшт, сут, товۇқ тухуми ва парҳез гўшти билан таъминлаш учун бор тажриба ва маҳоратидан фойдаланди. Корхона ўтган 8 йил ичида белгиланган режа ва топшириқларни вақтида ва ошиғи билан уддалаб, ишлаб чиқариш соҳасида катта натижаларга эришди. 340 нафар ишчи-хизматчи доимий иш ўрнига эга. Шулардан 63 нафари хотин-қизлар, 84 нафари касб-хунар коллежини тамомлаган ёшлар ҳисобланади. 2012 йилда иш бошлаган жамоа йил сайин ўз имкониятларини кенгайтира борди. Дастлаб Эшвойда, кейин Шовот туманининг “Махтумқули” массивида ҳам яна 1000 бош қорамол боқишга мўлжалланган комплекс курилиб, Германия давлатидан 300 бош насли қорамол зотлари олиб келинди. Қўшимча иш ўринлари яратиш учун яна томорқа сифатида 18 гектар боғ барпо қилинди.

Тадбиркор, уддабуррон, ўз ишига масъулият билан ёндашувчи Касим Жуманиязов байрам, тадбир, танлов ва бошқа ташаббускорлик ишларида туман ва вилоятда доимо етакчи бўлди. Сирдарё вилояти Сардоба туманида сув тошқинидан зарар кўрган аҳоли учун гўшт, тухум ва бошқа озиқ-овқат захираси ортилган автомашина орқали беғараз ёрдам юборди. Булар қулоққа эшитилган қисқа хабарлар. Ахир, ўнг қўл берганини чап қўл билмасин, деган гап бор.

Бугун барча шовотликлар қатори республика аҳли ва жамоамиз номидан Касим Жуманиязовни “Меҳнат шуҳрати” ордени билан муборакбод этиб, унга янада улкан зафарлар, соғлиқ-саломатлик тилаган ҳолда, “Бошлаган ишларингиз хайрли бўлаверсин!” дея тилак билдирамыз.

Хайрли иш мудом ибрат бўлади,

Яхшилар яхшидан ўрнак олади.

Дунё кенг, умр ҳам юкли, ҳисобли,

Меҳнатдан топган бахт тотли бўлади.

Эл-юрт эътирофи муборак бўлсин, қадрли Касим ака!

Суратда: Касим Жуманиязов.

Ўз мухбиримиз.

СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва институционал ислохотлар инвестиция муҳитини яхшилашга, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонининг ортиб боришига кўмаклашмоқда. Бу жараёнда анъанавий равишда давлат тасарруфид ва бошқарувида бўлган иқтисодий тармоқларида давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

Давлат-хусусий шериклик механизмдан дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида иқтисодийнинг кўплаб соҳаларида кенг фойдаланилади. Сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни жорий этишда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари пешқадам ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги механизми кўпгина афзалликларга эга бўлиб, ҳар қандай давлат учун стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг кучли қуроли саналади. Аввало, давлат ва хусусий бизнес шериклиги ўзида бюджет орқали молиялаштиришнинг муқобил шаклини намоян қилади. Давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги тарзидаги хўжалик юритиш ишлари мамлакат иқтисодий секторига қўшимча манбаларни жалб қилиш имконини беради.

Худди шу аснода, тегишли шартнома орқали пайдо бўладиган ўзаро муносабат орқали хўжалик юритувчи субъектлар – давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ресурс ва салоҳият бирлашади. Бу жараёндаги энг муҳим жиҳат шундан иборатки, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

Президентимизнинг жорий йил 10 июлдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”да сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш, тежал-


ган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу борадаги ишлар доирасида Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2030 йилга қадар 50 та давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаси амалга оширилади. Шундан 6 таси 2020 йилда якунига етказилади. 2025 йилгача эса соҳадаги ДХШ лойиҳалари сони 25 тани ташкил қилади.

Айни пайтда вазирлик томонидан 2020-2021 йиллар давомида ДХШ қоидалари ва тартиб-таомиллари асосида амалга ошириш юзасидан 24 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан 10 таси кластер тизимида фаолият юритиб келаётган хўжаликлар билан амалга оширилади. Улардан 5 таси 2020 йил охиригача, қолган 5 таси 2021 йилда якунига етказилади. Шунингдек, 2021 йилда 9 та лойиҳани бошқа юридик шахслар билан ва 1 та лойиҳани хорижий ҳамкорлар билан амалга ошириш режалаштирилган.

ДХШ бўйича дастлабки лойиҳалар аллақачон самарасини бера бошлади. Хусусан, 2020 йил июнь ойида Сирдарё мелиоратив экспедицияси билан “Сирдарё мелиоратив қурилиш” масъулияти чекланган жамияти ўртасида имзоланган қиймати 9 млрд. сўмлик ДХШ битими бўйича ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 1,5 млрд. сўмлик воситалар келтирилган.

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги ирригация ва мелиорация объектларини ДХШ қоидалари асосида бошқарувга бериш лойиҳасини “ТСТ AGRO CLASTER” МЧЖ билан амалга оширишга келишилган. Лойиҳанинг концепцияси ва техник-иқтисодий асослари ҳамда битим лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли хўжжатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига келишиш учун тақдим қилинган. Шунингдек, лойиҳани молиялаштириш учун талаб



этиладиган бюджет маблағларини ажратиш юзасидан Молия вазирлигидан хулоса олинган. Қиймати 43,9 млрд. сўмлик битимни яқин кунларда имзолаш режалаштирилган.

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги “Оқтош-1”, “Оқтош-2” ва “Туркистон” насос станцияларини, Булунғур туманидаги “Ғалаба” насос станциясини, Қашқадарё вилояти Нишон ва Касби туманларидаги коллекторларга ўрнатилган 4 та насос станцияни, Сирдарё вилоятидаги “Мирзачўл-1”, “Мирзачўл-2” ва М-1 насос станцияларини ДХШ қоидалари ва тартиб-таомиллари асосида бошқарувга бериш ишлари тегишли тартибда олиб борилаёпти.

Республикамиз сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни жорий этиш юзасидан хорижий давлатларнинг етакчи компаниялари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан Янги Зеландиянинг “Sustainable Energy Services International” компанияси ўртасида насос станцияларини бошқаришда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланганлигини мисол келтириш мумкин. Мазкур меморандум доирасида сув хўжалиги тизимида бир қатор насос станцияларини давлат-хусусий шериклик қоидалари асосида бошқариш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Мухтасар айтганда, сув хўжалиги соҳасига давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг татбиқ этилиши иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этиш учун хусусий инвестицияларни жалб этиш, илғор бошқарув тажрибасини жорий этишга хизмат қилмоқда.

Равшан ШАРОПОВ,
Сув хўжалиги вазирлиги
Юридик бошқармаси бошлиғи.

ТОМЧИЛАРДАН ХИРМОНЛАРГА

Томчилатиб суғориш афзалликлари, сув тежайдиган технологияларнинг жорий этилиши, бу борада туманда пахта ва бошқа экинлар етиштиришдаги имкониятлар ҳамда ушбу соҳада етакчи ташкилот бўлган “Қарамази Қиличбай” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ходимлари олиб борган ишларни суриштирдик. ИТХБга қарашли Гурлан туман СИУ бош гидротехниги Дилмурод Султонов ҳали ёш бўлса ҳам, тажрибали гидротехниклардан биридир. У Тошкент ирригация ва мелиорация институтини тугатиб, бошқармага ишга келади. Тажрибали ирригатор ва мелиораторлар Қурол Бобожонов, Жаҳонгир Раҳимов, Шавкат Раҳмонов, Зокир Холлиев, Азамат Абдуллаевларни ўзининг устози деб билади.

— Жорий йилда тумандаги 5 та фермер хўжалиги кесимида 106,3 гектар майдонда ғўзани томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида суғориш ишлари олиб бордик, — дейди у. — Бу янги технология ҳар томонлама афзалликка эга бўлганидан мўл-кўл ҳосил етиштирилиб, кластер ташкилотига юқори навлардаги хомашё ўз вақтида етказиб берилди. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳимиз йил бўйи барча фермер хўжаликларида иш олиб бордилар.

Сув ҳам тупроққа сингиб кетмайди, ўсимлик ҳам эҳтиёжига кўра сув билан таъминланади. Минерал ўғит ҳам сув билан бирга етказиб берилади, шу билан сув ҳам, кўл кучи ҳам тежалади. Бошқа суғориш усулларига қараганда, экин турига қараб, 20 фоиздан 60 фоизгача сув ресурси тежалади.



Айнан бу ишнинг ҳадисини олган “Муҳандис” фермер хўжалиги 2020 йилда 29,6 гектар майдонда пахта хомашёсини етиштириш учун янги технологияни ўрнатди. Жами қиймати 592 000 000 сўм бўлган лойиҳа ва бизнес-режа ишлаб чиқилиб, “ОМАД СТАРТ” МЧЖ пудрат ташкилоти билан шу суммада шартнома тузди. Агробанкдан олган кредит эвазига технологияни жорий қилди.

— Томчилатиб суғориш намликни сақлайди. Иш унуми ортади, техника маблағи, озуқа тежалади. Кредитни тўлаш учун бирикки йил ўтади, бироқ тежамкор технология йиллар давомида ишлайди. Фақат пайкал ораларига юбориладиган шлангларни йилда бир марта янгилаб туриш керак, — дейди “Муҳандис” фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Болтабаев.

Суратларда: 1. Гурлан туман СИУ бош гидротехниги Дилмурод Султонов “Муҳандис” фермер хўжалигида ўрнатилган сув тежовчи технологияни кўздан кечирмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Тошлоқ тумани маркази вилоят марказидан унча узоқда эмас. Марғилон шаҳри билан деярли туташиб кетган. Туман ҳудуди бир томони Қува, иккинчи томони Ёзёвон, учинчи томони Қувасой шаҳри далалари билан чегарадош. Аммо кўп йиллардан бери тошлоқликлар кўшни туманлардан ғалла етиштириш ва ҳосилдорликни ўстириш борасида бироз олдида юради. Ҳозир ҳам бу туманда келаси йил ғалла ҳосили учун тайёргарлик ишлари яхши бораётгани кишини қувонтиради.

Биз туман ирригация бўлими бошлиғи Алишер Ўтамбоев билан такрорий экинлардан бўшаган ерларга қадалган уруғнинг унишини, суғорилишини кўздан кечириб юрибмиз.

— Туманимизда мўл ҳосил етиштирилишининг асосий сабаби, экинга сув ва ўғитнинг ўз вақтида берилганлиги, — деди у йўл-йўлакай суғорилаётган ғаллазорларни кўрсатиб. — Президентимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қатъий ва режали иш олиб бориш кераклиги тўғрисида кўп гапирди. Яқинда Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида ҳам шу масала атрофлича кўрилди. Бизда 5355 гектар ерга асосан озиқ-овқат экинлари экилган эди. Улар тўлиқ йиғиштириб олинган, ўрнига ғалла экинлари жойланяпти. Биз эса суғоришни ўз вақтида олиб бормоқдамиз.



ДАЛАЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

“Зардўст Турон” фермер хўжалигининг 8 гектар, “Камолов Раҳматилло” фермер хўжалигининг 15 гектар ерига барака уруғи қадалган. Мана энди уларни суғоришга киришилибди. Бу фермер хўжаликлари ўтган йили ҳам ҳосилдорликни гектар бошига 60 центнердан оширган экан.

Ундан ўтиб “Дурдона барака” фермер хўжалигидаги суғориш ишларини кўрдик. “Шойимқулбой” фермер хўжалигининг 9 гектар еридаги ғўза қатор ораларига экилган уруғлик ғалланинг бир мисқоли ҳам исроф бўлмаган. “Каримбой” фермер хўжалигининг уруғ қадалган 17 гектар очиқ ердаги ғалласи жуда сифатли экилган, суғоришда ҳам қийинчилик туғилмаяпти.

— Тумандаги кўпчилик фермер хўжаликлари вилоят бўйича бўлиб ўтган кўргазмали семинардан кейин режалаштирилган қатор

РЕПОРТАЖ

оралари ичига эмас, ғўзаполларни тезда олиб ташланган очиқ майдонга экишни афзал кўришяпти, — деди Алишер Ўтамбоев. — Оочиққа экилган ғалла билан қатор орасига экилган уруғнинг ҳосилида катта фарқ бўлишини билдик. Ҳозирги кунда тошлоқлик фермерларнинг жуда кўпи шу тажрибага ўтишди. “Тошлоқ голд фибер” фермер хўжалиги 12 гектар, “Раҳимжон Мухтор Зокир” фермер хўжалиги 16 гектар очиқ майдонга буғдой уруғини қададилар.

Биз “Жалил Нурхон саховати” фермер хўжалигига бордик. Бу фермер хўжалигида ҳозир очиқ майдонга ҳам, ғўза қатор ораларига ҳам бошоқли дон экилганини кўрдик. Уруғ расамади билан экилибди. Гектарига 300 дан 400 килограммгача. Бу деҳқонлар тилида лойиқ ҳисобланади.

Туманда сентябрь ойидан экиш бошланган ерларда ғалла майсалари кўкка бўй чўзиб турган далаларни кўриб баҳри дилимиз очилди. Лекин тасвирга туширганларимиз янги экилганлари. Туманда бошоқли дон экинлари экиш ишлари тугашига санокли кунлар қолганини эшитиб янада хурсанд бўлдик. Ютуққа эришган хушхабарни эшитган ҳар қандай одам хурсанд бўладида ахир.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Сирдарё-Сўх ИТХБ матбуот котиби.

УЛУҒЛАР НАЗАРИ ТУШГАН ХОРАЗМ

Хоразм – кўхна “Авесто” зарварақларидан томган, қадри кетмас ёғду, Пахлавон Маҳмуднинг юрагидан билагига қуюлган кучи, ори, Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг тариқат ила уйғунлашган сўнмас меҳру муҳаббати, Огаҳий, Хоразмийларнинг нафис ва бетакрор ғазалларидан тўкилган шуур, Жалолиддин Мангубердиннинг от устида айтган ғурурли ноласи ҳар қатра тонгига сингган нур, сўзи билан иши бир халқнинг шаънини асраган қутлуғ маскан. Бу воҳанинг ҳар бир кишиси санъатга фидо, меҳнатга фидо... Бир қарич ери бўлса, экин экиб, сув тараб меҳнат қилишга, меҳрини, соғинчини она ерга бағишлаган боболар, момолар ўтган. Тарихи буюқ қалъаларида минораю кошинкор қуббаларига ёзиб қолдирилган битик, кўхна мозийдан хабар берадиган Катқалъа, Тупроққалъа, Девсолганқалъа каби қанчалаб қалъаларнинг пойига тўшалган меҳр ва муҳаббатнинг сайқал топган манзили. Мозийдан бўй тараб, бугун ҳам улуғланиб келаётган, Ибн Сино, Улуғбек, Беруний, Замахшарийлар назари тушган “Маъмур Академия”си билан дунёга танилган ўлка. Далаларида тер тўкиб меҳнат қилаётган бугуннинг деҳқонлари ва уларнинг ишига қараб турмайдиган заҳматкаш халқи борлиги билан янада пурвиқор замин.



хирмон уйиб, давлатга пахта сотиш режасини бекаму-кўст бажардилар. Мавжуд 1538 та фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан 82 минг гектардан зиёд ер майдонларида ғўзанинг “Хоразм-150”, “Хоразм-127”, “Султон”, “Бухоро-102”, “С-8294” навлари экилди. Тупроққалъа, Гурлан, Хива, Ҳазорасп, Боғот туманлари бирин-кетин, қисқа фурсатларда пахта режасини бажардилар. Ўз вақтида сув муаммолари бартираф этилиб, қишлоқ хўжалигида янги технологияларнинг жорий қилиниши, сифатли агротехник тадбирлар ўтказилиши мўл ҳосилга гаров бўлди. Уюшқоқлик ва аҳиллик билан иш олиб борилгач, хўжалик ва корхона аъзоларидан ташқари иш билан банд бўлмаган 107 минг нафардан ортиқ уюшмаган аҳоли ихтиёрий кўнгилли равишда пахта йғим-теримида иштирок этдилар.

Тупроққалъа — республикаимизда ташкил этилган энг кенжа туманлардан бири ҳисобланади. Туман раҳбарларининг уюшқоқлик билан қилган саъй-ҳаракатлари боис, қишлоқ хўжалиги аҳли 22 иш кунда давлатга 7378 тонна пахта сотиб, йиллик режани биринчи бўлиб удалади. Жорий йилда 2755 гектар майдонга чигит эккан деҳқонлар юқори агротехник тадбирлар билан бир қаторда янги инновацион технологияларга таяниб ҳосил кўтардилар. Тумандаги 72 та фермер хўжалигининг 60 таси ўз режаларини дастлабки кунлардаёқ ошиғи билан бажардилар. Эришилган ютқда “Араз Муҳаммад”, “Мўмин раис”, “Машхур Баходир”, “Ёдгор”, “Исмоилжон Ибрагимов”, “Гулчарос Муниса” каби илғор фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.



“Йил – ўн икки ой меҳнат қилган бободеҳқоним, айна хирмонлари чўққига етган фидокорим, сенга тасанно!”, дегим келади. Эл ризқу неъматни учун ҳаракат қилаётган халқнинг томирида ўтмиш авлодларининг покиза қони оқиб турибдики, “Айтилган гап – отилган ўқ”, деган сўзга амал қиладилар.

Хоразмлик пахтакорлар 19 октябрь куни 258 минг тоннадан ортиқ

барча миришкор сувчилари самарали меҳнат қилди. Пахта ҳам кўпнинг иши бўлганлиги боис, хўжаликлардаги ишчилар, кўнгилли бўлиб теримга келган ҳашарчиларнинг кунлик ҳақи тарозининг бошида санаб берилди ва рағбатлантириб борилди. Теримчилар учун керакли шароитлар ҳозирлаб қўйилганлиги боисидан ишда узилиш ва хатолик бўлмади.

Гурлан туманидаги 11259 гектар ер майдонига “Султон”, “С-8294” навли чигит экилиб, 34900 тонна пахта етиштириш режа қилинган эди. Туман 24 иш кунда 35 165 тонна хирмон яратиб, ўз олдига режани 105,76% га ошириб бажарди.

Айни дамларда пахта йғим-терими яқунланмоқда. Энди навбат кеч кузги ва қишки ишларга етди. Тиним билмас деҳқоним на кечани, на кундузни, на қишни фарқлаб ўтирмай, кунларни тунларга улайди. Мана, келгуси йилги буғдойзорлар кўм-кўк. Эрта экилган ғаллазорлар сўлимлик касб этди. Бу келгуси йилги ғалланинг мўл бўлишидан дарак беради.

Ҳар кунингиз завқли, хирмонларингиз баракали, ҳаётингиз фаровон, дастурхонингиз тўкин ва тотли бўлсин, ўзбегимнинг доно, заҳматкаш бободеҳқоним!

Суратларда: Хоразмда пахта-йғим терими акс этган лавҳалар.

МЕХРДАН ЯРАЛАЁТГАН ХИРМОНЛАР



ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ПАРИШАЛИК ОТАХОН!



Кузнинг очил дастурхони кўз ўнгимизда намоён бўлаётир бугун. Шарбатга тўла боғлар, чаноқларда чарақлаган чаманлар таровати бошқачадир шу кезларда.

— Паришаданман, — дейди нуронийсифат отахон ўзини уста Исмоил Рўзметов дея таништираркан, — ўзимнинг “Нексия”нда келдим. Ёшлик чоғларимни кўмсаб, ҳосилга тўла далаларга отландим. Шу кунгача терганим нақд 2 тоннадан ошди. Бу рақамни 5 тага оширмақчиман. Мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Бу ерда терган сайин тергинг келади.

— Кўз тегмасин, бу галги мавсум бизга бутун саховатини инъом этди. Биринчи терим 250 тонна тош босди, — 46 центнердан! Яна 100 тоннага яқин ҳосил далада турибди. Уни ҳам йиғиштириб олсак, умумий хирмон 60 центнерга етади.

Ирдимзондаги “Раҳимберган хожи Анбар” фермер хўжалиги раҳбари Қадамбой Қутлиев бу рақамларни қайд этаркан, қўшиб қўйди:

— Ерга меҳр берсанг, у сенга саховатини сочади.

Теримчилар билан танишдик: Ўктам Хўжаниёзов ўзининг турмуш ўртоғи Шарофат Қурёзова ва келини Зулфия Сапаева билан биргаликда барчага ибрат!

Полазорлик Гулноза, Рохатой, Санобар, Дилафруз, Дилфуза, Зийнатжон, Манзура каби кўнгилли қиз-жувонларнинг пахтазордан чиққиси йўқ.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Бу азим қишлоқнинг бир-биридан ҳосилга тўла далаларини кезар эканмиз, бундан 30-40 йил олдин деҳқончиликда мактаб яратган уста пахтакорларни эсладик: хўжалик дарғалари Рўзмат Ражабов, Собиржон Худойбергенов, донгдор бригада бошлиқлари Искандар Нуржанов, Комилжон Салаев каби меҳнатда тобланган азиз инсонларнинг фарзандлари бугун фермер хўжалиklarини бошқаришяпти. “Комил инсон” (К.Салаев номида)нинг жуфт қаноти ака-ука Давронбек, Ғайратбек Салаевлар, “Ражаббой Нуржанов” (марҳум И.Нуржановнинг ўғли марҳум Режаббой Нуржонов номида)нинг мард баҳодирлари Сардорбек, Нураддин Нуржановлар нафақат “Журён”нинг, балки бутун туманимизнинг фидойи инсонлари ҳисобланишади.



ПАХТАГА МАЖБУРИЙ ЖАЛБ ҚИЛИНМАЙДИ

Чаманзорлардан катта таассуротлар билан қайтар эканмиз, бир нарсани туйдик: бугун илгаригидек, терсанг ҳам, термасанг ҳам пахтага чиқасан, деб дўк урувчилар, йўқ. Мажбурий меҳнат бекор қилинган. Далада фақат қалб амри билан, қолаверса, оила бюджетини тўлдирish учун ҳаракат қилаётган инсонларнигина учратиш мумкин.

**Ш.МАШАРИПОВ,
Д.МАШАРИПОВ,**

“Хива тонги” газетаси мухбирлари.

Қўшсаҳифани ўз мухбиримиз
Шукржон ЖАББАРОВА тайёрлади.



КЛАСТЕРНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Иклим шароити йилдан-йилга ўзгариб, инсоният қатор муаммоларга дуч келаётган бир даврда сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш билан халқ эҳтиёжини таъминлаш, экспортни йўлга қўйиш натижасида иқтисодиётни ривожлантириш каби қатор вазифалар қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ўзгартириш кераклигини тақозо этди. Президентимиз бошлаган улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса соҳада ишлаб чиқаришнинг янги шаклини такомиллаштирди.

Ҳар бир туманда “Пахта тайёрлаш заводи”, “Пахта пункти” деб номланган жойлар унутилди. Буларнинг ўрнини кенгайтирилган катта ишлаб чиқариш ташкилотлари эгаллай бошлади. Далага экилган уруғликнинг униб чиқишдан тортиб, техника, озуқа билан етарли таъминланишида, йиғиб олиб, хомашёнинг шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот яратиш каби ягона тизим жорий қилинди. Нафақат пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик каби қатор соҳаларда кластер тизимининг афзалликлари намоён бўлди. Бироқ, бу ишнинг ҳали тўғри йўналишини тополмай қийналаётган хўжаликлар ҳам етарлича.

Хоразм вилояти Хива туманидаги Шомахулум қишлоғида “KHIVA CLUSTER” МЧЖ самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу йирик кластернинг иш жараёнларини кузатар эканмиз, янги замонавий технологияларнинг афзалликларини кўриб, истиқболдаги режалари, фаолият мезони билан танишдик. Доимгидек, ташкилот раҳбари, унинг халққа муносабати, иш шароитлари билан ҳам қизиқдик.

Улуғбек Ҳусайнов раҳбарлик даражасига етгунча ҳаёти давомида анча йўлни босиб ўтди. У ота-онаси Самарқандда яшаётганида туғилган. 19 ёшидан Шомахулум қишлоғида колхозда ёрдамчи ҳисобчи бўлиб ишлай бошлайди. 1994-1999 йилларда ишдан ажралмаган ҳолда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетини тамомлайди. 2000-2012 йилларда туман ҳокимлигида ҳисобчи, мутахассис, иқтисод бўлими бошлиғи вазифаларида фаолиятини



Кластер раҳбари Улуғбек Ҳусайнов ва иш бошқарувчи Комилжон Матяқубовлар янги режалар хусусида суҳбатлашмоқдалар.

давом эттиради. 2012 йилда “Ал Улуғ Транс” қурилиш ташкилоти раҳбари бўлиб, тумандаги қатор қурилиш ишларига бош бўлади. Бу корхонада ҳозирги кунда ҳам ишлар давом этяпти. Аҳоли яшаши учун кўп қаватли замонавий уй-жой комплекслари қуриб ишга туширилди.

Бугунги кунда кластернинг барча қурилиш ишлари шу тармоқ томонидан амалга оширилмоқдаки, бу чамбарчаслик ишлар йўналишини тезлаштиришда қўл келди. Тиниб-тинчимас, фидойи, иқтисод масалаларини яхши тушунган раҳбар кадрларни жой жойига қўйишни ҳам яхши тушунади, қисқаси, ишнинг кўзини билади.

Маълумки, Хива кластерининг таъсисчиси Алишер Собиров республикамизда тўқимачилик соҳасининг етакчиларидан бири бўлиб, “ХОРАЗМ ТЕКС”, “КОБА ТЕКС”, “ЕЛ ТЕКС”, “ДАРИТАЛ” каби қатор йирик ташкилотларга асос солди.

— Жамоамиз 2018 йилнинг охирига оидида ташкил қилинди. Дастлаб бироз қийинчиликларга, тўсиқларга дуч келдик. Ҳар ҳолда янги технология, янги йўналиш. Бугун ҳаммаси ортда қолди, — дейди МЧЖ раҳбари Улуғбек Ҳусайнов. — Пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ишимизнинг келажаги ва афзалликларини тушуниб етдилар.

Фермерларга уруғлик, минерал ўғит, биомасулотлар ўз вақтида етказиб берилгани сабабли таъминотда узилдиш бўлмади. Туман-

даги 106 нафар фермер хўжаликлари билан қилинган шартномага асосан улардан 18509 тонна юқори сифатли саноат хомашёсини қабул қилиб олиб, уни



ўзимизда толадан ажратиб, тайёр маҳсулотга айлантираемиз. Ип калава ишлаб чиқариш бўйича корхона томонидан Россия, Туркия, Хитой давлатлари билан келишилган ҳолда маҳсулот экспорти йўлга қўйилган. Жорий йилнинг дастлабки 9 ойида бош ҳисобчи Отабек Сапаевнинг айтишича 720 минг 439 долларлик маблағ экспорт ҳисобидан келиб тушган.

Маълумки, бир килограмм калава ип дунё бозорида 2-2,3 долларга сотиларкан. Шу ип ўзимизда қайта ишланса, бир килограмм ипдан 2 та эркалар шимиға лойиқ мато тўқиларкан. Шимнинг бир донаси камида 15 доллардан экспорт қилинса, иккитаси 30 доллар деган гап. Дарвоқе, чет эллик аёллар ҳам пахтадан тикилган бундай кийимларга ўч бўлишади.

Ҳаёт давом этаверади. Яхшилик, эзгулик таратган инсон меҳнати йил сайин шаклланиб, кенгая боради. Иш яна ишни келтириб чиқаради, деганларидай, яқинда ғаллани қайта ишлаш корхонаси ҳам ишга туширилди. Энди йилига 10 минг тонна сифатли ва арзон ун маҳсулоти ишлаб чиқарилиб халқ истеъмолига чиқарилади.

Бугун қурилиш ишлари давом эттирилаётган сўт сут маҳсулоти йўналишидаги чорва комплексини тез орада ишга тушириш кўзда тутилган. Бу ерда 1000 бош насли қорамоллар боқилади ва гўшт ва сут маҳсулотлари қайта ишланади.

Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 70 минг тонналик ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси ҳам шу йилнинг ўзида ишга туширилиши аниқ.

Ишда тартиб ва аниқ йўналиш бор жойда барака, унум бор. Қувонарлиси қишлоқ аҳли иш ўрни билан таъминланган. Узоқдан



Янги ишчилар келиши олдидан цех тартибга келтирилмоқда...

катнаб ишлайдиганлар учун шароит етарли, озода, саранжом-саришта кенг ошхона хизмати, дам олиш ва ювиниш хоналари барча керакли анжомлар билан жиҳозланган. Демакки, инсон омилига эътибор, меҳнатга муносиб баҳо берилмоқда. Ҳозирда 260 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада корхона тўлиқ ишга тушса, яна 300-350 нафар янги иш ўрни очилади. Тумандаги ишсиз аҳоли учун бу айна муддао. Халқни тўла иш билан таъминлаш эса одамларнинг узоқ жойларга ишга кетиши, етишмовчилик каби оилаларнинг пароканда бўлиш ҳолатларига барҳам беради. Ишсизлик муаммосини тугатиш мамлакатимизда олиб борилаётган доно сиёсий тадбирларнинг асосидир.

Хива туманига ташрифимиз айна пахта йиғим-терими даврида бўлгани учун кластер ташкилоти билан илк шартнома тузган фермер хўжаликлари ишини ҳам кузатдик. Республикамизга танилган илғор ва тажрибали, кўп тармоқли хўжалик раҳбари, Ирдинзон қишлоғидаги “Шухрат” медали совриндори, фермер Қадамбой Қутлиевни дала бошида, ёзги шийпон атрофида терим давом этаётган жойда учратдик. У билан 2017 йилда гектарига 55 центнерлик хирмон уйиб, Президент совғаси “Каптива” автоулови олганида учрашган эдик.

Хали ҳам шу шиддат, шу эпкин, шу қисмат ва ғурур билан ишлаётган фермер ҳудуд раҳбари билан бугунги натижани хомчўт қилаётган экан. Кулибгина ҳол-аҳвол сўради. Асосий 30 нафар ишчи-хизматчи ишлаётган хўжалиқда пахта мавсумида 100 дан зиёд мавсумий теримчилар далаларга дур сочилгандай сочилиб “оқ олтин” термоқдалар.

Қийғос очилиб турган пахталарни кўриб, биз ҳам далага тушдик, теримчиларни суратга олдик, суҳбатлашдик.

— Кластер билан шартнома тузганмиз. Вақтида керакли ёрдамни бериб келишяпти, пахта етиштиришдаги айрим муаммоларимиз бартараф бўлди. Теримчиларга вақтида тарозининг бошида ҳақини берамиз. Улар ҳам хурсанд, биз ҳам. Ахир, оилага кунлик даромад қиряпти, — дейди мамнун ҳолда фермер.

Илғор теримчилар Бикажон Раҳимова, Зулфия Сафиевалар кунига 200-210 килограммдан пахта териб, ҳар ўн кунлиқда бир талай совғаларга мушарраф бўлмоқдалар.

30 гектарга экилган ғалладан 70 центнердан ҳосил олган хўжалиқ 30 центнерини давлат хазинасига топширди ва қайта экинлар экиб,

яна катта даромадга эга бўлди. Шунингдек, 62 гектар ерга пахта уруғи қадаб, бу кузда режадаги 217 тонна ўрнига 320 тонна пахта хомашёсини териб топшириш илинжида. Режа бажарилди, дала ҳосилга тўла, ошиғига эса оз қолди.



Фермер Қадамбой Қутлиев ва ҳудуд раҳбари Рашиқанбек Ёқубов суҳбат пайтида.

Уйқусиз кун ва тунларни санаган, тонгдан далаларига ошиққан, дуоסי Аллоҳга манзур бўлган сажий фермернинг ҳар бир куни биракали. Кластер ташкилоти билан ҳамкорлик эса яна янги уфқларга йўл очмоқда. Ишларни энгиллаштирмоқда.

Буларнинг бари давлатимиз раҳбарининг кластер ғоясидан кутаётган натижаларидир. Кутилган натижа кўнгилдагидек бўлса, соҳа раҳбарияти ва ходимларининг кўнгли сарбаланд. Меҳнати жойига тушиб, ўз вақтида ҳақини олаётган ишчи-деҳқоннинг оиласи тинч ва фаровон. Она Ўзбекистонимиз эса

гуллаб-яшнашда давом этаверади. Бугун асримизни қийнаётган муаммолар ҳам соғлом турмуш тарзи билан ўз ечимини топаверади.

Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

Халқимиз минг йиллар давомида чорвачилик билан шуғулланиб, ундан олинган даромад ҳисобидан рўзгор тебратиб келган. Ўша даврлардаёқ бу соҳа оила ва юрт фаровонлигининг муҳим омилларидан бири эканлигини чуқур ҳис қилган. Шунинг учун чорва зотларини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш йўлида доимо изланиб келган. Ахир, чорва маҳсулотлари инсон эҳтиёжларини тўлдиришда беқиёс кучга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас-да. Хусусан, юртимизда ҳам кейинги йилларда майда туюқ ва қорамоллар бош сонини кўпайтириш билан бирга уларнинг зотини яхшилаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



КАСБИМ МЕНИНГ – ФАХРИМ МЕНИНГ

— Туманимизда 62 041 бошдан зиёд қорамол, 105 031 бош қўй ва эчки ҳамда 190 513 бош парранда парвариш қилинмоқда, — дейди Поп тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли Ҳайвонлар соғлиғини сақлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва ташхис ишлари бўйича бош мутахассиси Аҳмаджон Турдимов. — Қорамолчиликни ривожлантириш мақсадида 65 та фермер хўжалигида 2735 бош қорамол парвариш қилинмоқда.

Поп туманининг ҳудуди кенг, вилоятнинг қарийиб ярмини ташкил қилади. Шундан талайгина қисми тоғ ҳудуди бўлиб, чорва молларини баҳор ва ёз ойларида боқиш учун етарли озуқа базасини ташкил этади. Туманимиз ҳудуди салмоқли бўлсада атиги 4 та зооветеринария участкаси ташкил қилинган. Бу участкаларда 34 нафар малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Мустақиллигимизнинг йиғирма тўққиз йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига биноан участка мудири Ҳамиджон Каримов “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди. Бу йиғитимиз Сирдарёнинг куйи қисмида жойлашган чўл ҳудудларида фаолият

олиб боради. Унинг заҳматли меҳнати мевасини кўриб барча ҳамкасбларимиз чин дилдан қувондик.

— Халқ фаровонлиги учун меҳнат қилган инсоннинг ишини Аллоҳ ҳам ўнглайди, — дея сўз бошлади Ҳамиджон. — 1993 йили Россия Федерациясининг Киров қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, аввал туманимиздаги Поп ширкат хўжалигида фельдшер лавозимида фаолият бошладим. 2006 йилдан туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг Яккатут ҳудудида участка мудири лавозимида ишимни давом эттириб келмоқдаман. Зооветеринарлик касбига бўлган қизиқиш менга отам Исақжон Каримовдан ўтган. Сабаби, болалик давримда қишлоғимизда фақат отамгина чорва ҳайвонларини даволар эди. Мен эса отамнинг ортидан бориб ёрдамлашардим. Касал жониворларнинг соғайиши менда отамга нисбатан ғурур ҳиссини уйғотарди. Болалиқдаги иштиёқ менинг шу касб эгаси бўлишимга сабаб бўлди. Ҳудудимизда қорамоллар бош сонини кўпайтириш билан бирга, уларнинг наслини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жорий йилнинг охири 7 ойи давомида

450 бошдан зиёд қорамолни сунъий урчитишга эришдик. Аҳоли ҳам аста-секин насли қорамолларнинг афзаллигини ҳис қилган ҳолда ўзлари бизга мурожаат қилишмоқда. Тўғри-да, озгина харажат билан қорамолни зоти яхшиланади, 2-3 литр ўрнига 20-25 литр сут соғиб олади. Натижада юртимиз бозорлари сут ва гўшт маҳсулотлари билан тўлади.

Президентимиз томонидан “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланганим менда яна бир бор ўз касбимдан фахрланиш туйғусини уйғотди. Албатта, бундай шарафга эришишимда ҳамкасбларим ва халқимизнинг ҳиссаси катта. Бу шараф мени янада кўпроқ меҳнат қилишга, халқим қорига яраш учун интилишга чорлайди.

Суратда: (чапдан) Поп тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими умуий бўлим мудири Шерзоджон Жумабоев, Яккатут участка мудири Ҳамиджон Каримов ва Ҳайвонлар соғлиғини сақлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва ташхис ишлари бўйича бош мутахассис Аҳмаджон Турдимов.

Каримжон ЭРҲАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Жорий йилда ўзларининг ҳалол ва машаққатли меҳнати билан юксак хирмон яратиб, пешқадамлар сафида улкан меҳнат зафарларини кўлга киритишида Каттакўрғонлик заҳматкаш миришкор, пахтакорлари фермерлар, хусусан, туман аграр соҳа вакилларининг ҳам улуши катта бўлди.

– Жорий йилда туманимизда барча соҳалар каби, қишлоқ хўжалигида ҳам мисли кўрилмаган юксалиш йили бўлди. Туманда пахта етиштиришнинг амалдаги технологияси замон талабларига жавоб бермаганлиги туфайли пахта етиштириш тизими тўлиқ ислоҳ қилиниб, ғўза парваришида инновацион технологияларни қўллаш ва қўл меҳнатини камайтиришга эътибор қаратдик. Пахта етиштиришдаги иш сифати дастлаб шудгорлашдан бошланди. Чигит экиладиган майдонлар тўлиқ чимқирқар ўрнатилган плугларда шудгорланди. Эски чигит экиш сеялкаларидан воз кечилиб, хориждан келтирилган 116 та замонавий аниқ экиш (пневматик) сеялкалари ёрдамида тўлиқ туксизлантирилган чигит экилди. – дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Азим Ризонов. – Шунингдек, ғўза парваришида суғоришнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, 1175 гектар сув таъминоти оғир майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Ҳосилни йиғиб-териш олишда қўл меҳнатини қисқартириш мақсадида тумандаги пахта-тўқимачилик кластер корхоналари томонидан 12 дона пахта териш машиналари сотиб олинди. Аввало, Яратганнинг берган баракаси ва ана шу

МЕҲНАТ БИЛАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ



харакатларимиз самараси, яратилган шароит, жорий этилган янгиликлардан унумли фойдаланиб меҳнат қилган туман қишлоқ хўжалик комплекси ходимлари, кластер корхоналари, фермер ва деҳқонларимиз томонидан мўл ҳосил яратилди.

Эътироф этиш жоизки, туман пахтакорлари қабул пунктлари-га 32000 тоннадан ортиқ юқори навли пахта хомашёси топшириб, яқин тарихда вилоятда биринчилардан бўлиб режани бажаришди. Эътиборлиси шундаки, пахта терими учун умуман четдан ҳашарчи жалб этилмай, фақат ихтиёрийлик ва моддий манфаатдорлик асосида ташкил қилинди. Бу каби эришилган ютуққа тумандаги “Жума Ҳайитов”, “Гранд Транс”, “Пахтакор”, “М.Султонов”, “Э.Қурбонов”, “Охунбобоев” ММТП миришкорлари катта ҳисса қўшишди. Айрим пахта далаларида гектаридан 50 центнердан ва ундан юқори ҳосил олиниши пахта етиштириш соҳасида туб бурилиш юз берганининг исботи бўлди.

Бир сўз билан айтганда, туманда қишлоқ хўжалик соҳасини тўғри йўлга қўйиш, ерлардан самарали фойдаланиш, манфаатлар уйғунлигини таъминлаш орқали пахта хомашёси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Натижада, фермерларнинг даромади ортиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда ва камбағаллик барҳам топиши учун замин яратилмоқда.

Суратда: Каттакўрғон туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Азим Ризонов ходимлари билан.



Жорий йил Тайлоқ туманида 4375 гектар майдонга кузги бошоқли дон экиш режалаштирилган бўлиб, мазкур тадбирлар учун дастлаб ғалла майдонларини экишга тайёрлаш, шунингдек, 2021 йил ҳосили учун уруғлик донни саралаш, дорилаш ишларининг бориши, уруғлик донни қайта ишлаш цехларида мавсумга ҳозирликнинг сифат даражасида бориши таъминланди.

– Туманимизда экиш ишларини уюшқоқлик билан олиб бориш ниятида тузилган 12 та отрядга юқори унумли техникалар бириктирилди. Кузги бугдой экишни барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда тугаллаб олдик. Эндиликда, униб чиққан бошоқли дон экинларини пешма-пеш суғориш ишларини ташкил этиш учун ўтган йилларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, суғориш мавсумини белгиланган режа асосида, тартиб-интизом билан олиб боришни

БУГУНГИ ОМИЛКОРЛИК – КЕЛГУСИ ҲОСИЛДОРЛИК

ташкил этиш мақсадида Тайлоқ туман ирригация бўлими томонидан тумандаги 4 та секторда суғориш штаблари ташкил этилган, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Хусан Нарзиқулов.

Тайлоқ туманига ёндош Самарқанд тумани деҳқонлари ҳам азалдан боғдорчилик, полизчилик, ғаллачилик соҳасида сезиларли ютуққа эришишган ва туман деҳқонларининг тажрибаси вилоят хўжаликларидан кенг оммалаштирилган. Ҳозирда туман миришкорлари 1135 гектар майдонга яхши ният билан ғалланинг ҳудуд иқлимига мос “Яксарт”, “Звезда” уруғларини қадашган ва бугунги кунда кўм-кўк майса бўлиб униб чиққан ғаллани пешма-пеш суғориш учун жойларда 4 та суғориш штаби ва отрядлари фаолият олиб бормоқда. Туман ирригация бўлиmidан ҳар 5 гектар майдонга биттадан сувчи қўйиш ҳисобидан, ҳудудларда ташкил этилган отрядлар билан сув танқислигини юмшатиш, сувнинг исроф бўлишига йўл

қўймаслик, тунги суғориш, контурларни шох ва ўқариқлар орқали суғориш ташкил этилган.

– Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кузги экин даласини суғоришга қай даражада тайёрлашдан бошланади. Мавсум аввалида суғориш тармоқлари ва улардаги сув иншоотлари сифатли таъмирланса, ариқлар вақти-вақти билан лойқадан тозалаб турилса, сувдан оқилона фойдаланишга эришамиз, – дейди Самарқанд тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Раҳмон Хидиров.

Дарҳақиқат, туманда ноябрь ойидаёқ барча майдонларда бугдой тўлиқ ундириб олиниши ва унинг кейинги парвариши учун юқори агротехник тадбирлар талаб этилади. Бунда эса ғаллани сувлаш энг муҳим омилдир. Самарқанд тумани деҳқонларининг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эртага ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади, деб умид қилиб қоламиз.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

НИЯТИ ЎЗИГА ЙЎЛДОШ ЧОРВАДОР



Фаргона вилоятининг Ўзбекистон тумани аҳолиси барча соҳалар қатори чорвачиликнинг ҳам ҳадисини олган. Айниқса, истиқлол йилларида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани уларнинг бу борадаги ишларини янада жонлантириб, кўзлаган эзгу ниятларини амалга оширишга тurtки бўлди. Туманда чорвачилик билан шуғилланаётган фермерлар аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмай, янги иш ўринлари яратишга, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта ҳисса қўшиб келаётгани қувонарли ҳол.

Астойдил қилинган меҳнат, албатта, ўз самарасини беради, дейди доно халқимиз. Туман аҳли орасида ўзининг фидокорона меҳнати ва саховати билан танилган “Соҳибкор Тоғай” насли чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари Ўткирбек Сатторовнинг Мустақиллигимизни йигирма тўққиз йиллиги арафасида давлатимиз раҳбари фармонида биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани туман аҳли учун қувонарли ҳол бўлди. Биз ҳам Ўткир акани ордени билан табриклаб, у билан суҳбатладик.

— Менинг иш фаолиятим асосан Ички ишлар ходими сифатида ўтган бўлса-да, болалигимда дала кезиб, мол, қўй боқиб юрган ширин даврларимни сира эсдан чиқармадим ва бу ўша даврга қайтишимга сабаб бўлди, — дея гап бошлади фермер. — 2006 йили туман ҳокимига насли чорвачилик фермер хўжалиги ташкил қилиш истаги билан мурожаат қилдим. Раҳмат, тақлимимни кўллаб-қувватлашди. 1,5 гектар молхона қурилиши учун, 9 гектар озуқа-ем етиштириш учун ер ажратиб беришди. Мен ҳам ўша йилиёқ ишга киришиб, 30 бош гольштин зотли қорамолларини харид қилиб, парваришлашни бошладим. 4 нафар доимий ишчимиз билан тинимсиз меҳнат қилдик. Чорвани туёғи тошдан қаттиқ. Бир кунги эйтиборсизлик бир йилга татийди. Йиллар давомида қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Ҳозирги кунда қорамоллар бош сони 300 дан ошди. Экин майдонларимиз ҳам 125 гектарга кенгайди. 26 нафар қишлоқ ёшлари хўжалигимизда доимий иш билан банд. Юртимизда кескин глобаллашув жараёни кечмоқда. Биз ҳам жаҳон чорвадорлари билан биргаликда қадам босмоқдамиз. Чет давлатдан бир нечта бузоқни парваришлаганга мослаштирилган кўчма бузоқхоналар харид қилдик. Эндиликда бузоқларимизни фақат хоналар ичида эмас, балки қуёш остида, тоза ҳавода ҳам парваришляяпмиз. Бу уларни саломатлиги учун жуда муҳим. 2019

йили 20 бош сигирни бир вақтда соғиб олувчи дастгоҳларни харид қилдик. Бу билан сут соғувчиларимизнинг ишлари анча осонлашди. Бу дастгоҳларнинг қулайлиги ҳам талайгина. Соғилган сутни йиғиб олади ва музлатгичга жойлайди. Бу эса ўз ўрнида харидорга сифатли сут маҳсулотини етиб боришни таъминлайди. Ҳозирда кунига 2 тонна сут соғиб олиб “ЛОКТОЛИС АГРО” МЧЖга қайта ишлаш учун топшираемиз. Ушбу ишларни амалга оширишимда менга яқиндан ёрдам берган раҳматли Бахтиёржон Тоштемировдан ғоятда миннатдорман. У туманимизнинг таниқли тадбиркори ва ўз касбини мукамал билгучи инсон эди. Хўжалигимизда ҳам ёш кадрлар етишиб чиқяпти. Масалан, зооветеринаримиз Ахроржон Атхамов, чўпонимиз Ўқтамжон Сайфиддинов ёрқин мисол бўла олади. Улар келгусида ўз ишини усталари бўлиб етишишларига ишонаман. Чорвадорларда, қиш ғамини ёзда е, деган нақл бор. Айни кунларда озуқа ғамлаш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Ишчиларимиз билан 1200 тонна силос, 15000 та сомон, 6000 та беда прессланган ҳолда омборларимизга жойланди. Яна 20 гектар майдонда етиштирилган маккажўхори ўрими авжида.

Халқимиз, омборинг тўлиқ бўлса, белинг бакуват бўлади, деб бежиз айтмаган. Фермер билан суҳбатимизни якунлаб, хайрлашар эканмиз, яна бир хушхабардан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Унинг қўрасига яна 33 бош Венгрия давлатидан келтирилган гольштин зотли қорамоллар келиб қўшилибди.

— Замонавий дастгоҳлар чорвадорлар қаноти, — дейди зооветеринар Ахроржон Атхамов.

Суратда: (чапдан) хўжалик зооветеринари Ахроржон Атхамов ва хўжалик раҳбари Ўткирбек Сатторов кўчма бузоқхоналарда парваришланаётган бузоқларни кўздан кечирмоқда.

Ўз мухбиримиз.

НУРАФШОН ҲАЁТ

Юртимизда фермерларга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, улар ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама кўллаб қувватланмоқда. Эътибордан руҳланган тадбиркор фермерларимизнинг эса кучига-куч, ғайратига-ғайрат кўшилмоқда. Бугунги жўшқин ва фусункор кунларимизнинг фидойиларидан бўлган фермерларимиз жамиятнинг барча қатламларида фаол иштирок этишмоқда.

Аграр соҳанинг мураккаблигига қарамай, дунёни лол қолдираётганлари ҳам бисёр.

Кармана туманининг “Дўрмон жавоҳири” фермер хўжалиги раҳбари Камол Раҳимовнинг ихтиёрида 37 гектар пахта майдони

бўлиб, шундан 24 гектар майдонини томчилатиб суғориб, яхши натижаларга эришмоқда. Нурафшон ҳаётнинг нурлари остидаги томчи сувлар ўз натижасини бермоқда.

— Томчилатиб суғорилишнинг афзаллигини англаган Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан миннатдоримиз. У киши олим, сиёсатшунос, ҳар бир соҳанинг билимдони, десам хато бўлмас, — дейди Камолжон. — Унинг тавсиялари билан томчилатиб суғориш юртимизга кириб келди. Далалар янада жонланди. Солинган ўғитлар экиннинг илдизига кириб бориб, пахтазорлар яшнади. Ҳосилдорлик ошмоқда. Илгарилари ўғитларнинг бир қисми оқиб кетар эди. Шу тадбир натижасида пахтазорларимиздан 41 центнердан ҳосил йиғиб олдик.

— Туманимиздаги “Анвар Аҳтамов” номли фермер хўжалиги ҳам салмоқли хўжалиқлардан. 50 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 65 центнердан ризқунасиба йиғиб олган фермер 140 тоннасини

давлатга топширган бўлса, 120 тоннасини хўжалиқдаги ишчиларига бўлиб берди. 25 кути пилла қуртидан 1 тонна пилла йиғиб олишди. Туркия технологияси асосида нонвойхона ташкил қилиб, 6 та аёлни иш билан таъминлаган. Турли нонларнинг чиройига маҳлиё харидорлар бисёр. Хўжалик раҳбари Илғор Аҳтамов ҳам туманимизнинг обрў-этиборли саҳоватли фермерларидан, — дея таърифлашди Кармана тумани раҳбарлари.

Бобомиз Навоий исми қўйилган вилоят инсонлари ҳам буюк шоирдай меҳрибон, самимий, доно, зукко. Демак, нузли осмоннинг мусаффо жилоси одамларининг кўнглига кўчгандай гўё.

Бобом Навоийнинг ёрқин сиймоси, Буюк Ўзбекистон кўксига порлар. Вилоят жисмига жило вафоси, Гўзал ғазаллари дилларга мадор. Таъзимда қоладур унинг Раъноси.

Ўз мухбиримиз.

ФИДОЙИЛИК – ИНСОН ЗИЙНАТИ

Мана, қиш ҳам яқинлашиб қолди. Бир томонда йил сарҳисоби, далалаги қолган ишларни муваффақиятли тугаллаш тараддуди. Иккинчи томонда кейинги йилга тайёргарлик. Ернинг ҳақиқий эгалари бўлмиш фермерларга тинчлик бермайдиган давр келди. Дала заҳматкашларининг қўли-қўлига тегмайди. Деҳқон ўз меҳнатининг маҳсулини кўриш иштиёқида ёнади.

Касби туманидаги “Қувватов Шерзод” номли фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Қувватовнинг режалари улкан, ишлари авжида. 100 бош қорамолни Украина Республикасидан олиб келибди. Улар учун махсус жойлар қурилган бўлиб, парвариш рацион асосида олиб борилмоқда. 500 бош қўй эса Қозоғистондан келтирилган бўлса, яна 300 бош қўй Тожикистондан.

— Тилсиз жониворларнинг ҳам тилини топдик, — дейди Шерзод. — Қизиқиш, ақл бўлса, режани обдон ўйлаб, анчагина даромад топса бўлади.

Ҳа, етти ўлчаб бир кесадиған фермер ҳар соҳага интилади, тиниб тинчимади. 20 гектар пахта, 80 гектар ғалладан 2020 йилги режаларини ортиғи билан бажарибди. “Фидойилик — инсон зийнати” деб бежиз айтишмайди доно халқимиз. 2



Ўрол Эгамбердиев “Қаҳрамон Кенжаев” ф/х раҳбари

гектарлик балиқхона, 5000 та товуқлар ҳам фермерники.

— Шу кунларда фермер 1600 тонналик музлатгич қуриш ниятида елиб-югурмоқда, — дейди бизга ҳамроҳлик қилган туман қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи Х.Бобоқулов. — Тумандаги “Қаҳрамон Кенжаев” номли фермер хўжалиги раҳбари Ўрол Эгамбердиев ҳам фидойи фермерлардан бири.

Йиғим-теримни яқунлаб, шудгорни бошлашни режалаштирган Ўролжон билан ҳорманг-бор бўлинг қабилида саломлашдик. — 35 гектар пахтадан 41 центнер, 35 гектарли ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олган фермернинг даромади ҳам шунга яраша бўлади, — дея таъкидлади Ўролжон даромади ҳақида сўраганимизда.

29 бош қорамол, 200 бош қўй, 3 бош от, 80 та оила асариларни меҳр билан парваришлаётган фермернинг режалари янада улкан.



“Қувватов Шерзод” ф/х раҳбари Шерзод Қувватов ва қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи Хусан Бобоқулов

— Мол ва қўй сонини кўпайтириб, эл дастурхонининг тўкин бўлишида ҳиссамни қўшсам, — дейди у.

Қарши туманининг “Нуқрабод” фермер хўжалиги раҳбари Рустам ака Жўраевнинг ҳам иш юритиш тартиби ўзига хос ва мос. 1999 йили фермерчиликни бошлаган қаҳрамонимиз йил сайин ривожланди, улғайди.

2020 йилга келиб, у 30 гектар пахта, 58 гектар ғалла майдонига эга, 13 гектар турли мевалардан иборат боғи бор. 4000 минг дона товуқ, 70 бош қорамол ҳам фермерники. Ҳар йили режаларини ортиғи билан бажариб келади.

— Рустам ака саховатли инсон, — дейди ҳамроҳимиз, туман ветеринария бўлиб бошлиғи Алишер Эшонқулов. — “Саховат ва кўмак” дастури асосида туманнинг кам таъминланган оилалари учун 15 миллион сўм пулни биринчилардан бўлиб тарқатди. Маҳалладошларига доимо ёрдамни аямайди.

Ушбу тумандаги “Худойқулов Сарварбек Аҳрорович” номли фермер хўжалиги раҳбари Аҳрор Бозоров билан 2019 йилда ҳам учрашган эдик. Йил ўтиб, аҳвол қалай, дея унинг даласида, фермаҳонасида бўлдик.

— Сахий, саховатли инсон, “Меҳмоннинг ризқи улуғ” дея қабул қилади, — дейди ҳамроҳим Алишер А.Бозоров ҳақида. — Аҳроржон жон қўйдириб ишлайди, туман раҳбарлари ҳам унинг фидойилигини ҳурмат қилишади. 2020 йилда 41 гектар пахта майдонидан 42 центнердан, 35 гектар ғалла майдонидан эса 70 центнердан ҳосил йиғиб олган қаҳрамонимизнинг чорвачилик соҳасига ҳам иштиёқи баланд. 65 бош қорамолни Австриядан олиб келибди.



“Худойқулов Сарварбек Аҳрорович” ф/х раҳбари Аҳрор Бозоров

— Меҳр бериб парваришланаётгани боис, махсус тайёрланган жойларда янада бақувватлашди. Сут, қаймоғига гап йўқ, — дейди фермер молларнинг хашак ўралашган жойларини тозалар экан, — 3000 дона товуқ, 1,5 гектар балиқхонамиз ҳам бор.

— Ишингиз шунчалик кўпки, вақтингизни режалаштириб олсангиз керак, ҳавас қилса арзийди, — дейман мағрур боққан кўзларига қараб.

Отам раҳматли Худойқул бобо бизни шундай тарбиялаган. “Ҳар бир ишни тартиб билан бажарсанг, иқтисодни, меҳрни, илмни ўргансанг АЛЛОҲ бераверади” дердилар.

Албатта, отахон тўғри айтганлар. Ахир, фидойилик — инсон зийнати. Бундай фазилатлар халқимизнинг қонтомирида жўш ураётганлиги айни ҳақиқат.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
ўз мухбиримиз.

ЧИНОЗНИНГ МЎЪТАБАР ОНАХОНИ



Махфиратхоннинг болалиги Тошкент вилояти Чиноз туманининг Ялама қишлоғида ўтган.

“Отам Саидрахмон Муқимов қишлоқда миршаб эдилар. Узоқ умр кўриб, халқнинг дуосини олган инсонлардан эди. Онам Фотимахон ая ҳам тикувчилик қилар, ҳам ҳар мавсум пайтида пилла боқар, қишлоқ аёлларининг бошини бириктириб, уларга ишларни тақсимлаб берар, пиллачилик бригадасига бош-қош бўлар эди. Отам доимо биз фарзандларини ёнига ўтқазиб олиб: “Ўғил-қизларим, катта бўлсаларингиз, албатта, ўқинлар, илм кўкка етаклайди”, “Бекорчидан Худо безор”, “ўқиган одам асло хор бўлмайди, замон ўқиганники”, деб насиҳат қилардилар. Оилада олтинчи фарзанд бўлганман. Яратганнинг назари тушибми ёки отамнинг дуоси ижобатга ўтибми, билмайман, келажакда ҳаммамиз ўз ўрнимизни топдик, десам, муболаға бўлмайди.

Мен Тошкент молия техникумини тугатганман. “Қуш инида кўрганини қилади” деган гап қанчалик тўғри эканлигини ҳаётим давомида синовдан ўтказдим. 1959 йил туманимиздаги Йўлтушган ҚФЙга қарашли “Каттатепалик” маҳалласида истиқомат қилувчи Норхўжаевлар хонадонига келин бўлдим. Турмуш ўртоғим Собирхўжа ака камтар, яхши хислатли, ўқиган аёлларни ҳурмат қиладиган ва ҳар бир ишимни қўллаб-қувватлайдиган инсон бўлиб чиқди. Фарзандларимизнинг туғилиши оиламиз ришталарини янада мустаҳкамлади. Уларга худди ўз оиламда ота-онамнинг бизга қилган эътиборидек аҳамият қаратардим. Оилада отанинг ўрни улуғлиги, одоб-ахлоқ ҳақида кўп ўқитардим. Онамдаги энг яхши фазилатлар, миллий қадриятларимиз, анъаналарга ҳурмат, пазандалик, саранжом-сарихталик, оқилликни, яқинларга бўлган эътиборни қизларимнинг онига болалиқдан сингдириб бордим. Минг шукурки, фарзандларимизнинг барчаси ўзимиз кутгандан зиёд ақлли-хушли бўлиб вояга етишди”, ҳикоя қилади қаҳрамонимиз.

Собирхўжа ака узоқ йиллар банк соҳасида ишлади. 26 йилга яқин туман қишлоқ хўжалик бошқармасида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Махфиратхон опа ҳам нафақага чиққач, турмуш ўртоғини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турди. Жумладан, бу оила теплицада полиз экинлари экиб, сархил маҳсулотлар етиштиришди. Маҳалла худудидан ер олиб, 5 хонали иморат қуриб, ундан уч хонасини маҳалла кўмитаси, милиция таянч пункти учун ажратиб беришди.

Бирор тўй ёки маърака йўқки, Собирхўжа ота ва Махфират ая иштирок этмаган бўлса. Қишлоққа яқин худуддаги мактабда ичимлик суви муаммо бўлиб турган бир пайтда бу оила аъзолари қанча югур-югурлардан сўнг ичимлик сувини чиқариб беришга ўз ҳисобларидан ёрдам беришди. Ахир, бу мактабда қанча-қанча қишлоқ ёшлари таълим олишади. Қишлоқда газ таъминотини йўлга қўйишда ҳам Собирхўжа

ака бир неча бор вазирликлару идораларга қатнайвериб чарчамадилар. Ҳар бир қишлоқ аҳлининг орасида бошқаларнинг қувончига шерик бўлиб, ташвишига ёниб қуядиган, маҳалланинг юзи бўладиган жонкуяр инсонлари бўлади. Собирхўжа ота ва Махфират ая ана шундай инсонлар сирасига киради.

2020 йили Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида республика хотин-қизлар кўмитаси бошқарувининг махсус қарорига асосан Махфиратхон ая “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Бу эътибор ва эътирофдан кўнглим тоғдай кўтарилди. Мингларнинг ичида бири бўлиб бу нишонни олишим бир қишлоқ аёлига бўлган чексиз ҳурматнинг ифодасидир, – дейди Махфират ая фахр билан.

Аянинг умр йўлларини сарҳисоб қилар эканман, у кишининг оддий бир қишлоқ аёли сифатида бу муносиб номга икки карра лойиқ эканликларини ҳис қилдим.

Махфират ая хонадонига 6 нафар фарзанд соғлом муҳитда вояга етди.

– Биз шу заминда яшайпмизми, шу халқимизнинг, одамларнинг қорига яраш, уларга сидқидилдан меҳнат қилишдек бахтни муқаддас бурч деб биламиз. Ҳаётимиздаги барча муваффақиятларга меҳнатимиз орқали эришганмиз, қолаверса, Махфират аянгнининг рўзғор тутуми, менга, фарзандларимизга, маҳалла аҳлига бўлган эътибори, меҳрибонлиги туфайли ҳаётимиз янада гўзаллашди, – дейди Собирхўжа ота.

Бу йил табаррук отахон ва онахон 80 ёшни қаршилашмоқда.

Аянинг яна бир хислати борки, у ҳақда ёзмасликнинг иложи йўқ. Бу иқтидор аяда 60 ёшдан ошгандан сўнг пайдо бўлган. Ая нафақа ёшига етдилар-у, уйда тинч ўтира олмай қолдилар. Ўз-ўзидан мисралар қўйилиб, шеърларга айланди. Улар қалб ҳарорати ила оппоқ қоғозларни безай бошлади. Кўнглидаги шукроналикни, юртига, қишлоғига бўлган муҳаббатини, оиладаги оқибатни, набираларидаги меҳр-мурувватни сатрларга муҳрлаган онахон ижоддан юпанч оларди. Илк ижодий намуналарини дастлаб оила даврасидагиларга ўқиб берган онахонни фарзандлари қўллаб-қувватлашди. Илк китоблари “Таскин” дунё юзини кўришида бош-қош бўлишди. Онахоннинг ўша пайтдаги қувочларини сўз билан ифодалаш қийин эди. Ижод аянинг кўнглига нақш солди. Булоқнинг кўзи очилди, гўё. Тенгқурлари ҳайрон... “Сен иқтисодчи бўлсанг, бу иқтидоринг ҳам бормиди, ҳаммадан яшириб юрган экансан-да”, – дея ҳайратларини яшира олишмасди. 2006 йили “Меҳрим тумори”, 2007 йили “Қалб гавҳари”, 2013 йили “Эҳтиром”, 2015 йили “Кўнгли баҳор Ўзбегим”, 2016 йили “Қалбим гавҳари – Ватан” шеърый тўпламлари нашр этилган. Айни дамда ҳам яна бир китоби нашрдан чиқиш арафасида.

Аёл қачон бахт топади? Қачонки оиласи, турмуш ўртоғи уни қўллаб-қувватласа, қалбан тушунса, унга ҳар томонлама шароит яратиб берса, ҳар бир ишида қанот бўлса. Шу эмасми асл ҳақиқат? Махфират ая билан хайрлашар эканман, ана шу фикрлар кўнглимдан ўтди. Шундай оилалар юртимизда кўпайишини чин дилдан истадим. Шунда диёримизда мўътабар аёллар сони кўпаяди. Ватанимиз янада раванқ топади. Оилаларимиз саодат қасрига айланади. Қишлоқларимиз чиройига чирой қўшилади.

Раъно ХОЛИҚОВА,
журналист.

НЕКОТОРЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ВОЛОКНА ДИКИХ И РУДЕРАЛЬНЫХ РАЗНОВИДНОСТЕЙ ВИДА *G. HIRSUTUM* L.

The article presents the results of investigation the number of natural and ruderal forms of cotton fiber. The new donors been identified upon technological features of cotton fiber, which are counseled as an initial material for practical selection.

Только из высококачественного, длинного и прочного волокна можно выработать добротные, красивые ткани и другие технические изделия. Кроме того, высококачественные хлопковое волокна один из основных факторов повышения производительности труда. Количество волокна определяется комплексом технологических показателей волокна, главным образом длиной, прочностью и разрывной длиной. При этом необходимо обратить особое внимание на изучение технологических свойств хлопкового волокна, биологические особенности его, наследственной и модификационной изменчивости под влиянием условий возделывания. Отсюда вытекает необходимость повысить и уровень селекции хлопчатника на качество. Для этого необходимо тщательно изучать мировое сортовое разнообразие, экологические, биологические и хозяйственно-ценные особенности этой культуры. Это дает представление о генетических возможностях изменчивости рода *Gossypium* и поможет правильно использовать его формы в генетико-селекционных исследованиях.

В результате многолетних исследований нами были частично опубликованы результаты в этом направлении. Обычно у диких форм волокно тонкое, но не прочное. В наших опытах метрический номер в зависимости от образца достигал 6900-8430, при этом прочность волокна не превышала 2,4-3,2 гс. При такой прочности разрывная длина волокна была очень низкая и в зависимости от образца достигала 17,9-24,8 км. Естественно, что при современной технологии производства волокно такого качества непригодно.

У рудеральных форм хлопчатников наблюдался определенный прогресс в улучшении физико-механических свойств

волокна. Прочность его достигало 3,4-4,3 гс. Метрический номер в основном у этой разновидности равнялся 6570-7770, при этом разрывная длина составляла 21,3-32,8 мм. Аналогичная картина наблюдалась и по остальным показателям. Здесь особенно оказалось место происхождения и условия, при которых формировались данные признаки. Так, по прочности волокна амплитуда варьирования признака составляла 0,9 гс., а верхний предел у некоторых форм (№ 0776, 02654, 02560, 03386) достигал 4,0-4,3 гс. Резкой границы между дикими и рудеральными формами не наблюдалось. Таким образом, становление свойств волокна происходило у изучавшихся диких форм вида *G. hirsutum* L. при минимальных показателях длины волокна-25,2 мм, прочности-2,4 гс., метрического номера –6900 и разрывной длины-17,9 км (табл.1).

У хлопчатников последующей филогенетической ступени (*ssp. punctatum*) наблюдалось значительное повышение качества волокна. На проявление основных свойств волокна значительное влияние оказали место происхождения и условия их формирования.

Представлял интерес помимо диких и рудеральных форм изучить большую группу оригинальных аборигенных форм, собранных вышеуказанными экспедициями в штатах Торреон, Оахако, Синалоа, Табаско, Колима, Чиapas и юго-восточная часть Мексики.

В этой связи необходимо отметить климатические условия этих зон. В штате Торреон, в котором сейчас ведется основная селекционная работа по хлопчатнику, также сосредоточены основные площади под хлопчатником.

Таблица 1.

Технологические свойства волокна некоторых диких и рудеральных разновидностей вида *G. hirsutum* L.

№ каталога НИИССАВХ	Происхождение	Длина волокна, мм	Метрич. номер	Разрывная нагр., гс	Разрыв. длина, км
<i>ssp. mexicanum</i>					
06422	Мексика – Виктория	26,0	8610	2,4	20,7
02656	Мексика – Юкатан	26,0	6990	3,0	21,0
02758	Мексика – Виктория	26,0	6890	2,6	17,9
07070	Мексика	25,2	8430	2,9	24,4
05141	Мексика	25,6	7730	3,0	23,2
06686	Нигерия	25,9	7740	3,2	24,8
02577	Мексика – Юкатан	25,7	7100	3,5	24,8
<i>ssp. punctatum</i>					
02573	Мексика	26,2	6900	3,1	21,4
02653	Мексика – Юкатан	25,5	6540	3,9	25,5
02654	Мексика–Dsilen Puerto	29,6	7040	4,0	28,2
02672	Мексика – Юкатан	24,1	7550	3,4	25,7
02560	Мексика – Юкатан	30,7	6790	4,1	27,8
0776	Мексика – Юкатан	28,5	7630	4,3	32,8
0971	Мексика	29,5	7660	3,6	27,6
06964	Колумбия	27,0	6940	3,7	25,7
05152	Флорида – США	30,2	7200	3,6	25,9
06539	Эль – Сальвадор	25,6	7270	3,5	25,4
03386	Панама	29,1	5970	4,3	25,7
02568	Калифорния, США	33,6	8250	3,4	28,0
01229	Калифорния, США	29,3	7620	3,8	21,3
01112	Эфиопия	28,7	6570	3,7	24,3

Штат Чиapas является предгорной зоной с климатическими условиями, сходными с Каракалпакией. Температура более низкая, чем в Торреоне. Длина дня 12 часов. Для полуострова Юкатан, при той же длине дня характерна очень высокая влажность воздуха и высокая температура. На всем побережье острова климат морской. Основная площадь занята горными склонами, поэтому в этой зоне земледелием почти не занимаются.

Некоторые образцы из этих штатов явились прямыми предшественниками современных хлопчатников вида *G. hirsutum* L. Результаты изучения показали, что все они представляли собой многолетние, различающиеся по скороспелости. При этом, масса сырца одной коробочки в большинстве случаев достигала 3,1-4,8 г. иногда доходившей до 5,1-5,7 г. Более крупная коробочка была у образцов из штатов Оахака и Синалоа. У изученных форм наблюдалось большое разнообразие по проценту выхода и длине волокна (27,4-33,0% и 23,0-34,6 мм). При этом, у образцов из штата Торреон распределение по показателю выхода волокна было в основном в классах 27-29 и 32-33%, в то время как для образцов из штата Оахака и Синалоа в более высоких-30-33%.

По длине волокна наблюдалось такое же различие. Если образцы из штата Торреон в основном распределялись

в классах 27,0-30,0 мм, то образцы из других штатов — в классах более высокого порядка (29,0-32,0). Наиболее интересным в практическом отношении оказались образцы из штата Оахака. Они отличались от других мексиканских представителей также и своими морфологическими особенностями — войлочным опушением, крупными семенами, более темным подпушком.

Как видно из полученных данных, в каждой местности в зависимости от агроклиматических условий сформировались свои популяции, значительно отличающиеся конституцией от форм, произрастающих в соседних областях.

Хакимжон САЙДАЛИЕВ,
д.с.х.н., проф.,

Малохат ХАЛИКОВА, д.с.х.н.,
Анастасия БАКИРОВА,
базовый докторант,
Сайёра СОРИЕВА,
м.н.с., НИИССАВХ;
Умар ҚОДИРОВ, к.с.х.н.,
Термезский филиал ТашГАУ
Отабек АХМЕДОВ,
базовый докторант, ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Сайдалиев Х., Исмаилов Н. Х. Ёза селекциясида *G. hirsutum* L. коллекцион намуналаридан фойдаланиш иштиболлари. — Тошкент: Навруз, 2016. -С.120.
2. Сайдалиев Х., Тожибоев А., Исмаилов Н. Малла ёза. “Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги журналі”. -Т., 2003. - №4. -С.36.
3. Сайдалиев Х., Халикова М. Технологические свойства волокна межвидовых гибридов хлопчатника с участием дикого полиплоидного вида *G. tomentosum* Nutt. ex Seem. “Ўзбекистон биология журналі”. — Тошкент, 2013. - №1. -С. 37-40с.
4. Сайдалиев Х. Генетический потенциал внутривидовых категорий вида *G. hirsutum* L. и его значение в селекции. Автореферат диссертации . к.с.-х.н. — Ташкент, 1988.

УЎТ: 633.511:631.526.32:581.4

ТАДҚИҚОТ

ЎЗНИНГ ЯНГИ ЎРТА ТОЛАЛИ “ЎЗПИТИ-1604” НАВИНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА БАРГ САТҲИ ВА ҚУРУҚ МОДДА ТЎПЛАШИ

В статье рассмотрено влияние густоты стояния на развитие листовой поверхности и накопление сухой массы на одном растении нового сорта хлопчатника “ЎзПИТИ-1604”.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг юртимиз иқтисодиёти ва кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда пахтачиликнинг аҳамияти янада салмоқли бўлиб, кишлоқ хўжалик экинларини парваришлашда ресурстежамкор технологияларни қўллаш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда уларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экинлардан жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган арзон ва юқори сифатли ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу сабабли илғор фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиб, пахта майдонларининг ҳар бир гектаридан олиннадиган ҳосил миқдорини ошириш, Республикада пахта етиштириш ҳажмини сақлаш ор-

The article examines the influence of the density of standing ichus in the phase of development on the leaf surface and dry weight per plant and per hectare of a new cotton variety “UzPITI-1604”.

қали ялпи даромад миқдорини янада оширишга катта аҳамият бериш мақсадида янги кўп қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва ёза агротехникаси бўйича ҳар бир минтақага хос амалий тавсиялар берилмоқда. Сўнгги йилларда яратилган

1-жадвал.

Кўчат қалинлигига ва чилпишга боғлиқ ҳолда ёза барг сатҳи юзасининг ўзгариши, м²/га

Вариант	Кўчат қалинлиги минг туп/га	Чилпиш вариантлари	Барг сатҳи, см ² /ўсимлик	Барг сатҳи м ² /га
ЎзПИТИ-1604				
1	80-90	11-12 ҳосил шох	2234,3	19512,2
		13-14 ҳосил шох	2475,5	21104,7
2	100-110	11-12 ҳосил шох	2261,6	24422,0
		13-14 ҳосил шох	2500,0	26807,9

янги ғўза навларини ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларига мос парваришlash агротехнологияларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Шу муносабат билан ПСУЕАИТИ Сурхондарё илмий тажриба станциясида яратилган янги “ЎзПТИ-1604” навини Сурхондарё вилоятининг тақир тупроқлари шароитида парваришlashда унинг барг сатҳи ва қуруқ масса тўплашининг турли кўчат қалинлиги ҳамда чилпиш муддатларига боғлиқлиги ўрганилди (1-2-жадваллар).

“ЎзПТИ-1604” навининг қуруқ модда тўплаши, (г.)

Т/р	Кўчат қалинлиги	2-3 чин барг	шоналаш	гуллаш	Пишиш				
					поя	барг	чаноқ	пахта	Жами
1	80-90 минг туп/га	2,0	11,5	61,2	21,1	28,5	19,7	49,5	118,8
2	100-110 минг туп/га	2,2	12,0	62,3	22,9	29,2	20,6	50,9	123,6

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳар гектар майдонга 80-90 ва 100-110 минг туп/га кўчат қолдирилиб, ғўзанинг ривожланиш даврида турли ҳосил шохлари пайдо бўлганда чилпиш ўтказилган вариантларда ғўзанинг барг сатҳи юзаси турлича бўлди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, 80-90 минг оралиғида кўчат қолдирилиб, 12 та ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказилган биринчи вариантда ғўзанинг барг сатҳи 2234,3 см²/ўсимликни ташкил этган бўлса, 19512,2 м²/га га тенг бўлди. Кўчатлар сони 110 минг туп/га етказилганда юқоридаги ҳосил шохлари даврида чилпиш ўтказилган учинчи вариантда бу кўрсаткичлар 2261,6 см²/ўсимликни ва 24422,0 м²/га ни ташкил этди.

Барг сатҳи юзасида энг мақбул кўрсаткичлар ҳар гектар майдонга 110 минг туп/га кўчат қолдирилиб, ғўзада 13-14 ҳосил шохи даврида чилпиш амалга оширилган 4-вариантда бўлиб, 2500,0 см²/ўсимлик ва 26807,9 м²/га тенг бўлганлиги аниқланди ва шу вариантларда ғўзанинг ҳосил элементларининг тўплаши ҳам бошқа вариантлардан устун бўлганлиги исботланди.

Ўзанинг янги “ЎзПТИ-1604” навида турли кўчатлар қолдирилиб, ўсиши ва ривожланишининг турли фазаларида ғўза навининг қуруқ масса тўплаши ўрганилди (2-жадвал).

Мавсумда 80-90 минг оралиғида кўчат қолдирилиб ўрганилаётган вариантда 2-3 чин барг пайдо бўлган даврда бир туп ғўзада 2,0 гр, шоналаш даврида 11,5 гр, гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида 61,2 гр қуруқ масса тўлади ва пишиш даврида пояда 21,1, баргда 28,5, чаноқда 19,7 ва пахтада 49,5 гр ни ташкил этиб жами 118,8 гр тенг бўлди. Олиб борилган кузатувларда энг мақбул кўрсаткичлар бир гектар майдонда 100-110 минг туп кўчат қолдирилиб парваришланган вариантда бўлиб, ғўзанинг юқоридаги ривожланиш фазала-

2-жадвал. рига кўра гуллаш ва пишиш давригача 2,2; 12,0;62,3 гр ни ташкил этиб, поя, барг, чаноқ ва пахтада 22,9;29,2;20,6;50,9 ва жами 123,6 гр ни ташкил этганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги яратилган “ЎзПТИ-1604” навини парваришlash агротехнологияси элементларидан турли кўчат қалинлиги ва уни ривожланиш фазаларига кўра чилпиш ўтказишининг барг сатҳи ва қуруқ модда тўплашига таъсири ўзига хос бўлиб, энг мақбули ҳар гектар майдонга 100-110 минг туп/га кўчат қолдирилиб, 13-14 ҳосил шохлари пайдо бўлганда чилпиш ўтказилса, яхши бўлиши исботланди.

Нажмиддин ОЧИЛДИЕВ,
мустақил тадқиқотчи,
Джамалхан АХМЕДОВ,
б.ф.д., профессор,
ПСУЕАИТИ Сурхондарё ИТС.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ-Тошкент, 2007. 147 б.
2. Д.Эгамбердиев. “Фан ва технология”. “Ғўза тупларига шакл берувчи тадбирлар”. Тошкент, 1973.
3. М.Тожиев, Х.Д.Чориева, К.Таджиев, Н.Очилдиев. Ғўзанинг янги “ЎзПТИ-1604” навидан ҳар қандай об-ҳаво шароитларида юқори ҳосил ва сифатли тола ҳамда сара уруғ етиштириш бўйича тавсиялар. Термиз 2016.

УЎТ: 633:11, 631:52.

ТАДҚИҚОТ

КўП ЙИЛЛИК БУҒДОЙ – ИСТИҚБОЛЛИ ЙўНАЛИШ

В статье описываются этапы развития многолетней селекции пшеницы, исследования и их роль в развитии животноводства. Он также предоставляется информация о локализации многолетних сортов пшеницы с местными сортами в регионе.

The article describes the stages of development of many years of wheat breeding, research and their role in livestock development. It also provides information on localization of perennial wheat varieties with local zoning varieties in the region.

Жаҳонда аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиб бориши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг сезиларли даражада ортиб боришига олиб келмоқда. Унумдор сўғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда кенг фойдаланилиб, шўрланишга мойил, сизот суви яқин, унумсиз ерлар эса экин экишга яроқсиз ҳолга келмоқда.

Бу ҳолатни олдини олиш учун қўлланилаётган агротехник тадбирлар харажатларнинг кескин ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Келгусида бу майдонлардан унумли фойдаланиш учун янги агротехник тадбирлардан янада самара-

ли фойдаланиш талаб этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида фан ютуқларини қўллаш асосида деярли ҳар қандай қишлоқ хўжалиги муаммосини генетика ва селекция ёрдамида ҳал қилиш мумкинлиги тушунилади. Ушбу ғоялардан бири, қаторасига 4-5 йил давомида дон ҳосили етиштириш ҳамда кўк масса тўплаш хусусиятига эга бўлган кўп йиллик буғдой навларини яратишдир. Бунинг учун эса, бир йиллик буғдойни ёввойи донли ўсимликларнинг узоқ муддатли турмуш тарзи билан чатиштириб, янги кўп йиллик авлодларни танлашни йўлга қўйиш лозим бўлади. Дарҳақиқат, буғдой

ўтлари, (пырей, костер, овсяница, мятлик) ва бошқа кўплаб донли ўсимликлар 4-5 йил давомида уруғ берадиган буталарни ҳосил қилади.

Бу йўналишда анчагина илмий изланишлар амалга оширилган ва давом эттирилмоқда.

1920 йилда академик Н.В.Цицин биринчи марта ёввойи доннинг ноёб сифати - абадийлики буғдойсимон дурагайларга ўтказиш мумкин деб ҳисоблаган.

Адабиётларда келтирилишича, кўп йиллик буғдойни яратиш бўйича дастлабки илмий тадқиқот ишлари тахминий

хулосаларга таянган ҳолда 1928 йилда Россияда академик Н.В.Цицин томонидан бошланган бўлиб, у тажрибаларида юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum*) ни кўп йиллик ўтлари (*Agropyron glaucium*) (*A. Elongatum*) билан чатиштириш орқали 1937 йилда кўп йиллик буғдой хусусиятларини ўзида мужассам этган дастлабки К-23086 ва К-34035 манбаларини яратган.

Владимир Упелниекнинг таъкидлашича, академик Н.В.Цицин буғдой ўтларида ёввойи дон таркибида мавжуд бўлган ҳаётий манба кўрди. Ушбу манба касалликка чидамлилиги ва дон таркибидаги оқсил миқдори юқори бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Олим томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида ижобий натижаларга эришилди. Аммо яратилган кўп йиллик буғдой навлари кенг тарқалмади. Буғдойнинг янги навлари нима учун катта майдонларни эгаллай олмаганлиги, ишлаб чиқариш талабига жавоб берадиган кўп йиллик буғдой навлари яратилмади. Кейинчалик тажрибалар Россияда қўлланилган кўп йиллик шакллардан фарқли равишда донор сифатида кўнғирбошлар оиласига мансуб кўп йиллик *Th.intermedium*, *Th.junceiforme*, *Th.ponticum*, ва *Th.elongatum*, ўтларидан фойдаланилмоқда.

Кўп йиллик буғдой йўналишида кейинчалик илмий тадқиқот ишлари анъанавий селекция услубларидан фойдаланган ҳолда, бир йиллик буғдой хусусиятларини ўзида мужассам этган, кўп йиллик буғдой навларини яратиш бўйича Канзас университети, Бутун Россия Ўсимликшунослик ИТИ, Американинг Тупроқшунослик институтларида селекция ишлари олиб борилмоқда. Кейинги йилларда яратилган кўп йиллик буғдой навларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, буғдой дон учун йиғиштириб олингандан сўнг, буғдой массаси қайтадан униб ёз ва куз ойларида уриб олиш ёки кўк масса сифатида чорва моллари учун ишлатиш имконини бермоқда.

Илмий изланишларда асосан икки йўналишга асосланган буғдой вариантлари кўриб чиқилди:

биринчидан, кўп йиллик буғдой фақат дон учун ёки озуқа учун қўлланилади.

иккинчидан, чорва ва парранда гўшти учун қўшимча дон ва қўшимча ем-хашак берувчи экин сифатида қўлланилади. Бунинг натижасида бутун фермада биоэкономик ўзаро таъсирлардан фойдаланилган ҳолда иқтисодий жиҳатдан самарадорликка эришилди. [1; 101-108-б.].

Piyush Labhsetwar нинг маълумотларига кўра, Тупроқшунослик институти (АҚШ) кўп йиллик буғдой дастурини яратди ва кўп йиллик буғдойни етиштириш мақсадида ишлаб чиқаришда иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган ва бир йиллик буғдойнинг умумий озиқ-овқат калориясини боса оладиган манбалари яратилди.

Fred Iutzi (The Land Institute, Prezident. Annual Report 2019) нинг маърузасида Швецияда кўп йиллик ғалла экинлари тадқиқотчиларининг муваффақиятли тадқиқотларини рағбатлантирувчи халқаро йиғилиши бўлиб ўтди. Олимларни (ўсимликшунос ва экологлар) жалб қилган ҳолда, халқаро қўллаб-қувватлаш тармоғини шакллантириш бўйича мунозаралар – бир вақтнинг ўзида кўп йиллик қишлоқ хўжалигини татбиқ қилиш молиялаштириш ва ходимлар даражасига қараб турли илмий тадқиқот ишларига жалб қилинган.

Л. Калмыкова ва бошқалар (Москва) томонидан кўп йиллик буғдойнинг *Elymus L.И Leymus Hochst* турлари устида чатиштириб олинган дурагай ашёларнинг дон сифати ўрганилганда, 1000 та дон вази 2006 йилда 36,8 гр ни, 2007 йилда 35.1 гр ни ташкил қилган. Оқсил миқдори эса 13.94, 13.99 фоизни ташкил қилган.

Буғдой селекциясида кўп йиллик буғдой манбаларини ўрганиш билан биргаликда бир йиллик юмшоқ буғдой нав намуналарини чатиштириш асосида стресс омилларга чидамли селекция ашёлар яратиш.

Кейинги йилларда Халқаро маккажўхори ва буғдойни яхшилаш маркази (СІММУТ) ва Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти (АҚШ) (*Land institute*) билан ҳамкорликда кўп йиллик буғдойнинг янги навларини яратиш ва жорий этиш устида жуда кўплаб кенг миқёсида илмий изланишлар ўтказилмоқда. Тажрибаларда Россияда қўлланилган формалардан фарқли равишда донорлар сифатида кўнғирбошлар оиласига мансуб кўп йиллик *Th.elongatum*, *Th.intermedium*, *Th.ponticum* ва *Th.junceiforme* ўтлардан фойдаланилган. Ҳозирда кўп йиллик формалари юқорида келтирилган бир қанча афзалликларига эга бўлишига қарамадан, энг асосий камчиликлари ҳосилдорлигининг 20-50% гача, 1000 дон дон вазининг 20-40% гача ҳамда оқсил ва клейковина кўрсаткичларининг 10-15% гача камлигидадир. Шунинг учун ушбу намуналарнинг қимматбаҳо кўрсаткичларини янада яхшилаш учун маҳаллий навлар билан чатиштириш асосида имкониятларини ошириш

билан биргаликда юмшоқ буғдойнинг стресс омилларга чидамли селекция ашёларини яратиш назарда тутилган. 2017 йилда мамлакатимиз шароитида илк бор Ўсимликшунослик ИТИ да кўп йиллик буғдойнинг 40 дан ортиқ линиялари экилди ва дастлабки синов ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, кўп йиллик буғдой ҳамда бир йиллик буғдой нав намуналари селекцияда қўллаган ҳолда 15 дан ортиқ дурагай авлодлар олинди ва селекциянинг кейинги босқичларига ўтказилди.

Хулоса. Тадқиқотлар давомида кўп йиллик буғдой шаклларини маҳаллий районлашган бир йиллик навлар билан чатиштириш асосида эртапишар, иссиқликка, қурғоқчиликка, шўрга ва касалликларга чидамли, юқори илдиз массасига эга, дон ва ем-хашак сифатида фойдаланишга яроқли кўп йиллик буғдой манбаларини ҳамда бир йиллик юмшоқ буғдойнинг стресс омилларга чидамли селекция ашёларини яратиш белгилаб олинган. Энг асосийси, ушбу манбаларни яратиш асосида деградацияга учраган ерларда тупроқ структурасини яхшилаш, тоғ ва тоғолди минтақаларида, ўрмон хўжаликларидан ва пасттексисликларда дон ва ем-хашак етиштириш ҳамда бир йиллик юмшоқ буғдой селекциясида стресс омилларга чидамли селекция ашёлар яратиш имкониятлари кенгайтирилади.

Дилшод МУСИРМАНОВ,
докторант, қ.х.ф.ф.д.,

Амир АМАНОВ,
қ.х.ф.д., профессор,

Сафар АЛИҚУЛОВ, қ.х.ф.д.,

Ўсимликлар генетик ресурслари ИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Kingvell - Genetic analysis of recombinant inbred lines for *Sorghum bicolor* x *S. propinquum*. G3. 3: 101-108 pp.

2. Калмыкова Л., Долгова С., Лошакова П. "Качество зерна гибридов пшеницы с *Elymus L. И Leymus Hochst*". Ботанические сады в современном мире // Теоретические и прикладные исследования. Научной конференции. – Москва: 2011. - С. 11-15.

3. Цицин Н.В. Отдаленная гибридизация растений. М: Сельхоз, 1954. 432 с.

4. Piyush Labhsetwar Research Technician, Perennial Wheat Land Institute 2440 E. Water Well Road, 2016, 15-18 p. info@landinstitute.org.

ЎГИТЛАРНИ ТУРЛИ МЕЪЁР ВА ЧУҚУРЛИҚДА ҚўЛЛАШНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

At present, a number of scientific studies have been carried out in the field of grain growing, and the average yield in the Republic of Uzbekistan has reached 55 c / ha. The density of seedlings obtained after sowing is of particular importance for increasing yields, which largely depends on the norms, timing and methods of fertilization. In studies, various options for fertilizer rates were applied at a depth of 35-40 cm before sowing grain, and the use of fertilizers in more surface soil layers, where plant roots are more common, has been little studied. In this study, the effect of the result of using phosphorus, potash fertilizers completely, and nitrogen fertilizers 30% before planting at different planting depths on the field germination of winter wheat seeds was studied, and positive results were obtained.

Республикада аҳоли сонининг ўсиб бориши, ғалла экилаётган майдонларнинг қисқариб бориши натижасида ҳукуматимиз томонидан мавжуд экин майдонларини кенгайтирмасдан ғалла экинларидан янада юқори ҳосил етиштириш вазифалари қўйилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ғалла экинларига мақбул меъёрларда минерал ўғитлар қўллашнинг янада самарадор агротехнологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

Намлик миқдори кам (25%) ёки юқори (80%) бўлганда, озиклантириш қутилган самарани бермайди. Ғалла экинларида маъдан ўғитлар самарадорлиги суғориладиган шароитда юқори бўлади, бунда 1 кг NPK ҳисобига 10 кг дон етиштирилади.

Буғдой тупроқдан фосфор ва калийга қараганда азотни кўпроқ олади. Масалан, 1 т буғдой ҳосили учун 35–37 кг га яқин азот, 13–14 кг фосфор ва 20–23 кг калий талаб қилинади.

Дала тажрибалари Қашқадарё вилояти учун хос бўлган Қарши туманидаги Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг тажриба даласида ўтказилди.

Оч тусли бўз тупроқлар шароитида суғориладиган майдонлар учун яратилган янги “Яксарт” ва “Ҳисорак” навларининг ўғит қўллаш меъёри ва чуқурлигини уруғлар дала унвчанлигига таъсири ўрганилди.

Тажрибада, тадқиқот объекти сифатида Давлат реестрига киритилган юмшоқ буғдойнинг “Яксарт” ва “Ҳисорак” навлари олинди. Минерал ўғитларнинг турли меъёрлари ва ўғит қўллаш чуқурлиқларини уруғлар дала унвчанлигига таъсирини ўрганиш мақсадида ўғит меъёри бўйича назорат (ўғитсиз), Фон - (N₁₈₀, P₉₀, K₆₀), N₁₀₀P₅₀K₅₀, N₁₅₀P₇₅K₇₅, N₂₀₀P₁₀₀K₁₀₀ кг/га

1-жадвал.

Ўғитларни турли чуқурликда қўллашнинг буғдой навлари уруғи дала унвчанлигига таъсири, 2016-2018 й.

№	Нав номи	Ўғит меъёри	Ўғит қўллаш чуқурлиги, см	Навлар уруғининг дала унвчанлиги							
				2016		2017		2018		Ўртача	
				Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
1	Яксарт	Назорат (ўғитсиз)	10 – 12	342	68,4	338	67,7	323	64,6	334	66,9
2			22 – 25	338	67,7	335	67,0	320	64,0	331	66,2
3			35 – 40	334	66,9	330	65,9	315	63,1	326	65,3
4		Фон - (N180, P90, K60)	10 – 12	448	89,7	443	88,7	424	84,7	438	87,7
5			22 – 25	435	87,0	431	86,3	412	82,3	426	85,2
6			35 – 40	425	85,1	422	84,3	402	80,5	416	83,3
7		N100, P50, K50	10 – 12	408	81,7	405	80,9	386	77,2	400	79,9
8			22 – 25	397	79,5	393	78,7	376	75,1	389	77,7
9			35 – 40	391	78,1	386	77,2	369	73,8	382	76,4
10		N150, P75, K75	10 – 12	415	83,1	411	82,1	392	78,5	406	81,2
11			22 – 25	406	81,1	402	80,4	384	76,7	397	79,4
12			35 – 40	398	79,6	394	78,9	376	75,3	390	77,9
13		N200, P100, K100	10 – 12	458	91,6	454	90,7	433	86,6	448	89,6
14			22 – 25	449	89,8	445	89,1	425	85,0	440	87,9
15			35 – 40	443	88,5	438	87,7	418	83,7	433	86,6
16	Ҳисорак	Назорат (ўғитсиз)	10 – 12	336	67,2	333	66,7	318	63,6	329	65,8
17			22 – 25	331	66,1	327	65,3	312	62,4	323	64,6
18			35 – 40	325	64,9	321	64,2	307	61,3	317	63,5
19		Фон - (N180, P90, K60)	10 – 12	449	89,8	445	89,0	425	84,9	440	87,9
20			22 – 25	436	87,2	433	86,6	413	82,6	427	85,5
21			35 – 40	427	85,5	423	84,5	404	80,8	418	83,6
22		N100, P50, K50	10 – 12	410	82,0	406	81,3	388	77,6	401	80,3
23			22 – 25	399	79,7	394	78,8	377	75,3	390	77,9
24			35 – 40	392	78,3	388	77,6	370	74,1	383	76,7
25		N150, P75, K75	10 – 12	414	82,7	410	82,1	391	78,3	405	81,0
26			22 – 25	407	81,4	403	80,7	385	77,0	398	79,7
27			35 – 40	403	80,5	398	79,6	380	76,1	394	78,7
28		N200, P100, K100	10 – 12	461	92,1	456	91,2	435	87,1	451	90,1
29			22 – 25	453	90,5	448	89,7	428	85,6	443	88,6
30			35 – 40	447	89,4	444	88,8	423	84,6	438	87,6

вариантлари олинди. Минерал ўғитларни турли чуқурликда қўллаш учун тупроқнинг 10-12 см, 22-25 см ва 35-40 см чуқурликлари олинди.

Тажрибани жойлаштириш ва тажриба давомида фенологик кузатиш, ҳисоб ва таҳлиллар (Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик институти ВИР (1984) услуги бўйича ва био метрик таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказининг (1985, 1989) услублари бўйича олиб борилди. Тажриба натижаларининг математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспехов (1985) услуги асосида амалга оширилди.

Кузги буғдой “Яксарт” навида турли чуқурликда минерал ўғитларни қўллаб экилган уруғларнинг дала унвчанлиги уч йиллик ўртача натижалари таҳлил қилинди. Таҳлилларга кўра, фон-(N_{180}, P_{90}, K_{60}) тупроққа 10-12 см чуқурликда минерал ўғитлар қўллаб экилган вариантда униб чиққан буғдой уруғлари сони 438 дона ёки 87,7% ни ташкил қилган бўлса, назорат вариантыда кўчатлар сони 334 дона ёки 66,9% бўлганлиги маълум бўлди.

Ўғитни қўллаш чуқурлиги 22-25 см ва 35-40 см бўлган фон-(N_{180}, P_{90}, K_{60}) вариантда униб чиққан уруғлар сони ўртача 416-426 дона ёки 83,3-85,2%, назорат вариантыда 65,3-66,2% бўлганлиги намён бўлди. N_{100}, P_{50}, K_{50} минерал ўғитлар қўлланилиб экилган вариантларда энг паст уруғлар унвчанлиги кўрсаткичи 35-40 см чуқурликдаги вариантда кузатилиб, 382 дона ёки 76,4% бўлса, унган уруғлар ўртача сони 389-400 дона ёки 77,7-79,9%, назорат вариантыга таққослаб кўрилганда 58-66 дона ёки 12-13% дала унвчанлиги юқори бўлганлиги аниқланди.

Экиш чуқурлиги 22-25 см ва 35-40 см бўлган $N_{200}, P_{100}, K_{100}$ минерал ўғит қўлланилиб, экилган вариантда униб чиққан уруғлар сони ўртача 433-440 дона ёки 86,6-87,9%, назорат вариантыга нисбатан 21-22% га дала унвчанлиги юқори бўлганлиги кузатилди.

Кузги буғдой “Ҳисорак” навида турли чуқурликда минерал ўғит қўллаб экилган уруғларининг дала унвчанлиги ўртача уч йиллик натижалари ўрганилиб таҳлил қилинди. Таҳлил натижасига кўра, фон - (N_{180}, P_{90}, K_{60}) 10-12 см чуқурликда минерал ўғит қўллаб экилган вариантда униб чиққан уруғлар сони 440 дона ёки 87,9% ни ташкил қилган бўлса, назорат вариантыда кўчатлар сони 329 дона ёки 65,8% ни ташкил қилди. Ўғит қўллаш чуқурлиги 22-25 см, 35-40 см вариантларда униб чиққан кўчатлар сони 418-427 дона ёки 83,6-85,5% ни ташкил қилган бўлса, назорат вариантыда нисбатан 101-104 дона ёки 20-21% кўпроқ кўчатлар олинганлиги аниқланди.

$N_{200}, P_{100}, K_{100}$ ўғит меъёри тупроққа 10-12 см чуқурликда қўллаб экилган вариантда униб чиққан уруғлар сони 451 дона ёки 90,1% ни, 22-25 см, 35-40 см чуқурликда қўлланганда эса униб чиққан уруғлар сони 438-443 дона ёки 87,6-88,6% ни ташкил қилди. Назорат вариантыга нисбатан уруғлар сони таққослаб ўрганилганда, уруғларнинг дала унвчанлиги 120-121 донага ёки 24% юқори бўлганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, минерал ўғитларни $N_{200}, P_{100}, K_{100}$ меъёрга 22-25 см чуқурликда қўлланганда, “Яксарт” навида 440 дона ёки 87,9 фоиз, “Ҳисорак” навида 443 дона ёки 88,6 фоиз дала унвчанлиги олинди, юқори натижа берганлиги аниқланди. Ушбу вариант ва чуқурликда ўғит қўлланганда, назорат (ўғитсиз) вариантларга нисбатан 22-24 фоиз, тавсия этилган фон- N_{180}, P_{90}, K_{60} вариантыга нисбатан 3-4 фоиз юқори кўчат олинishiга эришилди.

**Фаррух ЖАБАРОВ, кичик илмий ходим,
ДДЭИТИ Қашқадарё филиали.**

АДАБИЁТЛАР

1. Муравин Е.А. “Агрохимия”. Изд. “Колос”, – Москва. 2003. – С. 285 – 291.
2. Мусоев Б.С. “Агрохимё”. “Шарқ”. – Тошкент. 2001. – Б. 130-131.

УЎТ: 633.11+631.56

ТАДҚИҚОТ

БУҒДОЙ ДОНИНИНГ КРАХМАЛ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Хотя селекционеры в зерновой промышленности создают высококачественные и ценные сорта, высококачественная пшеница практически не существует в промышленном производстве, что требует контроля качества пшеницы на всех этапах ее выращивания и переработки.

Even though breeders in the grain industry create high-quality and valuable varieties, high-quality wheat practically doesn't exist in industrial production which requires the control of wheat quality at all stages of its cultivation and processing.

Дунёда озиқ-овқат истеъмоли бўйича текширишлар шуни кўрсатадики, 50% оқсил моддалари, 70% углеводлар ва 15% ёғ моддалари дон ва уруғлардан олинади. Углеводлардан буғдой ва маккажўхори дони таркибида энг кўп миқдорда (буғдойда – 78-82%, маккажўхорида – 54,3-59,8%) крахмал сақлайди. Агар инсоннинг кундалик эҳтиёжи учун 600-700 г углевод талаб қилинса, шундан 400-450 граммни крахмал ташкил қилади.

Крахмал (полячка “Krochmal”, немисча “Kraftmehl”, англисча “Starch” – клей, лотинча “Amylum”) – ўсимликларнинг уруғларида, дуккакларида ёки илдиз-

ларида тўпланадиган асосий захира моддадир. Кимёвий табиати жиҳатидан крахмал полисахарид – ($C_6H_{10}O_5$)_n бўлиб, унинг тузилишининг асосини глюкоза қолдиқлари ташкил этади. Шунинг учун крахмал гидролизланганда, глюкозага парчаланади. Организм томонидан тўлиқ ҳазм қилинади.

Саноатда крахмални картошка, батат туганакларидан, буғдой, маккажўхори, гуруч донларидан кўпроқ, арпа ва нўхатдан камроқ олинади. Ушбу озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаб, крахмал-патока корхоналари куруқ крахмал, глюкоза, крахмал патокасининг ҳар хил турлари, модификацияланган крахмал,

декстринлар, глюкоза-фруктоза қиёмлари ва бошқаларни ишлаб чиқаради. Крахмал ва крахмал маҳсулотлари озиқ-овқат саноатининг қандолатчилик, нонвойчилик, консерва, сут, озиқ-овқат концентратлари, умумий овқатланиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларида қўлланилади. Бундан ташқари, крахмал – парфюмерия, косметика, кимёвий фармацевтика, тўқимачилик, қурилиш, қоғоз ишлаб чиқариш саноатларида фойдаланилади.

Ўсимлик тўқималарида крахмал донлар кўринишида йиғилади. Уларнинг ўлчамлари, шакли ва тузилиши крахмалнинг ҳар хилида (картошка, мак-

кажўхори, гуруч, буғдой ва бошқалардан олинган) турлича. Крахмал донлари овал, сферик ёки кўпбурчак шакллариغا эга бўлиб, уларнинг ўлчамлари 2 мкм оралиқда бўлади. Картошка крахмали донлари каттароқ бўлиб, энг кичиги эса гуруч крахмалиникидир. Крахмал донларининг ўзига хос шакли микроскоп остида кўриб, крахмал турларини бир-биридан фарқлаш имконини беради.

Крахмалнинг органолептик кўрсаткичлари бўйича унинг ташқи кўриниши, ранги ҳиди ва таъмини аниқланади. Ташқи кўриниши бўйича қўл билан ишқалай олиш мумкин бўлган кукун ҳолида бўлади. Ранги унинг тозаллигига, турига ҳамда навига боғлиқ. Буғдой крахмали оппоқ рангда бўлади. Олий навли буғдой крахмали ялтираб туриши керак. Агар крахмалда бегона аралашмалар бўлса, унинг ранги кулранг бўлади. Крахмалнинг ўзига хос ҳиди бўлиб, ундан бегона ва шунингдек, қўланса, пўпанак, балиқ ҳидлари бўлмаслиги керак. Таъми бўйича крахмал бироз ширин.

Стандарт талаблари бўйича физик-кимёвий кўрсаткичлар орқали крахмалнинг намлиги, кислоталиги, умумий кули ва 10% ли хлорид кислота эритмасида эримайдиган кулининг миқдори, бегона майда заррачалар сони аниқланади. Буғдой ва маккажўхори крахмали учун оқсил моддасининг (протеин) миқдори асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Буғдой ва бошқа донлар крахмалининг намлиги 13% дан ошмаслиги керак. Крахмалнинг кислоталиги унинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Кислоталилигига қараб, крахмалнинг нечоғлик тозаланганлигини қанча сақланганлиги, янги ёки эскилигини аниқлаш мумкин. Крахмалнинг кислоталиги деганда 100 г мутлақ қуруқ крахмални нейтраллашга сарфланган 0,1 нормалли ишқор эритмаси миқдори тушунилади.

Навига қараб кислоталилик меъёри: маккажўхори крахмали учун 15 дан 20, буғдой крахмали учун эса 15 дан 18 миллилитргача белгиланади. Бундан кўринадики, крахмалда майда заррачалар сони қанча кўп бўлса, унинг нави шунча паст бўлади. Майда заррачалар стандартда кўрсатилганидан ортиқ бўлиши ишлаб чиқариш босқичида ифлосланиб қолганлиги ва яши ювилмаганлигидан далолат беради.

Крахмал – бир хил бўлмаган модда. У икки компонентдан – амилаза ва амилопектиндан 1:4 нисбатда ташкил топган. Крахмал ҳам унинг ҳар иккала таркибий қисмлари ҳам совуқ сувда эрмайди, фақатгина суспензия ҳосил қилади. Бироқ, амилаза иссиқ сувда эрийди. Тиниқ коллоид эритма ҳосил қилади, амилопектин эса фақатгина бўқади. Сув ҳарорати 60-75°C гача кўтарилганда крахмал суспензияси қовушқоқ бўлади, крахмалнинг клейстерланиши бошланади. Турли крахмалларда клейстерланиш ҳарорати турлича. Клейстерланиш пайтида бўқиш билан бир вақтда крахмал дони кристалл структурасининг бузилиши содир бўлади. Крахмал клейстери коллоид эритма бўлиб, унинг қовушқоқлиги ва тиниқлиги крахмал табиатига боғлиқ. Картошка крахмалининг клейстери, маккажўхори ва бошқа дон крахмали клейстерларидан қовушқоқроқ ва тиниқроқ. Крахмал клейстерлари совутилганда желе ҳосил қилиш қобилиятига эга. Крахмал клейстерлари ва желелари сақлашда хираланади ва суёқ фазаси ажралиб, қатламлар ҳосил қилади.

Крахмалга йод эритмаси таъсир эттирилганда, кўк рангли бирикмалар ҳосил қилади. Бу крахмалга хос реакция йоднинг ва крахмалнинг кичик миқдорларини аниқлашда қўлланилади.

Кислотали гидролизда крахмал декстринларгача, малтоза ва охири маҳсулот – глюкозагача парчланади. Ферментли гидролизда малтозагача парчланади.

Кўплаб крахмаллар орасида картошка крахмали энг асосийси деган фикрлар нотўғри. Барча крахмалларнинг аждоди буғдойдан тайёрланган крахмал – буғдой крахмалидир.

Буғдой эндоспермидаги азотсиз экстрактланадиган моддалар углеводлардан иборат бўлиб, унинг асосий қисмини (80%) крахмал ташкил этади. Крахмал дончаларининг эндосперм ҳужайраларида жойлашиш хусусиятларига қараб донлар шишасимон (ялтироқ) ва унсимон бўлади. Дон таркибидаги крахмал оқсилнинг ўзгаришига нисбатан тескари йўналишда ўзгаради, яъни экинзорлар жанубдан шимолга, шарқдан ғарбга томон силжиши билан крахмал миқдори ортиб боради.

Буғдой крахмалини ишлаб чиқариш қадим замонларда маълум бўлган. Кўп қадимги ёзувчиларнинг гувоҳлигига кўра, буғдой крахмали Ўрта Ер денгизи, қадимги Юнонистонда, Римда ишлаб чиқарилган. Бошқа Европа мамлакатларида буғдой крахмалини ишлаб чиқариш бошланиши XVI асрга тўғри келади. Россияда буғдой крахмалини ишлаб чиқарадиган биринчи корхоналар 18-асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлди.

Буғдой крахмаллари органолептик хусусиятларига ва тузилишига қараб учта навда: экстра, олий ёки биринчи навларда олинади.

Крахмал буғдой донининг асосий углеводларидан ҳисобланади. У эндоспермада жойлашган ва етиштириш шароитига, буғдой навларига ва турларига қараб дон оғирлигининг (дон намлиги 14% бўлганда) 48%-62% ини ташкил этади.

Ун таркибидаги крахмал миқдори 80% дан кам бўлиб, 65 дан 71% гача (намлик миқдори 14% бўлганда) ўзгариб туради, бу буғдой ва ун турига боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, ун ва буғдой таркибида крахмал ва улар таркибидаги оқсил миқдори ўртасида тескари боғлиқлик бор, шунинг учун қаттиқ буғдой унига нисбатан юмшоқ буғдой унида крахмал миқдори кўпроқ бўлади.

Буғдойдан олинган буғдой крахмаллари нозик фракциялардан (2 дан 10 микронгача) ва йирик донлардан (20 дан 35 микронгача) ташкил топган юмшоқ оқ ёки сарғиш кукунга ўхшайди. Улар текис тухумсимон ёки юмалоқ шаклга эгадир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, тайёр маҳсулот сифатини назорат қилишдан уни ишлаб чиқариш босқичида дастлабки назоратида ўтиш - бутун технологик цикл давомида – “уруғ - дон - ун - нон” назоратини ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли даражада камайтириш ва якуний маҳсулот сифатини башорат қилиш имконини беради.

Раъно ИШМУХАМЕДОВА,
мустақил изланувчи,
Меҳрихон ИКРОМОВА,
магистрант,
ҚММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Васиев М.Ғ. ва бошқалар. Озиқ-овқат технологияси асослари. Т.: “Ворис-нашриёт”. 2012. 325-331-б.
2. Рязанова О.А. Крахмал и крахмалопродукты. // Журнал “Пищевая промышленность”, №2. Москва, 2014. С.76-80.
3. <http://krahmal-orel.ru/stati/krahmal-pshenichnyj/>
4. Орипов Р.О., Халилов Н.Х. Ўсимликшунослик. Тошкент, 2006. 76-110-б.

IN VITRO ШАРОИТИДА МИКРОКЛОНАЛ КЎПАЙТИРИЛГАН ГИЛОСНИНГ “КРИМСКИЙ-5” ВА “GISELA-6” ПАЙВАНДАТЛАРИНИ ИССИҚХОНА ШАРОИТИГА МОСЛАШТИРИШ

The greenhouse acclimatization procedures and biometric measurements (shoot length, diameter, leaf surface area, leaves number) of semi-dwarf cherry rootstocks – Krymsk-5 and Gisela-6, micropropagated under in vitro conditions are described in the article.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида интенсив гилос боғларини барпо қилиш, унинг юқори сифатли кучсиз ўсувчи кўчатларини мамлакатнинг ўзида етиштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ, бугунги кунда интенсив боғлар учун мўлжалланган гилос пайвандтагларининг барчаси хорижий келиб чиқиш тавсифига эга бўлганлиги боис, уларни йирик масштабда ишлаб чиқариш энг замонавий ва тезкор технологиялар тақозо этилади.

Иқлимлаштириш, тирик организмнинг, хусусан, ўсимликнинг янги муҳитга иқлимий мослашуви ёки атроф-муҳитга кўникиши деб тавсиф бериш мумкин. In vitro ўстирилган кўпчилик ўсимлик турлари тупроққа кўчирилганда ниҳолларни яхши тутиб кетиши ва бақувват ўсиши учун иқлимлаштириш босқичидан ўтказилади. Муваффақиятли иқлимлаштириш жараёнида микроклонал кўпайтирилган ўсимликларни ташқи муҳитда нобуд бўлмаслигини таъминлайдиган қулай шароитлари ҳосил қилинади.

Тадқиқотлар 2020 йил институтининг “Биотехнология” лабораториясида Ж.Драйвернинг “Лаборатория шароитида тўқималар ва ҳужайралардан сунъий (пробирка) ўстириш” бўйича услубий қўлланмаси асосида ўтказилди ҳамда тажрибалар 4 хил вариантда ва 4 та такрорийликда кўриб чиқилди. Ҳар бирида такрорийликларнинг жойлашуви Б.Н.Доспехов услуби орқали амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар 2020 йил турли хил озуқа муҳитларида кўпайтирилган гилос пайвандтагларининг ўсишининг турли субстратлар ва иссиқхона шароитида ўсиб ривожланиши ўрганилди. “Агробалт-С” торфида барча пайвандтаглар ўсиб ривожланиши учун энг самарали деб топилди. “Агробалт-В” торфи ва “Биогумус” каби субстратларда гилос пайвандтагларининг ўсиши учун самарасиз эканлиги аниқланди.

Иссиқхонада ҳаво ҳарорати 25-27°C ва нисбий намлик 60-65% ни ташкил қилди. Гилос пайвандтагларининг иссиқхона шароитида ўсиб ривожланиши уч ой давомида кузатилганда, 1-вариант MS (Мурасиге ва Скуг) назорат озуқа муҳитида ўстирилган “Кримский-5” пайвандтагнинг ўсиш узунлиги феврал ойида 4,8 см дан апрел ойигача 23,8 см гача ўсиб, пайвандтагнинг эни 2,0 мм, барглар сони 21,9 дона ҳамда барг сатҳи 12,4 см² ни ташкил қилди.

Пайвандтагнинг ўсиш узунлиги 2-вариант DKW (Драйвер ва Куниюки) озуқа муҳитида феврал ойида 5,9 см дан апрел ойигача 28,3 см гача ўсиб, пайвандтагнинг эни 3,0 мм, барглар сони 21,5 дона ҳамда барг сатҳи 13,7 см² гача ўсиб, назорат вариантыга нисбатан пайвандтагнинг ўсиш узунлиги 4,5 см ва эни 1,0 мм га юқори бўлиб, барг-

лар сони 0,4 донага кам, барг сатҳи 1,3 см² гача юқори бўлиши қайд этилди. 3-вариант MS_{так} (Мурасиге ва Скуг такомиллашган) озуқа муҳитида ўстирилган пайвандтагнинг ўсиш узунлиги апрел ойида 21,8 см ва эни 2,1 мм бўлиб, барглар сони 21,5 дона ва барг сатҳи 14,2 см² гача ўсиб, назорат вариантыга нисбатан пайвандтагнинг ўсиш узунлиги 2 см га паст ва эни 1,0 мм га юқори бўлиб, барглар сони 0,4 донага кам, барг сатҳи 2 см² гача юқори бўлиши кузатилди.

Апрел ойида “Кримский-5” пайвандтагнинг ўсиш узунлиги 4-вариант WPM (Woody plant medium) озуқа муҳитида 19,5 см гача ўсиб, эни 1,9 мм, барглар сони 22,6 донагача ҳамда барг саҳи 12,9 см² гача бўлиб, назорат вариантыга нисбатан пайвандтагнинг ўсиш узунлиги 4,3 см ва эни 1,0 мм га паст бўлиб, барглар сони 0,7 донага ҳамда барг сатҳи 0,5 см² гача юқори бўлиши кузатилди.

Гилоснинг “Gisela-6” пайвандтагнинг ўсиш узунлиги 1-вариант MS назорат озуқа муҳитида феврал ойида 5,0 см дан апрел ойида 23,0 см гача ўсиб, эни 2,4 мм, барглар 21,9 дона ва барг сатҳи 14,8 см² ни ташкил қилди.

DKW озуқа муҳитида пайвандтагнинг ўсиш узунлиги феврал ойида 4,8 см дан апрел ойида 23,3 см гача ўсиб, эни 2,2 мм, барглари 22,3 дона ҳамда барг сатҳи 14,5 см² гача ўсиши кузатилиб, назорат вариантыга нисбатан пайвандтагнинг ўсиш узунлиги 0,3 см га юқори ва эни 0,2 мм га паст бўлиб, барглар сони 0,4 донага юқори ҳамда барг сатҳи 0,3 см² гача кам бўлиши қайд этилди.

3 ва 4-вариант WPM озуқа муҳитида пайвандтагнинг ўсиш узунлиги феврал ойида 5,0 см дан апрел ойида 20,8 см гача ўсиб, эни 2,0 мм, барглар сони 21,6 дона ва барг сатҳи 7,8 см² бўлиб, назорат вариантыга нисбатан пайвандтагнинг ўсиш узунлиги 2,2 см ва эни 0,3 мм га паст бўлиб, барглар сони 0,3 донага ҳамда барг сатҳи 7 см² гача кам бўлиши кузатилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўтказилган тажрибаларимизда турли озуқа муҳитларида тайёрланган гилос пайвандтагларини иссиқхона шароитида ўсиб ривожланиши кузатилганда, DKW ва озуқа муҳитидаги “Кримский-5”, “Gisela-5”, “Gisela-6” ва “Colt” пайвандтагларининг ўсиб ривожланиши учун энг самарали деб топилди. WPM озуқа муҳитидаги иссиқхона шароитида гилос пайвандтагларининг ўсиш узунлиги, эни, барглар сони ва барг сатҳи ўрганилганда пайвандтагларнинг ўсиши жараёни секин кечди.

Саломат АБДУРАМАНОВА,

қ.х.ф.ф.д (PhD), катта илмий ходим,
Академик М.Мирзаев номидаги БУВАВИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Драйвер Ж. “Лаборатория шароитида тўқималар ва ҳужайралардан сунъий (пробирка) ўстириш” бўйича услубий қўлланмаси. Т.: 2015.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М., Колос. – 1979. – С. 72-85, 167-172.

БАТАТ НАВЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА САҚЛАНУВЧАНЛИГИНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

The article presents the results of a study of the influence of various irrigation regimes on the growth, development, crop formation, yield and preservation (keeping) of sweet potato varieties. It has been established that cultivating sweet potato varieties under irrigation conditions to maintain soil moisture of not less than 70-80% pre-irrigation soil moisture helps to ensure a guaranteed high yield (52-55 t/ha and more) with good keeping quality.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида барқарор юқори ва сифатли ҳосил олиш кўп жиҳатдан экин навини танлаш билан бир қаторда мақбул илмий асосланган суғориш тартибини, яъни суғоришлар сони, схемаси, оралиғининг давомийлиги, суғориш меъёри ва мавсумий суғориш меъёрларини ишлаб чиқиш ва кенг татбиқ этишга боғлиқ.

Шуни ҳисобга олиб, биз 2017-2019 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани “Райхон” фермер хўжалиги суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида дала тажрибаси ўтказдик.

Тадқиқотнинг мақсади– турли суғориш тартибларининг батат навлари ўсиши, ривожланиши, палак ва туганаги шаклланиши, ҳосилдорлиги ва сақланувчанлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тажрибада бататнинг “Хар-Вай” ва “Сочакинур” навлари 3 та суғориш тартиблари, яъни суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНС (чекланган дала нам сифими)га нисбатан 65-70, 70-70 ва 70-80% ўрганилди. Тажриба участкасида тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) биринчи “кўчат ўтказилгандан – палаклар қатор орасини ёпишгача” бўлган даврда 0-50 см тупроқ қатламида 22,17%, ҳажм массаси 1,34 г/см³, иккинчи “палак қатор орасини ёпишдан пишишгача” бўлган даври эса 0-100 см тупроқ қатламида – 21,64%, ҳажм массаси – 1,36 г/см³ ни ташкил этди.

Суғориш тартиби тупроқ суғоришолди намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70% бўлганда 10 марта 4-6 тартибда ҳар 17-15-14-13-11-10-10-11-11-12 кунлар оралиғида суғорилди. Мавсумий суғориш меъёри 9585-9782 м³/га, суғориш меъёри 865-1139 м³/га бўлди.

Суғориш тартиби 70-70% да ушлаш учун 11 марта 5-6 тартибда ҳар 15-14-12-10-10-9-9-10-10-12-13 кунда 804-948 м³/га меъёрда, жами 9429-9585 м³/га сув сарфланди.

Суғориш тартиби тупроқ суғоришолди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80% да сақлаш учун 12 марта 5-7 тартибда, яъни 1-даврда (кўчат ўтказилгач, палак қатор орасини ёпишгача) 5 марта, 2-даврда эса (палак қатор орасини ёпгандан-пишишгача) 7 марта, ҳар 15-14-12-10-9-8-8-9-10-11-11 кун оралатиб, мавсум давомида 8330-8416 м³/га, ҳар суғоришда 531-948 м³/га сув билан суғорилди.

Суғориш меъёри дефицит намлик асосида аниқланди. Ҳақиқий суғоришолди тупроқ намлиги ±1-2%га ўзгариб, тавсия этилган меъёрдан ошмади. Суғориш учун сарфланган сув миқдори “Чиполетти” билан аниқланди. Кўчатлар 27-29 апрелда 70x25x1 см схемада ўтказилди. Делянканинг майдони суғориш тартиби бўйича 280 м², навлар бўйича 140 м², такрорлар сони 3 та бўлди.

Тажриба участкасида барча ўлчаш, кузатиш, таҳлил ва ҳисоблашлар умумқабул қилинган услуб ва тавсиялар асосида олиб борилди.

Турли суғориш тартиблари батат навларининг ўсиш ва ривожланишига сезиларли таъсир этиши кузатилди. Назорат-суғориш тартибида тупроқ суғоришолди намлиги

ЧДНСга нисбатан 65-70% бўлганда, бататнинг “Хар-Вай” навида ўсув даври 133 кунни ташкил этиб, ўсимлик 30-куни бўйи 31,5, 60-куни – 78,3, 90-куни – 139,7, 120-куни эса 165,6 см; суғориш тартиби 70-70% ушланганда ўсув даври 134 кунни, ўсимлик бўйи 30-куни 33,2, 60-куни – 83,1, 90-куни – 148,8, 120-куни – 179,8 сантиметрни ташкил этиб, ўсув даври 3 кунга узайиб, ўсимлик баландбўйли ва у ўсув даври охиригача сақлангани қайд этилди.

Бататнинг “Сочакинур” навида суғориш орқали тупроқ суғоришолди намлигини 65-70 дан 70-80% гача ошириш ўсув даврини 126 дан 129 кунга узайтиргани, ўсимлик баланд бўйли бўлиб, 0,74-0,92 м² ёкигектарда 48,5-52,5 минг м² барг сатҳи юзаси шакллантиргани аниқланди.

Палак ва туганак ҳосили шаклланиши ўрганилганда, шу нарса маълум бўлдики, суғориш тартиби 65-70% да амалга оширилганда, синалган “Хар-Вай” ва “Сочакинур” навида ўсув даври 30-куни палак вази 291-311 г, туганак ҳосили 217-238 граммни, суғориш тартиби 70-80% сақланганда эса, мос равишда, 342-373 ва 266-301 граммни ташкил қилди. Бу устунлик ўсув даври охиригача сақланиб, 65-70% суғориш тартибида 503-537 ва 1186-1265 г, суғориш тартиби 70-80% бўлганда эса 565-593 г палак ва 1348-1454 г туганак ҳосили кузатилди. Ҳосилдорлик бататнинг “Хар-Вай” ва “Сочакинур” навларида тажриба вариантлари бўйича 45,3-55,4 т/га бўлди.

Энг юқори ҳосилдорлик (53,1-55,4 т/га), шунинг 51,6-54,4 т/га ёки 97,1- 98,2 фоизи товар ҳосил бўлиб, тупроқ суғоришолди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80% ушланганда олинди. Шунда кўшимча ҳосилдорлик 7,2-7,8 т/га ёки 114,9-117,2% ни ташкил қилди.

Тадқиқотларга кўра, суғориш тартиби батат навлари тугананинги табиий сўлишига сезиларли таъсир этиб, навлар бўйича бу кўрсаткич 4,7 дан 6,2% гача бўлган, натижада сақлангандан сўнг соғлом стандарт туганаклар чиқими 95,3% дан 93,8% гача камайгани аниқланган.

Суғориш тартиби 70-80% ушланганда сақланувчанлик даражаси навлар бўйича 5,5-6,2 баллни ташкил этиб, “қониқарли” баҳолангани маълум бўлди. Ширин картошканинги ажратилган навлари турли суғориш тартибларида ўстирилганда сувдан фойдаланиш самарадорлиги кескин фарқланиб, суғориш тартиби дала нам сифимига нисбатан 65-70% бўлганда, 1 метр/куб сувга ҳосил чиқими навлар бўйича 4,68-4,98 килограмм, 1 ц ҳосилга сув сарфи 20,1-21,4 м³ ни, 70-70% тартибда 1 м³ сув ҳосил чиқими 5,11-5,34 килограммни, 1 ц ҳосилга сув сарфи 18,7-19,6 м³ ни, 70-80% тартибда эса 1 м³ сувга ҳосил чиқими 6,34-6,62 килограммни, 1 ц ҳосилга сув сарфи 15,1-15,8 м³ ни ташкил қилиб, ушбу суғориш тартибида назорат – суғориш тартибига нисбатан 1 м³ сувга ҳосил чиқими 1,64-1,66 кг кўп эканлиги, 1 ц ҳосилга сув сарфи 5,0-5,6 м³ га камайгани кузатилди.

Демак, суғориладиган ерларда бататнинг “Хаг-Вау” ва “Сочакинур” навларини ўстиришда суғориш тартибини, яъни тупроқ суғоришолди намлигини ЧДНСга нисбатан 70-80% да сақлаш энг юқори барқарор (52-55т/га) ҳосил олиш имконини беради. Бунинг учун ўсув даври 12 марта 5-7 тартибда ҳар 8-15 кунда 531-948 м³/га меъёрда суғо-

Анвар ШАМСИЕВ,
мустақил тадқиқотчи,
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Ғиёс ТУРСУНОВ,
кичик илмий ходим.

АДАБИЁТЛАР

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. -М.: «Колос», 1985. -351 с.
2. Методика исследований по культуре картофеля (ВНИИКХ). М., 1967. -210 с.
3. Остонақулов Т.Э., Хамзаев А.Х. Ўзбекистонда картошкачиликнинг илмий асослари (Монография). Тошкент. Фан. 2018. -443 б.
4. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.К. Мева-сабзавотчилик (сабзавотчилик). Дарслик. Тошкент. 2018. -552 б.
5. Батат: посадка, выращивание сладкого картофеля и его полезные свойства (Электронный ресурс) URL:<http://www.udec.ru/ovoshhi/batat.php>. Дата обращения:3.04.2020.

УЎТ: 95.754

ТАДҚИҚОТ

ЧИЛПИШ УСУЛЛАРИНИНГ ҚАНДАЛАЛАР СОНИГА ТАЪСИРИ

This article discusses the impact of pest control methods on the number of pest caterpillars found in cotton fields.

Маълумки, Республика иқтисодий салоҳиятини оширишда аграр соҳа асосий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда зараркунандалардан самарали ҳимоя қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ўсимлик зараркунандалари катта офат ҳисобланиб, ўсимликнинг ўсув даврида ва маҳсулотларни сақлаш давомида ҳосилнинг катта қисмига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда қандаланинг 13 та тури учрайди. Шулардан иккитаси беда ва дала қандаласи ғўза экинлари майдонларида ҳаёт кечириб, пахта ҳосилига сезиларли зарар келтиради. Қандалалар билан ғўзани зарарланиши, ўсимликда нафас олиш интенсивлигининг ва оксидловчи ферментлар фаоллигининг камайишига, ҳосилнинг сезиларли даражада йўқолишига ва сифатининг ёмонлашувига, ёш ҳосил элементларининг тўкилиши ва уруғнинг яроқсизланишига олиб келади.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, қандалалар билан зарарланган ғўзапосяларнинг катта миқдори қуриб қолган, аммо тўқилмаган шона, гул ва ёш кўсақларнинг бўлиши билан фарқланиб туради. Шона, гул тугунча ва кўсақларни зарарланган жойида ғўза шарбатининг сариқ томчиси пайдо бўлади, кейинчалик улар ҳавода қурийд ва қорайиб қолади. Ҳосил элементларини зарарланган жойларида қора доғлар пайдо бўлади. Кўсақ деформацияга учрайди, баъзан муддатидан олдин очилади. Бу ҳолат

пахта толаси ва уруғнинг сифатига салбий таъсир этади. Мабодо, ҳосил тугунчалари шикастланган бўлса, улар ривожланмайди ва қуриб қолади. Қандала ғўзани ёппасига зарарлаганда пахта ҳосилининг 40-50% айрим ҳолатларда 70-80% гача йўқотилишига сабаб бўлади.

Пахта далаларида олиб борилган кузатувларга кўра, беда қандаласи (*Adelphocoris lineolatus*), дала қандаласи (*Lygus pratensis*) ҳамда вилоят учун янги тур бўлган ғўза қандаласи (*Creontiades pallidus*) нинг зарари сезиларли деб топилган. Бу турлар ичида энг кўп учрайдигани, яъни доминанти бўлиб, ғўза қандаласи (*Creontiades pallidus*) ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти шароитида 2016 йил ғўза далаларида ўсимликхўр қандалаларнинг аввал учрамаган ғўзага кучли зарар етказадиган тури аниқланди. Ҳозирда бу янги турнинг биологик, экологик хусусиятларини ўрганиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Лекин беда қандаласи, дала қандаласи ва, айниқса, сўнги йилларда кузатилаётган ғўза қандаласи Ўрта Осиё



шароитида етарли ўрганилмаган.

Ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига тупроқ унумдорлиги, суғориш, озиклантириш, қатор орасига ишлов, чилпиш усуллари, дефоляция муддати ва меъёрлари, ғўзанинг касалликлари ўз таъсирини кўрсатади. Олиб борилган илмий изланишларимизда чилпиш усуллариининг ғўзадаги ўсимликхўр қандалалар сонига таъсири ўрганилди.

Ғўза ҳосил элементларининг ўсимликхўр қандалалар билан зарарланишига агротехник тадбирлардан бири бўлган чилпишнинг таъсири ўрта топали “Султон” навида ўрганилди. Ўсимликхўр қандалаларнинг ғўза ҳосил элементла-

1-жадвал.

Чилпиш усуллариининг қандалалар сонига таъсири.

Вариантлар	Ғўза ҳосил элементларининг қандала билан зарарланиш даражаси		
	Ҳосил элементлари, дона	Зарарлангани, дона	Зарарланиш, фоиз ҳисобида
Энтожеан+чилпиш	20.8	1.3	6.8
Чилпиш ўтказилади	20.0	1.5	7.8
Чилпиш ўтказилмайди	17.5	3.7	21.8

рини зарарлаши 9 август ва 28 август ва 18 сентябрь кунлари ўтказилган тажрибаларда кузатилди. (1-жадвал).

Кузатишларда ўсимликлардаги ҳосил элементлар сони, шу жумладан, зарарланганлари дона ва зарарланиш фоиз ҳисобида аниқланди.

Тажриба натижаларига кўра, ғўзада чилпиш билан бирга энтожеан қўлланилганида, бир туп ўсимликда 20,8 дона ҳосил элементлари бўлиб, шундан 1,3 донаси зарарланган. Яъни, ҳосил элементларининг 6,8% қандала билан зарарланган. Ўсимлик фақатгина чилпиш ўтказилганда 20 дона ҳосил элементлари бўлиб, шундан 7,85% қандала билан зарарланган. Ғўзада умуман чилпиш ўтказилмаганда эса, 17,5 дона ҳосил элементи бўлиб, зарарланганлари 3,7 донани, яъни 21,8% ни ташкил этган.

Хулоса сифатида айтганда, қандалаларга қарши агротехник тадбирлардан - ғўзада чилпишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, чилпиш ва энтожеан қўллаш қандалаларнинг тарқалиши ва сонини сезиларли даражада камайтиришини таъминлади.

Сурайё НЕГМАТОВА,
қ./х.ф.д., кат.и.х.,
ПСУЕАИТИ,
Баходир ХАЛИКОВ,
қ./х.ф.д., профессор,
ҚҲООТИИЧМ,
Нодира БОБОЕВА,
мустақил тадқиқотчи,
Термиз Давлат Университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Очиллов Р.О., Бобобеков Қ., Сағдуллаев А.У., Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н.Р., Холматов Б.Р., Мусаев Д.М. Сурхондарё вилояти шароитида ўсимликхўр қандалаларга қарши кураш чоралари (Тавсиянома). – Тошкент, 2016. 18 б.
2. Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н., Мусаев Д. “Ўсимликхўр қандалаларнинг инсектицидларга сезгирлиги”. Ж. “Агрокимё-химия ва ўсимликлар карантини”, 2018 №2, 28-29-б.

УДК: 636.32/38

ИССЛЕДОВАНИЕ

ОПЫТ ИНТЕНСИВНОГО ОТКОРМА БАРАНЧИКОВ КАРАКУЛЬСКОЙ ПОРОДЫ

В статье приведены результаты 90 дневного откорма баранчиков черной окраски разных конституций, показана эффективность предубойной подготовки и убой животных в год их рождения.

Баранина в Узбекистане относится к одному из особо востребованных видов продукции овцеводства и спрос на неё с каждым годом неуклонно растёт. Раньше овцеводство было ориентировано на производство каракуля и шерсти, доход от которых составлял 70-80% в структуре всех доходов. Закупочная цена одного каракуля приравнялась к 9-10 кг баранины в убойной массе. В последние времена по целому ряду причин каракуль и шерсть оказались маловостребованными, тогда как спрос и цены на баранину постоянно растут.

Поэтому баранина относится к одному из востребованных продуктов каракулеводства и спрос на неё с каждым годом неуклонно растёт. Розничная цена баранины достаточно велика и, как правило, превышает стоимость говядины и мяса птицы. Основная причина состоит в том, что существующие объёмы производства баранины не способны удовлетворить растущий спрос на неё, особенно в регионах её традиционного использования в национальной кухне. В нынешней ситуации для отечественных каракулеводов открываются весьма перспективные возможности для реализации проектов по производству баранины.

Одним из эффективных приёмов увеличения производства баранины в каракульском овцеводстве, является оставление

на выращивание максимального количества баранчиков и убой их на мясо в год рождения, после их предубойного нагула или откорма.

В этой связи актуальным является разработка наиболее эффективных приёмов увеличения производства баранины с учётом сложившихся традиций, природно-климатических и пастбищных условий. Одним из существенных приёмов увеличения производства баранины является их предубойная подготовка посредством нагула или откорма. Существуют разные формы нагула, сроков и технологий откорма.

Перед нами была поставлена задача, изучить эффективность интенсивного откорма молодняка каракульских овец сразу после их отъёма от матери в возрасте 4,5 месяцев. Для этого в фермерском хозяйстве «Ж.У.Файзуллаев» Кашкадарьинской области было отобрано по 10 голов баранчиков чёрной окраски разных конституциональных типов и они были поставлены на 90 дневный откорм с тем, чтобы к концу откорма они имели живую массу не менее 40 килограммов. Для этого их предварительно остригали и содержали под навесом в стойлах. Доступ к воде и поваренной соли был свободным.

Применяли нижеследующий уровень кормления.

Грубые корма задавали в измельчённом виде в смеси с

Таблица 1. бентонитом и увлажнённом виде.

Суточный рацион	Ед. изм	Периоды откорма							
		первые 10 дней		первый месяц		второй месяц		третий месяц	
		всего	к.е.	всего	к.е.	всего	к.е.	всего	к.е.
Пшеничная солома	кг	2,0	0,4	2,0	0,4	1,0	0,2	-	-
Пастбищное сено	кг	1,0	0,17	2,0	0,34	2,0	0,34	2,0	0,34
Люцерновое сено	кг	-	-	-	-	1,0	0,43	1,0	0,43
Дробленая кукуруза	кг	-	-	0,3	0,37	0,5	0,56	0,75	0,84
Бентонит	гр	45	-	45	-	45	-	45	-
Кормовых единиц	За: день всего		0,57		11,1 33,3		1,33 39,9		1,61 48,3

Концентрированный корм задавали утром и вечером. Поваренную соль давали вволю в виде лизунца. Баранчики до постановки на откорм и в последующем через каждые 30 дней подвергались купке. Питательная ценность кормов устанавливалась по справочнику кормов.

До начала откорма в течение 10 дней баранчиков приучали к содержанию под навесом в стойле.

Ежемесячно на платформенных весах проводили контрольное взвешивание.


Анализ приведённых в таблице 2 данных показывает, что за 90 дней откормочного периода баранчики существенно изменились по живой массе, при этом величина привеса у ягнят разных конституций была не одинаковой. Наибольшее количество прироста было получено по группе ягнят крепкой конституции.

Изменения живой массы (n-10)

Конституция	Живая масса, кг				
	до откорма	на 30 день	на 60 день	на 90 день	всего получено привеса, кг
нежная	26,4	31,8	37,5	43,51	17,1
крепкая	29,6	35,3	41,3	46,75	18,1
грубая	30,8	36,56	42,41	48,71	17,43

Ягнята нежной конституции уступали ягням крепкой конституции на 1,00 кг или на 5%. Ягнята грубой конституции превосходили ягнят нежной на 0,33 кг и уступали ягням крепкой конституции на 0,67 кг.

Расход кормов на получение 1 кг привеса (к.е.)



Наибольшую скорость роста ягнята проявили во втором и третьем месяцах откорма, что несомненно, было связано с уровнем кормления. Во все периоды наивысшие показатели прироста имели ягнята крепкой и грубой конституций. По завершению откорма все баранчики имели высокую упитанность и высоко оценены.

Аналогичные закономерности были отмечены и по показателям трансформации корма в продукцию. Так, расход кормовых единиц на получение 1 кг привеса был наименьшим по группе ягнят крепкого типа конституции 6,7, наибольшим у ягнят нежного типа 7,1. Ягнята грубого типа конституции занимали промежуточное положение 6,97.

Следует отметить, что наименьшее количество кормовых единиц на получение 1 кг привеса было затрачено в первый месяц откорма (5,84), наибольшее 6,7 в третьем месяце.

Ниже на рисунке 1 приведены показатели расхода кормовых средств на получение 1 кг привеса по месяцам откорма.

Таким образом, результаты выше приведённых исследований позволяют заключить, что одним из эффективных приёмов увеличения производства диетической ягнятины в каракульском овцеводстве, является их интенсивный предубойный откорм в течение девяносто дней.

Это позволяет при расходе в среднем на 1 голову 150 кг соломы, 2010 кг пастбищного сена, 90 кг люцернового сена и 46,5 кг дроблёной кукурузы получать 17,1-18,7 кг привеса и сдавать на мясо баранчиков с живой массой 43,51-48,71 в год их рождения. Эта технология позволяет не только увеличить производство баранины, но и значительно снизить нагрузку на пастбища, так как для получения заданной массы не требуется оставлять на зимовку и передерживать их на пастбищах ещё на 8-10 месяцев.

Таблица 3.

Абсолютный и среднесуточный прирост

Конституция	За первые 30 дней		За вторые 30 дней		За третьи 30 дней		За весь период	
	абсолют.кг	среднесуточ.г	абсолют.кг	среднесуточ.г	абсолют.кг	среднесуточ.г	абсолют.кг	среднесуточ.г
нежная	5,4	180,2	5,7	190,1	6,01	200,4	17,11	190,1
крепкая	5,7	190,1	6,0	200,1	6,45	215,2	18,10	201,6
грубая	5,76	192,1	5,85	195,3	6,30	210,2	17,43	193,6

В процессе откорма ягнята имели не одинаковые показатели как абсолютного, так и среднесуточного прироста.

Эркин ШАПТАКОВ,
соискатель ИВМ.

ЛИТЕРАТУРА

- Ерохин А. И. и др. О возрасте овец при убое// Ж. Овцы, козы, шерстное дело. — М, 2011, № 3. — 41-43 стр.
- Исмаилов М. Ш. ва бош. Қорақўлчиликда иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омили// Ж. Агро илм. — Т., 2011, № 4. — 84 бет.

УДК: 631.624.004.451.25

ИССЛЕДОВАНИЕ

АВТОМАТИЗАЦИЯ И УПРАВЛЕНИЕ НАСОСНОГО АГРЕГАТА ДЛЯ ПОДДЕРЖИВАНИЯ УРОВНЯ ВОДЫ НА МАГИСТРАЛЬНОМ КАНАЛЕ

The paper considers and compiled a schematic diagram of automation for regulating the water level. The technical means of automation were studied and applied. The issues of water level management in the Karshi main canal were also considered and resolved.

В условиях дефицита водных ресурсов в нашей стране, большое значение приобретают водосберегающие технологии орошения сельскохозяйственных культур. Эти требования предусматривают исследование объекта (объектов) управления, как структуры АСУТП в системе добычи воды предназначенной для осуществления процесса водозабора из скважины и перемещения воды.

Основной работой автоматической системы является автоматическая сигнализация и контроль уровня воды. Для сброса воды используют различные датчики уровня воды. Автоматизированный шкаф управления работает непрерывно, что привело к нескольким проблемам, среди которых одним из основных является быстрое окисление и накопление ржавчины электродов, что приводит к неправильной работе датчика и всей системы. С изменением химических свойств воды, также изменяется электрическая проводимость. Так как электроды находятся в воде, то в этой среде сталкиваются электроды с коррозией, что приводит к ухудшению электропроводимости.

Такие устройства большей частью не требуют индивидуальной подборки элементов схемы и работают более надежно. В то же время большой практический интерес представляют схемные решения, позволяющие применить «цифровые» микросхемы в аналоговой технике. Особенно перспективно использование в «аналоговом» режиме «цифровых» микросхем серий КМОП. Микросхема К561ЛЕ5 представляет собой четыре логических элемента 2ИЛИ-НЕ. Логические микросхемы, как правило, предназначены только для работы в «цифровой» технике, допускающей лишь два вида сигналов: логический ноль и логическую единицу. Диапазон рабочих температур микросхем серий К561 от -45 до +85°С. Для микросхем серий К561 и 564 гарантируется работоспособность при напряжении питания от 3 до 15 В, для КР1561 — от 3 до 18 В.

В разработке применены два датчика: короткий стальной прут контролирует максимально разрешенный уровень воды и длинный металлический прут датчик минимального уровня. В случае контакта с водой длинным датчиком и с коротким датчиком, логический уровень на выводах микросхемы К561-ЛЕ5 меняется с высокого на низкий, изменяя режим работы насоса. Управление насосом схема на К561ЛЕ5.




Рис.1. Принципиальная схема управления насосного агрегата на микросхеме К561ЛЕ5.

В случае если уровень воды ниже обоих датчиков, на десятом выводе микросхемы логический ноль. При плавном повышении уровня воды даже в случае, если вода будет контактировать с длинным датчиком, все равно будет логический ноль. Как только уровень воды дойдет до короткого датчика, появится логическая единица и транзистор включит реле управления насосом, который начнет откачивать воду из емкости. Когда, уровень воды упадет, и короткий датчик не будет соприкасаться с водой, то на выводе 10 все равно будет логическая единица и насос продолжает работать. Но если уровень воды опустится ниже длинного датчика, то появится логический ноль и насос прекратит свою работу. Тумблер S1 используется для обратного действия.

Выводы. Данная схема в системе управления надёжная и устойчивая. Электроды не подвергаются к коррозии металла, так как в схеме применяется переменное напряжение. Применяемая микросхема не реагирует на внешние электрические помехи.

Барна РАХМАНКУЛОВА, к.э.н., доцент,
Азиз НИГМАТОВ, ассистент,
Феруз ЯХЁЕВ, магистрант,
ТТИИМСХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Бородин И.Ф., Судник Ю.А. Автоматизация технологических процессов. — Москва, 2007 г.
2. Угрюмов Е.П. Цифровая схемотехника. — Санкт-Петербург, 2005 г.
3. Шандров Б.В, Чудаков А.Д. Технические средства автоматизации. — Москва, 2007 г.
4. Джексон Р.Г Мир электроники. — Москва, 2007 г. — 337 с.
5. Крухмалев В.В., Гордиенко В.Н., Моченов А.Д. Цифровые системы передачи. — М: Наука, 2007 г. — 277 с.

УЎТ: 631.474:631.51

ТАДҚИҚОТ

ТУПРОҚНИНГ СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИГА ЕРГА ТУРЛИ УСУЛАА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТАЪСИРИ

The article provides information on the impact of soil cultivation on water permeability and crop yields as a result of the cultivation of cotton, winter wheat and secondary crops on the basis of different tillage technologies.

Республикамізда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ҳамда сифатли ҳосил олиш мақсадида экин учун ажратилган ерларни қисқа муддатларда сифатли тайёрлаш ҳамда тупроққа асосий ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологияларни қўллаш орқали ғўза, кузги буғдой ва такорий экинлар ҳосилдорлигини ошириш, аҳолининг экологик соф озиқ-овқат ва чорванинг ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, шу билан бирга, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларини

яхшиловчи ресурстежамкор агротехнологиялардан фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Маълумки, тракторлар ва машина-трактор агрегатларининг ғилдираклари тупроқни зичлаб, унинг агрофизик хусусиятлари ўзгаришига, унда кечадиган жараёнларга салбий таъсир этиб, сув, ҳаво ва биокимёвий жараёнларнинг ёмонлашувига олиб келади. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги асосий агрофизик кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, бу тупроқнинг механик таркиби, чиринди миқ-

дори, даланинг қиялиги ҳамда бошқа омилларига боғлиқдир.

Р.Қурвонтоев, Н.Солиева, А.Мусурмоновларнинг (2007) тажрибалари маълумотлари асосида ерни ҳайдаб ва ҳайдамасдан доимий пуштани қайта тиклаш вариантларида суғорилгандан кейин аниқланган намлик ҳайдов (0-30 см) қатламда юқори меъёрда ўғитланган вариантда 64-78% ни, шу меъёрда доимий пушта қайта тикланган вариантда эса 70-80% ни ташкил этиб, кам ишлов бериш натижасида тупроқдаги нам захираси кўпайиши ва у бир текисда тақсимланиши, мақбул сув тартиботи ҳосил бўлишини таъкидлашган.

Шу билан бирга, такрорий экин сифатида парваришланган мошнинг ер юзасидаги биомассаси катта майдонга соя тушириши натижасида тупроқдаги нам буғланишининг камайиши ҳамда ўсимликларда транспирация жараёнини ошириб, бу эса мошни сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон яратгани аниқлангани таъкидланган (Richards ва бошқалар, 2002 й.).

Бу муаммоларни ечиш мақсадида 2014-2019 йиллар мобайнида ПСУЕАИТИ тажриба участкаси далаларида изланишлар олиб борилди.

Тажрибада ғўза, кузги буғдой ва такрорий экиш тизимида ўтказилиб, экинларни етиштиришда: а) қабул қилинган технология асосида (28-30 см чуқурликка ҳайдаш + бороналаш + молалаш + экиш); б) доимий пушта чизель ёрдамида 25-30 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш технологияси ҳамда; в) йил оралатиб ҳайдаш технологияси (кузги буғдой ва такрорий экин доимий пуштага экилади, ғўза экишда шудгорлаш ўтказилган) бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Олиб борган тадқиқотимизда 2014/2015 йилларда кузги буғдойнинг "Краснодар-99" нави парваришланган майдонда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ўрганиб чиқилганда, тажриба майдони 28-30 см чуқурликка ҳайдаш, бороналаш, молалаш тадбирлари ўтказилиб, сўнг экилган 1-вариантда кузги буғдойнинг амал даври бошида жами 6 соатда 705,2 м³/га ни, ўтмишдош экиннинг пуштаси доимо 25-30 см чизель ёрдамида ишлов бериб, қайта тикланган 2-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 631,6 м³/га ни, кузги буғдой уруғини экиш учун майдон 8-10 см чуқурликда культивация ёрдамида ишлов бериб, бир йўла экилган 3-вариантда эса 656,4 м³/га ни ташкил этгани кузатилди.

Тадқиқотимизнинг охириги – олтинчи йили парваришланган кузги буғдойнинг амал даври охирига келиб (11.07.2019 й.), 2014 йилдан бошлаб ҳар бир экинни парваришлаган: 1-вариантда (доимий 28-30 см чуқурликка ҳайдов ўтказилган) тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 727,8 м³/га тенг бўлиб, дастлабки (18.10.2014 й.) ҳолатига нисбатан 22,6 м³/га гача ортиб, ўтмишдош экиннинг пуштасини доимий 25-30 см чуқурликка чизеллаб, пушта қайта тикланиб, сўнг экинлар парваришланган 2-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 543,7 м³/га га тенг бўлиб, дастлабки (18.10.2014 й.) ҳолатига нисбатан 87,9 м³/га гача камайиши аниқланди (1-жадвал).

Кузги буғдой ва такрорий экин учун ўтмишдош экин пуштасини 8-10 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериш, ҳамда ғўза парваришлаганда кузги шудгор тадбирини

Ерга турли усулда ишлов беришнинг тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири, м³/га (2014/2019 й.).

Соат	28-30 см чуқурликка ҳайдаш + бороналаш + молалаш + экиш		Доимий пушта чизель ёрдамида 25-30 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла экиш		Йил оралатиб ҳайдаш (кузги буғдой ва такрорий экин доимий пуштага экилади, ғўза экиш учун майдон шудгорланади)	
	18.10.2014 й.	11.07.2019 й.	18.10.2014 й.	11.07.2019 й.	18.10.2014 й.	11.07.2019 й.
1	293,0	323,4	265,3	273,9	278,5	335,2
2	183,8	176,2	168,5	119,7	170,5	187,4
3	109,0	117,6	88,3	84,8	94,3	126,8
4	68,4	70,6	56,5	35,5	64,5	44,0
5	38,9	29,9	40,0	20,9	36,9	42,7
6	12,1	10,1	13,1	8,9	11,7	10,8
Жами 6 соатда	705,2	727,8	631,6	543,7	656,4	746,9

ўтказилган 3-вариантда кузги буғдойнинг амал даври охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 746,9 м³/га ни ташкил этиб, дастлабки (18.10.2014 й.) ҳолатга нисбатан 90,5 м³/га гача, доимий 28-30 см чуқурликка ҳайдов ўтказилган 1-вариантга нисбатан 67,9 м³/га гача, доимий пуштага 25-30 см чуқурликда ишлов бериб экиш 2-вариантга нисбатан эса 178,5 м³/га гача юқори бўлиши аниқланди.

Шу билан бирга тадқиқотларимизда (2014-2019 йй.) йил оралатиб ҳайдаш технологияси ўтказилган вариантимизда юқори ҳосилдорликка эришилиб, бунда кузги буғдойдан 59,8 ц/га гача дон ҳосили, такрорий экин мошдан 14,1 ц/га гача дон ҳосили, ғўзадан эса 41,0 ц/га гача ҳосил олиниб, бошқа ишлов бериш технология қўлланилган вариантларга нисбатан кузги буғдойдан 4,2 ц/га гача дон ҳосили, такрорий экин мошдан 2,1 ц/га гача дон ҳосили, ғўзадан эса 14,1 ц/га гача қўшимча ҳосил олинди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, йил оралатиб ҳайдов, ресурс тежамкор агротехнологиясини қўллаб, экинларни парваришлаганда тракторларни майдонга кам кириши, ўсимликнинг илдиз-анғизидан самарали фойдаланиш натижасида тупроқ унумдорлиги сақланиб, дастлабки ҳолатга нисбатан ишлов беришнинг бошқа усуллари тақосланган ҳолатда тупроқнинг сув ўтказувчанлик қобилияти 67,9-178,5 м³/га гача юқори бўлиши, ва бу ишлов бериш усули иқтисодий жиҳатдан самарали ресурстежамкор агротехнология эканлиги яна бир бор исботланди.

Феруза ХАСАНОВА,
қ.х.ф.н., профессор,
Икромжон КАРАБАЕВ,
қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,
Зилола ШАВКАТОВА,
таянч докторант
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1.Қурвонтоев Р., Солиева Н., Мусурмонов А. - Тупроққа кам ишлов беришнинг намлик даражасига таъсири.// Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари. Илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. (1-қисм) Тошкент 2007. Б. 82-85.

2.Richards, R.A., G.J. Rebetzke, A.G, Gondon and A.F. Van Herwaarden - Breeding opportunities for increasing efficiency of water use and crop yield in temperate cereals. Crop Science 2002. 42: pp 111-121

ХАНДАМ КАНАЛИДАГИ ФИЛЬТРАЦИЯ ҲИСОБИ

Хандам каналнинг (ПК671—ПК740) қисмидан бўлаётган фильтрацияни ҳисоблаш учун фильтрация қаршилиги усулидан фойдаланамиз ва қуйидаги дала тадқиқот ишлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашни амалга оширамиз:

- каналдаги сув чуқурлиги $h_0 = 1,2$ м;
- сув сатҳи бўйича канал қирқими эни $B_k = 8,4$ м;
- канал ости эни $b = 3$ м;
- биринчи қават грунтга сув чуқурлиги $h_k = 10$ м;
- иккинчи қават грунт қалинлиги $m_2 = 17$ м;
- биринчи қават грунги тагига қадар грунт сувнинг табиий чуқурлиги $h_s = 5$ м;
- асосдаги биринчи қават фильтрация коэффициенти (кумли тош парчалари аралашган грунт) $k_1 = 0,5$ м/сут;
- асосдаги иккинчи қаватнинг фильтрация коэффициенти (шағалли қатлам) $k_2 = 5$ м/сут;
- буғланиш $E = 0$ грунт сувлари сатҳига сув чуқурлиги $z_0 = 2,1$ м;
- ер устки қисмидан буғланиш интенсивлиги $\varepsilon_n = 0,003$ м/сут;

А) Канал ўзани химоя билан қопланмаганда барқарор фильтрация ҳисоби.

Грунтли каналларда бир томонлама солиштирма сув сарфини ҳисоблаш (1) формула ёрдамида амалга оширилади:

$$q_k = T \frac{\bar{h}_k}{\Phi_k + \sqrt{\frac{Tz_*}{\varepsilon_{II}}}} = 0,304 \text{ м}^2/\text{сут}, \quad \bar{h}_k = h_k - h_s = 10 - 5 = 5 \text{ м}$$

$$T = k_1(h_s + \frac{\bar{h}_k}{2}) + k_2 m_2 = 90 \text{ м}^2/\text{сут}, \quad \Phi_k = \Phi'_k + 2\Phi''_k = 1128 \text{ м},$$

$$\Phi'_k = \xi_0 \frac{k_2}{k_1} m f'_k(m) + \frac{k_1 - k_2}{k_1} m_1 f'_k(m_1) = 10,35 \text{ м},$$

$$m = h_k + m_2 = 27 \text{ м}, \quad m_1 = h_k,$$

$$f'_k(m) = \frac{B_k}{2m} - 1,4661 \lg \text{ctg}(\frac{\pi B_k}{4m}) = 0,155$$

$$f'_k(m_1) = \frac{B_k}{2m_1} - 1,4661 \lg \text{ctg}(\frac{\pi B_k}{4m_1}) = 0,163$$

$$\Phi''_k = \xi_0 \frac{k_2}{k_1} m f''_k(m) + \frac{k_1 - k_2}{k_1} m_1 f''_k(m_1) = 609 \text{ м},$$

$$f''_k(m) = 0,7331 \lg \text{ctg}(\frac{\pi B_k}{4m}) = 0,455 \quad f''_k(m_1) = 0,7331 \lg \text{ctg}(\frac{\pi B_k}{4m_1}) = 0,081$$

$$Q_\phi = 2q_k = 0,608 \text{ м}^2/\text{сут}, \quad \chi = b + 2h_0 \sqrt{1+m^2} = 7,326 \text{ м},$$

$$Q_{\phi 1 \text{ м}^2} = \frac{Q_\phi}{\chi} = 82,9 \text{ л/сут} * \text{м}^2.$$

Б) Канал ўзани фильтрацияга қарши қоплама билан химояланганда ҳисоблаш. Канал ўзани фильтрациядан химояланган ҳолатда бир томонлама шаклландиган сув сарфи қуйидагича ҳисобланади:

$$q_k = T \frac{\bar{h}_k}{\Phi_k + \Phi_{обл} + \sqrt{\frac{Tz_*}{\varepsilon_{II}}}} \quad (1)$$

\bar{h}_k, T, Φ_k параметрлар юқорида келтирилган математик боғланишларда аниқланган. Қоплама бўлган ҳолатда кўшимча вужудга келадиган фильтрация қаршилиги $\Phi_{обл}$ (1) формуласи ёрдамида ҳисобланади. Барча ҳисобларда қоплама қалинлиги $0,06$ м. $K_{обл} = 0,0013$ м/сут қабул қилинган, у ҳолатда:

$$\Phi_{обл} = \frac{k_1}{k'_{обл}} \delta_0 = 23,1 \text{ м},$$

$$q_k = T \frac{\bar{h}_k}{\Phi_k + \Phi_{обл} + \sqrt{\frac{Tz_*}{\varepsilon_{II}}}} = 0,29 \text{ м}^2/\text{сут},$$

$$|Q_\phi = 2q_k = 0,599 \text{ м}^2/\text{сут},$$

$$\chi = b + 2h_0 \sqrt{1+m^2} = 7,326 \text{ м}, \quad Q_{\phi 1 \text{ м}^2} = \frac{Q_\phi}{\chi} = 81,7 \text{ л/сут} * \text{м}^2.$$

Қопламадан фойдаланиш самарадорлиги қуйидагича аниқланади:

$$K_{обл} = \frac{Q_{\phi, зем}}{Q_{\phi, обл}} = 1,014$$

Геосинтетик қоплама бўлганида параметрлар қуйидагича аниқланади:

$$K_{обл} = 0,00000864 \text{ м/сут}, \quad \Phi_{обл} = 3472 \text{ м},$$

$$q_k = T \frac{\bar{h}_k}{\Phi_k + \Phi_{обл} + \sqrt{\frac{Tz_*}{\varepsilon_{II}}}} = 0,091 \text{ м}^2/\text{сут},$$

$$Q_\phi = 0,182 \text{ м}^2/\text{сут}, \quad \chi = 7,326 \text{ м}, \quad Q_{\phi 1 \text{ м}^2} = \frac{Q_\phi}{\chi} = 24,81 \text{ л/сут} * \text{м}^2,$$

$$K_{обл} = \frac{Q_{\phi, зем}}{Q_{\phi, обл}} = 3,34.$$

Магистрал каналнинг тупроқ ўзани ва бетон қоплама участкасининг фильтрация солиштирма сув сарфи аниқланди. Каналларга геосинтетик қоплама бўлганида самарадорлик даражаси юқори бўлишини ҳисоб-китоблар натижаси кўрсатди.

Умиджон САДИЕВ, PhD,
Ирригация ва сув муаммолари ИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Садиев У.А. Повышение гидравлической эффективности и эксплуатационной надежности крупных каналов// Гидротехника, Россия, 2016. №2, С 60-61. (05.00.00; №33).
2. Садиев У.А. Управление и моделирование магистральных каналов при изменяющихся значениях гидравлических параметров водного потока// "Мелиорация и водное хозяйство России", 2016. №6, С 10-12. (05.00.00; №51).
3. Махмудов И., Махмудова Д., Садиев У.А. Оптимизация допустимой скорости потока воды в ирригационном канале// "Механика муаммолари" журналы, Тошкент, 2011. №3-4, С 27-30. (05.00.00; №6).

ҚИСҚА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА ТАКРОРИЙ ВА ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ МАССАСИГА ТАЪСИРИ

In the typical sierozem soils, the use of short-rotation schemes of crop rotation 1: 2, winter wheat + re-culture (mash) + intermediate crop (oats + green peas + rye) and 1: 2, winter wheat + re-culture (beans) + intermediate crop (oats + green peas + rye) serves to mass volume in the soil and cotton yields.

Тупроқ ҳажм массаси унинг асосий хоссасини белгилловчи омиллардан бири бўлиб, деҳқончилик фанида тупроққа агрофизикавий тавсиф беришда яна бошқа хосса-хусусиятларини кенг ёритишда ушбу маълумотларга асосланиш пойдевор бўлиб хизмат қилади. Чунки, биргина шу хоссасини меъёрий бўлиши тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, ғоваклиги, ҳаво алмашиниши, иссиқлик, озика тартиблари ва, ниҳоят, микробиологик хосса-хусусиятлари ижобийлигидан далолат беради.

Л.А.Спижевская, М.Т.Тожиевларнинг таъкидлашича, деярли барча турдаги қишлоқ хўжалик экинлари амал даври давомида тупроқ ҳажм массасини оширади. Улар тупроққа ҳайдаб юборилгандан кейин эса тупроқ ҳажм массаси нисбатан камаяди. Тупроқда имкон даражада кўпроқ органик қолдиқлар тўпланиши тупроқнинг ҳажм массасининг яхшиланишига сабаб бўлади.

Б.М.Халиковнинг илмий излаишларида алмашлаб экишнинг 2:1 тизимида кузги буғдой+такрорий экин (мош); кузги буғдой+такрорий экин (мош)+оралиқ экин: ғўза звеноларида тупроқнинг ҳажм массаси дастлабкига нисбатан 0.014-0.02 г/см³ га камайганлиги баён этилган.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида қисқа ротацияли навбатлаб экиш тизимларида кузги

буғдойдан сўнг экилган такрорий экин (мош, ловия) ва оралиқ экинлар (сули, кўк нўхат, жавдар) аралашмаларининг тупроқнинг ҳажм массасига таъсирини аниқлаш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тажриба 7 вариантни ўз ичига олади. Ҳар бир вариантнинг майдони 240 м², шундан ҳисобга олинмайдиган майдон 120 м² ни ташкил этиб, уч такрорланишда олиб борилди. Тажриба майдонининг умумий ҳажми 0,5 га тенг.

Тадқиқотлар “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) ҳамда, “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” (Тошкент, 1963) каби қўлланмалар асосида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг қуйидагича тизимлари ўрганилди:

1-вариант 1:2, кузги буғдой: ғўза: ғўза;

2-варианти, 1:2, кузги буғдой+такрорий экин (мош): ғўза: ғўза;

3-варианти, 1:2, кузги буғдой+такрорий экин (ловия): ғўза: ғўза;

4-варианти, 1:2, кузги буғдой+такрорий экин (мош)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат): ғўза: ғўза;

5-варианти, 1:2, кузги буғдой+такрорий экин (ловия)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат): ғўза: ғўза;

6-варианти, 1:2, кузги буғдой+такрорий экин (мош)+оралиқ экин (сули+кўк

нўхат+жавдар);


7-варианти, 1:2, кузги буғдой+такрорий экин (ловия)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат+жавдар).

Олинган маълумотларга қараганда, тажриба даласида 2015 йилнинг кузида такрорий экинлар ўсув даврининг охирига бориб, тупроқнинг ҳажм массаси кузги буғдойдан сўнг ҳеч қандай такрорий экин экилмаган назорат вариантда 0-30 см қатламда 1,38 г/см³ ни, 30-50 см қатламда эса 1,42 г/см³ ни ташкил этди. Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида мош экилган вариантларда мошнинг ўсув даври охирида тупроқнинг 0-30 см қатламида 1,39 г/см³ ни ташкил этган бўлса, ловия экилган вариантларда эса 1,40 г/см³ ни ташкил этди. Ушбу вариантларда кейинги йил ғўза экиш олдидан олинган маълумотлар таҳлил қилинганда тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,02; 0,05 г/см³ га камайганлиги аниқланди.

Қисқа навбатлаб экиш тизимларида мувофиқ 2016 йилнинг баҳорида тажрибанинг барча вариантларига кузги буғдой, такрорий мош, ловия ва оралиқ экинлар аралашмаси (сули+кўк нўхат+жавдар) сўнг 1 йил ғўза экилди. Ғўзанинг амал даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси (0-30 см қатламда) вариантлар бўйича 1,32-1,36 г/см³ ни ташкил этди. Бу эса, 2015 йилнинг кузидаги ҳолатга нисбатан 0,02-0,05 г/см³ га кам бўлганлиги аниқланди.

Бу борада энг яхши кўрсаткич қисқа ротацияли навбатлаб экишнинг 1:2 тизимида кузги буғдой+такрорий экин (мош)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат): ғўза: ғўза; кузги буғдой+такрорий экин (мош)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат+жавдар); ҳамда, кузги буғдой+такрорий экин (ловия)+оралиқ экин (сули+кўк нўхат+жавдар) экилган вариантларида кузатилиб, назорат вариантга нисбатан тупроқнинг ҳайдов қатламида (0-30 см) 0,04 г/см³ га камайганлиги кузатилди. Маълумотлар 1-расмда келтирилган.

Юқоридаги маълумотлар таҳлилдандан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, қисқа навбатлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида мош, ловия, ундан кейин



1-расм. Қисқа навбатлаб экиш тизимларининг тупроқ ҳажм массасига таъсири, г/см³ (0-30 см).

кузда оралиқ экинлар сули, кўк нўхат ва жавдарни икки ва уч компонентли равишда қўшиб экиб, баҳорда ўриб олингандан сўнг ҳайдаб юборилиши, улардан қолган органик қолдиқларни парчаланиши ҳамда дуккакли-дон экини мош, ловия ва нўхат томонидан тупроқни азот билан бойитилиши натижасида тупроқ ҳажм массасида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги аниқланди. Умуман олганда, тупроққа ўсимлик томонидан қанчалик кўп миқдорда органик қолдиқлар қолса, тупроқ агрофизикавий, хусусан, ҳажм массасининг

шунчалик кўп яхшиланиши кузатилди.

Баходир ХАЛИКОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Холмурод БОЗОРОВ,
докторант, қ.х.ф.д.,
ПСУЕАИТИ,
Шодиёр БОБОҚАНДОВ,
ТИҚХММИ магистранти.

АДАБИЁТЛАР

1. Спижевская Л.А. Влияние однолетних и многолетних культур на плодородие почвы и урожай хлопка. Автореф. к.с.-х.н.-Ташкент., 1963. 24 с.
2. Таджикиев М.Т. Эффективность промежуточных культур и органических удобрений. // Хлопководство. Москва, 1985. №1. С. 18-21.
3. Халиков Б.М. Янги алмашлаб экиш тизимлари ва тупроқ унумдорлиги. –Т.: “Ноширлик ёғдуси”, 2010.

УЎТ: 631.171

ТАДҚИҚОТ

ЭКСКАВАТОРНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ҲИСОБИГА ЦИКЛ ДАВОМИЙЛИГИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АНИҚЛИКНИ

ТАЪМИНЛАШ

This article covers the analysis of a number of issues, such as establishing agricultural machinery production in accordance with international standards, increasing productivity through automation of excavators, ensuring accuracy and safety.

Эта статья посвящена анализу ряда вопросов, таких как налаживание производства сельскохозяйственной техники в соответствии с международными стандартами, повышение производительности за счет автоматизации экскаваторов, обеспечение точности и безопасности.


Сўнги йилларда республикамизнинг аграр секторини халқаро стандартларга мувофиқ ҳамда мамлакат ҳудудларининг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига жавоб берадиган замонавий маҳаллий ва хорижий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича фаол чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Умумий фойдаланишдан олдин кўпгина янги технологиялар ишлаб чиқилади ва муайян лойиҳаларда синовдан ўтказилади. Экскаваторни автоматлаштириш Германиянинг энг йирик қазिश лойиҳаларидан бири –“Jade Waser” лойиҳасида доирасида синовдан ўтказилди. Бир чўмичли экскаваторни иш унумдорлигининг назарий қиймати бир давр иш бажаришга сарфланадиган вақтни ҳисобга олиш билан боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир давр иш бажаришда сарфланадиган вақтни тежаш техниканинг иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Тозалаш ишлари аниқлик ва самарадорлик билан чамбарчас боғлиқ. Экскаваторнинг иш жараёни эса ўртача циклнинг минимал вақтига тўғри келади. Шунингдек, бу ерда бир вақтнинг ўзида қазिश ишлари тўхтатилмаслиги талаб этилади. Самарадорликнинг асосий омилларидан бири бу концентрацияни сақлаб туриши керак бўлган оператордир.

Нидерландиялик олим Arjen van der Horst, Riny Mourik ларнинг фикрича, экскаваторнинг барча ҳаракатларини бошқариш ва автоматик равишда кўп циклли қазिश ишларини амалга ошириш учун тез алмаштириладиган тўлиқ автоматлаштириш мелиорация соҳасида катта ўзгаришга олиб келган. DGPS уланган мониторинг тизимидан фойдаланадиган

тажрибали операторлар қазिश ишлари амалга ошириладиган жойни ва кейинги тозланиши керак бўлган жой ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Улар машинани жуда яхши билишади ва самарадорликни ошириш, қазिश кетма-кетлигини бошқаришлари мумкин. Бироқ, тажрибали операторларни топиш қийин бўлиши ва ҳатто улар узоқ вақт иш фаолиятдан чарчашлари мумкин. Буларнинг барчаси экскаваторнинг энг самарали ишлатилишига тўсқинлик қиладиган омиллардан биттасидир. Автоматик экскаватор маълум бир цикл вақтини кафолатлай олади. Автоматлаштирилган экскаватор шу сабабли ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилади. Тупроқнинг ҳолатига қараб, минимал вақтни танлаши, хавфсизлик ва аниқлик бўйича ишлаши назарда тутилган.

Юқоридаги иккита графикда инсоннинг жисмоний функцияси ва иш муддати сифатида ишлаши кўрсатилган:



Автоматлаштиришни қўллаб-қувватламайдиган оператор автоматлаштиришни қўллаб-қувватлашга қараганда юқори кўрсаткичларга эга оператор. Бошқа томондан, қўллаб-қувватланмайдиган оператор вақт ўтиши билан унинг ишлаши ёмонлашади, оператор эса автоматлаштириш ёрдамида бир хил иш фаолиятини сақлаб қолади.



1-расм. Эскаваторни автоматлаштириш жараёни ва амалиётдаги тадбиқи.

Агар эскаваторнинг бошқарилишини автоматлаштиришга эришсак, ишлар кўламини шунчалик камайтирган бўламиз. Замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари дунёнинг етакчи мамлакатларида фойдаланилмоқда ва қуйидаги вазифаларни ўз ичига олмақда:

Жойлашув координаталарини олиш, юкланган самосвал учун борт рақамини аниқлаш, юкланган самосваллар учун электрон регистрни юритиш, эскаваторнинг бир сменада ишламай қолишини ҳисоблаш, бунинг сабабларини батафсил баён қилиш, иш вақтини ҳисоблаш, эскаватор резервуаридаги ёқилғи миқдорини аниқлаш, олинган ёқилғини рўйхатдан ўтказиш, тасдиқланмаган ёқилғи қуйилишини рўйхатдан ўтказиш, оператор панелида маълумотларни кўрсатиш, эскаватор ҳолатини кузатиш, диспетчерлар ва самосваллар ўртасида овозли алоқани таъминлаш, маълумотлар базаси серверига алоқа каналлари орқали маълумотларни узатиш ва картани алмаштириш учун эскаватор ишидаги ёзувлар ва журналларни юритиш каби масалаларни ҳал қилмоқда.

Хулоса ўрнида, эскаваторларни автоматлаштириш синов жараёнидан ўтган лойиҳа бўлиб, бугунги кунда кўплаб олимларимиз бу борада ўз фикр мулоҳазаларини билдириб келмоқдалар. Шундай экан, қатор афзалликларга эга бўлган ва инсон омилсиз бир қанча босқичларни мустақил бажара оладиган қишлоқ хўжалиги техникаларини яратиш замон талабига мосдир. Таҳлиллар ва илмий изланишлар шуни кўрсатадики, автоматлаштиришнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Катта кўламдаги ишларни амалга оширишда автоматлашган эскаваторлар устунликларга эга.

Наргиза ХОЛИҚОВА, доцент,
Сарвиноз ХОЛОВА, ассистент,
Аббосжон БОЗОРБОЕВ, ассистент
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 05.04.2019
2. Norman, D. The design of everyday things, New York: Basic Books. (2002).
3. Ir. Arjen van der Horst, Riny Mourik Automating excavators to reduce cycle times and maintain safety & accuracy. The Netherlands.

УЎТ: 631.

ТАДҚИҚОТ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ АСОСЛАРИ

The article provides scientific substantiation of theoretical and methodological aspects of the formation of food industry enterprises to improve production efficiency and competitiveness.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги, бу – маълум вақт давомида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланишнинг якуний натижасидир. Фаолиятнинг натижаси ёки таъсирини унга эришиш учун сарфланган ресурслар билан таққослаш корхона самарадорлигини белгилайди.

Шундай қилиб, корхоналар самарадорлигини ошириш ва, шу билан бирга, уларнинг рақобатбардошлигини оширишни шакллантиришнинг назарий ва услубий жиҳатларини илмий асослаш муаммоси юзага келади.

Корхона фаолиятининг таъсири ва самарадорлигини аниқлаш ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ёки натижалари ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва уларни моддий-молиявий таъминлаш учун моддий база бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш-техник базанинг ҳолати, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва инфратузилманинг ривожланишига кўра, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати иқтисодий ривожланаётган мамлакатлар билан бир қаторда келмоқда.

Бу, айниқса, хомашёни комплекс қайта ишлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга тегишли. Сўнги пайтларда Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи бозорлари учун фаол кураш олиб бормоқда, шу билан бирга, ички бозорлар маҳаллий ва қисман хорижий маҳсулотлар билан тенг равишда тўлдирилмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, молиявий мажбуриятлар бўйича қарздорлик, нархларнинг кўтарилиши ва, шунингдек, моддий ресурсларнинг

етишмаслиги озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши шароитида корхонанинг шаклланиши ва рақобатбардошлигини, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада пасайиши ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга ўтишнинг асосий муаммоларидан биридир. Саноат корхонаси самарадорлигини таъминлаш масалалари, шу сабабли замонавий бозорнинг шиддатли рақобатида унинг ҳаётийлиги маҳаллий ва хорижий илмий-иқтисодий мактабларининг илмий изланишларида муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш захиралари деганда, корхона ресурсларининг барча турларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига умумий харажатлар бирлигига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун фойдаланилмаган имкониятлар тушунилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари - унинг техник даражасини ошириш, бошқарувни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилишини ўзгартириш, табиий ресурслар сифатини яхшилаш ва бошқалар.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг кўпгина асарлари корхоналар самарадорлигини оширишни шакл-

лантиришнинг услубий жиҳатларини аниқлаш масалаларига бағишланган: М.Рахимов, Е.Гинзбург, Б.Мильнер ва бошқалар. Шу сабабли, тадқиқотнинг мақсади, маҳаллий иқтисодиётнинг хўжалик субъектлари, хусусан, озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг якуний натижаларини оширишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифаларни ҳал қилиш бўлиб ҳисобланади.

Кенг маънода “самарадорлик” тушунчаси мақсадга эришишнинг барча усуллари билан фойдаланишнинг мантиқийлигини англатади. Ғарб иқтисод мактаблари олимларининг таъкидлашича, “самарадорлик – иқтисодчилар томонидан доимий равишда кўтариладиган ижобий омилдир”.

Самарадорлик тушунчаси, бу – фаолият натижалари (самараси)нинг белгиланган мақсадлар билан ўзаро нисбатини англатади. Шунинг учун самарадорлик баъзида бошқарув натижадорлиги ва самарадорликнинг хусусиятлари, фаолият воситаларининг кўрсаткичи сифатида ажралиб туради. Умуман олганда, “самарадорлик” тоифаси ўзига хос жиҳатларга эга: сифат ва миқдорий. Сифат тоифанинг мантиқий моҳиятини, миқдор эса бутун ишлаб чиқариш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқариш мақсадларига эришишда вақт-

ни тежашни акс эттиради. Иқтисодий тадқиқотларда таклиф қилинган самарадорликнинг хилма-хил турларини қуйидаги хусусиятлар бўйича умумлаштириш мумкин: иқтисодий хусусиятлар бўйича таснифлаш ва самарадорлик турлари.

Хулоса. Таҳлилий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, озиқ-овқат саноати корхоналарининг аксарияти моддий-техник базани тубдан янгиллашни талаб қилади, чунки рақобат шароитида замонавий юқори самарали ускуналар ва энг янги технологияларни жорий этиш, илмий ва кадр салоҳиятини кенг жалб этиш талаб этилади.

Азатбек ТУРЕБЕКОВ,
ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими
таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Акримов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Учебное пособие. ТГЭУ. 2000.
2. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. - Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999.
3. Нигмаджанов У.Х. Экономическая теория. Учебник. Под редакцией проф. М.Р. Расулева. IQTISOD - МОЛИЯ. 2010 г.
4. Стратегическое управление: регион, город, предприятие / Под ред. Д. С. Львова, А. Г. Гранберга, А. П. Егоршина. Экономика. 2005.

УЎТ: 656.07

ТАДҚИҚОТ

ЛОГИСТИКА ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

В этой статье упомянута поставка сырья по логистической системе в логистических каналах от поставщиков до конечного потребителя через производственные мощности заключение о структуре затрат на управление материальными потоками.

This article mentions the supply of raw materials through the logistics system in logistics channels from suppliers to the end consumer through production facilities, conclusion on the structure of costs for material flow management.

Дунё бозорларининг интеграцияси, инновацион жараёнларнинг жадаллашуви ва халқаро меҳнат тақсимотида келгусида давом этадиган тенденциялар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жараёнларни бошқариш аҳамиятини ошириб, логистика учун қилинадиган харажатларни юзага келтиради ва дунё бозорларида янги шаклдаги тизимли тузилмаларни шакллантиришга кўмаклашади. Хорижий мамлакатларда ушбу интеграциялашган тузилмалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган кўп сонли жараёнлардан иборат тармоқ кўринишида ягона ахборот майдонига эга бўлиб, турли ихтисосликка эга бўлган бозор субъектларини бирлаштиради.

Бугунги кунда логистик харажатларни бошқариш долзарб масаладир.

Бу борада кўпгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилганлигига қарамай, ҳануз ўрганиладиган жиҳатлари ҳам мавжуд Сўнгги йилларда логистика харажатларини ўрганиш ва аниқлаш муаммоси билан боғлиқ масалалар кўплаб тадқиқотларда кўриб чиқилган.

90-йилларда XX аср логистика харажатларини ўрганиш ва аниқлаш муаммоси чет эл иқтисодчилари И. Квейт, П. Блаик, Б. Шалек, Д.Д. Боверсох, К. Сковронек, М. Кристофер, Д.Р. Сток, Д.М. Ламберт томонидан, шунингдек, логистика харажатларининг назарий жиҳатларини ўрганиш бир қатор рус тадқиқотчилари (Л.Б. Миротин, Й.Э. Тишбоев ва О.Г. Порошина) томонидан амалга оширилган бўлиб, улар логистика харажатларини меҳнат, моддий, молиявий ва ахборот ресурслари харажатлари деб ҳисоблашган.

Белоруссия олимлари И.А. Элова ва И.И. Полещуклар эса логистика харажатларининг муҳим қисми трансакция харажатлари эканлигини, яъни таъминот занжирида операцияларни тузиш билан боғлиқ харажатлар деб таъриф берадилар.

М. Куфелнинг фикрига кўра, “логистика харажатлари - бу харажатларнинг шундай тоифасики, бунда материалларнинг барча шакллари вақт ва маконда ҳаракатланишни режалаштириш, амалга ошириш ва бошқариш (технологик жараёнлар бундан мустасно) натижасида юзага келадиган корхона мулкидан фойдаланишнинг пул ифодаси” бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, логистика харажатларининг моҳияти тўғрисида турли олимлар ва мутахассисларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, уларга қуйидаги таърифни бериш мумкин:

“Логистика харажатлари деганда моддий, ахборот, молиявий оқимларнинг ҳаракатланиш босқичларида логистика операцияларини бажаришда фойдаланиладиган ресурсларнинг харажатлар сметасини корхона ичида, етказиб берувчилар, харидорлар - таъминот занжири иштирокчилари билан ўзаро алоқада, шу жумладан, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларнинг керакли захираларини сақлаш” тушунилади.

Логистик харажатлар, таннарх моддалари бўйича гуруҳланган ҳолда, истеъмолчилар буюртмаларига хизмат кўрсатиш нархини шакллантирган ҳолда, корхона томонидан амалга ошириладиган муайян фаолият, ишлар ва хизматлар ўртасида тақсимланиши мумкин.

Логистика харажатларини логистика фаолияти ҳажмига нисбатан гуруҳлаш уларнинг ўзгарувчан ва доимий бўлинишини назарда тутди. Ўзгарувчан логистика харажатлари логистика фаолияти ҳажмига тўғридан-тўғри мутаносиб равишда фарқ қилади, масалан, транспорт ёқилғисининг кўпайиши билан автомобиль ёқилғисининг нархи ошади.

Логистика фаолиятининг маълум чегараларидаги доимий харажатлар ўзгармайди, масалан, сақлаш харажатлари ушбу потенциалдан фойдаланиш даражасига эмас, балки кўпроқ омборнинг умумий салоҳиятига (унинг майдони ёки ҳажми) боғлиқдир.

Д.М. Ламберт, Ж.Р. Стока, Ч.Сковронек каби олимлар захиралар таннархига қуйидагиларни киритиш лозим деб ҳисоблайди: захираларни шакллантириш, захираларни сақлаш, захираларни тугатиш харажатлари шулар жумласидандир.

Бизнинг фикримизча, логистика харажатлари - бу логистика тизими бўйлаб хомашё етказиб берувчилардан,

ишлаб чиқариш корхонаси орқали охириги истеъмолчига қадар бўлган материаллар оқимининг ҳаракатини бошқариш учун харажатлар тўплами бўлиб ҳисобланади.

Логистика харажатлари корхоналарнинг мижозлар буюртмаларини бажариш бўйича ўз функцияларини бажариши сабабли меҳнат, моддий, молиявий ва ахборот ресурслари харажатларини акс эттиради. Логистика харажатлари, қоида тариқасида, ишлаб чиқаришдаги хомашё ёки улгуржи ва чакана савдо тармоғидаги тайёр маҳсулотлар таннархидан кейин бизнес юритиш билан боғлиқ харажатларнинг энг муҳим моддаларидан бирини ташкил этади.

Буларга маҳсулотларнинг мавжудлигини назорат қилиш, буюртмани тайёрлаш ва ўтказиш, маҳсулотларни қабул қилиш, уларнинг миқдори ва сифатини текшириш, сақлаш жойларига ажратиш, ҳужжатларни текшириш, шикоят тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ходимларга иш ҳақи тўлаш харажатлари киради. Тўлов харажатлари таркибига сотиб олиш буюртмаси ёки ишлаб чиқариш буюртмасини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бошқарув ва маъмурий харажатлар киради.

Хулоса: Логистика харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш натижасида олинган маълумотлар компаниянинг логистика соҳасидаги муаммоларининг кўрсаткичи бўлиши керак, яъни ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг самарали вариантларини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Логистика харажатларини таҳлил қилиш ишончли бухгалтерия маълумотлари асосида амалга оширилиши лозим ва агар улар алоҳида режалаштирилган ва ёзилган бўлса, уни ҳисобга олиш керак бўлади. Харажатларни акс эттиришнинг ҳаддан ташқари катталаштирилган ва умумлаштирилган хусусияти логистика харажатларини етарли даражада оптималлаштиришга имкон бермайди. Амалдаги харажатлар таснифи истеъмолчиларнинг буюртмаларига хизмат кўрсатиш учун таъминот занжири-ни тўлиқ қамраб олмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, харажатлар фақат логистиканинг айрим соҳаларида таснифланади, бунда логистика харажатларини аниқлашнинг мавжуд аналитик усуллари ҳар бир таркибий бўлинманинг жамғарма умумий миқдорига қўшган ҳиссасини баҳолашга имкон бермайди. Логистика харажатларини бошқариш тизимининг асосий масалалари логистика занжирининг бўғинлари мисолида индивидуал ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиш ҳисобланади.

Гулнора ШАДИЕВА,

и.ф.д., ТДТУ,

Нилуфар ШАНАЗАРОВА,

ассистент, ТДТУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Сток, Дж. Р. Стратегическое управление логистикой: Пер. с 4-го англ. изд. / Дж. Р. Сток, Д. М. Ламберт; науч. ред. и предисл. В.И. Сергеева /— М.: ИНФРА-М, 2005. — 797 с.
2. Kufel, M. Koszty przeplywu materialow w przedsiebiorstwach przemyslowych. Problemy budzetowania, ewidencji i kontroli / M. Kufel. — Wroclaw: AE. — 1990. — 230 p.
3. Миротин, Л.б. Эффективная логистика / Л.Б. Миротин, Ы.Э. Тышбаев, О.Г. Порошина. — М.: Экзамен, 2002. — 160 с.
4. Еловой, И.А. Влияние процессов глобализации на развитие транспортно-логистической системы страны / И.А. Еловой, И.А. Лебедева // Вестн. Бел. гос. ун-та трансп. Наука и транспорт. — 2008. — №2. С. 55-63.
5. Полещук, И.И. Идентификация и планирование логистических издержек: Методологический аспект. / И.И. Полещук // Государственное регулирование экономики и повышение эффективности деятельности субъектов хозяйствования: Сб. науч. ст. / Акад. упр. при Президенте Респ. Беларусь; редкол.: С.А. Пелих [и др.]. — Минск, 2007. С. 122-126.



АГРОКИМЁ ФАНИ ТАРҒИБОТЧИСИ ЭДИ

Ирисали Ниязалиев Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик фанлари – агрокимё, пахтачилик, ва деҳқончилик соҳаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган йирик олим, тупроққа қўлланиладиган макро ва микроэлементларнинг каноп, маккажўхори, ғўза экинларида самарали фойда бериши бўйича янги йўналишнинг асосчиларидан бири ҳисобланади.

И.Ниязалиев 1930 йилда туғилган, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, 1955 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги ТошДАУ) агрокимё кафедрасида ассистент, кейинчалик катта ўқитувчи, доцент ва 1968-1976 йиллари агрокимё ва тупроқшунослик факультетининг декани, кейинчалик агрокимё кафедрасининг профессори лавозимларида ишлаган даврларида агрокимё фани барча соҳаларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган ҳамда қирқ беш йиллик илмий, амалий ва ҳаётий тажрибасини ёш авлодларга ўргатиб, уларни тарбиялашга сарфлаган ҳамда уларнинг ҳурматиға сазовор бўлган олимдир.

Изланувчан олим 1962 йилда “Тошкент вилоятининг оч тусли ўтлоқ тупроқлари шароитида маккажўхорида минерал ўғитларни солиш муддатлари ва меъёрлари” мавзусида номзодлик, 1974 йилда “Пахта алмашлаб экиш тизимида каноп ва маккажўхорини ўғитлаш” мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган. У 1977 йилнинг апрель ойида қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасига, 1979 йил ноябрида эса профессор илмий унвонига сазовор бўлди. Ирисали Ниязалиевнинг илмий йўналиши, асосан, ғўза-беда алмашлаб экиш мажмуасида беда, каноп, маккажўхори, картошка ва донли экинларга минерал ҳамда маҳаллий ўғитларни қўллаш самарадорлиги, айниқса, азот, фосфор ва калий ўғитлар биргаликда қўлланилганда алоҳида қўлланилганга нисбатан тупроқда озика моддаларнинг тўпланишига ҳамда ўсимликларнинг озикланишига яхши таъсир этиши аниқланган.

Маккажўхори экиниде азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 10% ни экиш билан бирга, қолган меъёрларини вегетация даврида икки марта озиклантиришда,

фосфорли ўғитларнинг асосийсини шудгор остига, қолган меъёрларини экиш билан бирга ва 1-озиклантиришда, калий ўғитларни шудгор остига ҳамда вегетация давридаги озиклантиришда ёки йиллик меъёрининг 50% ни экишдан олдин, 50% ни икки марта озиклантиришда солинганда яхши самара берилиши аниқланиб, маккажўхоридан юқори дон ҳосили олиш учун $N-150-200$, $P_2O_5-120-150$, $K_2O-90-120$ кг/га, юқори кўк масса олиш учун $N-250-300$, P_2O_5-150 , K_2O-120 кг/га тупроққа солишни тавсия этган. Айниқса, каноп ва маккажўхори уруғини микроэлементлар (бор, мис, марганец, рух, молибден ва кобальт) билан ишлов берилиб экилганда, юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкинлиги аниқланган. Шунингдек, ғўза-беда алмашлаб экиш тизимида каноп, маккажўхори ғўза экинни учун яхши ўтмишдош экинлар бўлиб, уларни парваришлаш давомида ҳосил билан биргаликда ҳар хил озика моддаларнинг олиб чиқиб кетилиши аниқланган. Ғўза-беда алмашлаб экиш тизимида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида бедадан кейин биринчи йили ғўзани парваришлашда азот ўғитини гектарига 150 кг, иккинчи йили 180 ва учинчи йили 200 кг, фосфорни тегишли равишда 105, 125, 140 кг, калийни 100, 90, 100 кг қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фосфорли ўғитлар ишлатилганда, тупроқ таркибига табиий радионуклидлар, оғир металллар ҳам ўтади. Бу ўғитлар қўлланилган Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ҳозирги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти) нинг Андижон, Фарғона, Бухоро, Сурхондарё ва марказий тажриба станцияларидан тупроқ ва ўсимликлар намуналари олиниб, агрокимёвий таҳлил қилинган. Изланиш натижаларига кўра, уларнинг таркибидаги оғир металллар, мисдан ташқари, меъёр даражасидан ошмаганлиги аниқланган.

И.Ниязалиев “Пахтачиликда агрохимия” (1981), “Агрохимиядан амалий машғулотлар” (1980, 1989) ўқув қўлланма-

ларини ўзбек тилида биринчи марта нашр эттирди. Ҳозирги кунгача республикамиздаги қишлоқ хўжалик институтларида бу ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб келинмоқда. Республикамиз жамоатчилиги И.Н. Ниязалиевни 150 дан ортиқ илмий мақолалари, халқаро ва республика анжуманларида қилган маърузалари туфайли агрокимё фанининг оташин тарғиботчиси сифатида яхши билишади. Олимнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижалари Ўзбекистон республикаси тупроқларининг унумдорлигини оширишда минерал ва маҳаллий ўғитлардан оқилона фойдаланишга оид шу соҳанинг мутахассислари билан биргаликда ёзилган 10 та тавсияномаларда ўз аксини топган.

Олим раҳбарлигида 130 дан ортиқ дипломант талабалар ва бир нечта аспирантларнинг номзодлик диссертациялари тайёрланди ва химоя қилинди. Номзодлик диссертациясини ёқлаганлар орасида Сурия, Вьетнам, Лаос, ироқлик аспирантлар ҳам бор. И.Ниязалиев Тошкент қишлоқ хўжалик институтида 1968-1975 йиллари агрокимё, тупроқшунослик, физиология ва биокимё соҳалари бўйича фан номзоди унвонини берувчи ихтисослашган илмий кенгашнинг раиси бўлиб ишлаган. Иш фаолияти даврида институт Илмий кенгашининг ва номзодлик, докторлик унвонларини берувчи ихтисослашган илмий кенгашнинг аъзоси сифатида кўп диссертация ишларига расмий оппонент бўлиб, илмий кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тасарруфидаги Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институтида ихтисослашган илмий кенгашнинг аъзоси сифатида фаолият юритган.

У киши ҳаёт бўлганида 90 ёшни қаршилаган бўлар эди. Биз шогирдлари учун устозимиз хотираси доимо барҳаёт ва бизлар у кишининг ишларини доимо давом эттирувчи бўлиб қоламиз.

Бир гуруҳ шогирдлари.

Журналимизнинг фаол мухбирларидан бири, шоира Шукуржон Жаббарова (Жозиба)нинг яқинда нашрдан чиққан китоби айнан шундай деб номланган.

ТАБАРРУК ИНСОН ХОТИРАСИ



Ушбу китоб Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан бири Хударган Раҳимовнинг ҳаёт йўлига бағишланган. Китобни ўқир экансиз Хударган Раҳимовнинг қиёфаси кўз олдингизга келади. Уларнинг ҳалол, маърифатпарвар, китобсевар раҳбар бўлганлигига амин бўласиз. Эътиборлиси, китоб муаллифи қахрамонининг фазилатларини бирдангина тасвирламасдан, саҳифалараро “сочиб юборган”.

Ўз-ўзидан маълумки, нафақат Хоразм вилояти, балки мамлакат миқёсда танилган арбоб Х. Раҳимов ҳаёти, фаолияти тўғрисида китоб яратиш ҳазилакам иш эмас. Ниятига эришиш мақсадида китоб муаллифи бир йил давомида изланади, асар қахрамонини таниган, билган кишилар суҳбатига қулоқ тутаяди, газета мақолаларидан, альбомдан, архив маълумотларидан унумли фойдаланади, насрий матнга назм аллозида безак бериб ҳам ўтади.

“Табаррук инсон хотираси” китобининг мотиви ранг-баранг: гоҳ жиддий, гоҳ таҳлилнома, гоҳ мутойиба йўсинида...

Кўлэмани мутолаа қилар экансиз танланган сарлавҳалар ҳам шоирона эканлиги эътиборингизни тортади: “Дил кўрғони мустаҳкам бўлса...”, “Ўзлигини англаган Ватан қадрига етади”, “Ҳақиқат, муҳаббат, садоқат ёритган йўллар”, “Тарих ғилдираги айланаверади”, “Бир жуфт кабутардай эдилар” ва ҳоказо.

Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Баҳром Рўзимухаммаднинг кириш сўзи билан бошланади. Кириш сўзи куйидаги сўзлар билан яқунланади: “Хулоса ясаб шуни айтишим жоизки, Жозибанинг “Табаррук инсон хотираси” номли китоби тор доираларда қолиб кетса, кўзланган мақсадимизга эриша олмаймиз. Бу китобни турли даражадаги раҳбарлар ўқимоғи лозим. Хударган отага ўхшаган энг машаққатли даврларда элу юрт бахт-саодати йўлида ўзини фидо айлаган инсонлар хотираси унутилмаслиги шарт. Улардан ибрат олиш керак.”

Китобда, шунингдек, Хударган аканинг сафдошлари, дўстлари, касбдошлари, фарзандлари ҳақида ҳикоя қилинади экан, бир вақтнинг ўзида уларнинг қахрамонимиз ҳақидаги хотиралари берилиши асарни янада қизиқарли воқеалар билан бойитган. Жумладан, 86 ёшни қоралаган, меҳнат фахрийси Зухур ота Қурбонов бундай дейди: “Унинг учун каттами, кичикми, оддийми, олийми, ҳамма бирдай азиз эди. Урганишни ҳам, ўргатишни ҳам, тақдирлашни ҳам ўз жойига кўя оладиган раҳбар эди. Ҳеч кимни ҳеч қачон ҳақорат қилган эмас... Хударган Раҳимов ўз хизмат вазифасига нисбатан иккилик қилмади, ер билан тиллашадиган деҳқон, илм билан сирлашадиган олим, дўст билан борлашадиган биродар эдилар”.

Китоб Х.Раҳимовнинг Ён дафтаридаги битиклар билан яқунланади. Ушбу битикларнинг бирида қахрамонимиз бундай дейди: “Меҳр шундай нарсаки, ўзинг меҳр берсанг, меҳру-муҳаббат топасан, бу тухфани ҳеч кимга бера олмасанг, ҳеч кимдан мурувват, қадр ва меҳр таъма қилма”.

Азамат ТОИРОВ,
ўз мухбиримиз.

ЁН ДАФТАРДАГИ БИТИКЛАР

ПРОПОРЦИОНАЛЛИК

Умуман айтганда, пропорционаллик яхши нарса. Лекин лавозимнинг катта-кичиклигига қараб байрам табрикларининг ўзгариб туриши яхши эмас.

ҲАДИК

Мен олим сифатида кексайиб бораётганимдан эмас, олимлик ролини ўйнайдиган “олим”га айланиб қолишимдан ҳадиксирайман.

ИЛМ ВА КАМОН

Илм тўплаш камондан ўқ отишнинг тескараси. Камондан ўқ отишда ўқни ёйга жойлаш, ёйни таранг тортиш ва нишонга олиб, қўйиб юбориш талаб этилади. Илм тўплаш учун эса ўқилган ва тингланганларни мияда маҳкам ушлаб қолиш лозим бўлади.

КЎП КЎРДИМ

Ҳусн, амал ва нафс қурбонларини кўп марта, тил қурбонларини эса ундан-да кўп кўрдим.

ОЛИМЛИККА КИМ ЕТИШАДИ

Агар икки ёш тадқиқотчи олимликка етишишни истаса, бунга уларнинг билимда устун бўлгани эришади. Агар билимда тенг бўлса, меҳнатсевар ва иродаси кучлиси етишади. Бунда ҳам баробар бўлса, устози зўри энгиб чиқади. Устозлари тенг бўлганда эса, бу марра омади борга насиб этади.

ҲАММА ГАП ҲАРАКАТДА

Қайси нуқтада турганингдан кўра, қайси нуқтага интилаётганинг муҳимроқдир.

КЎНГИЛГА ҚАРАНГ

Баъзан: “Эй, дўстларим, ўзимни мақтайсизлар-у, кўнглимга қараб ҳам қўймайсизлар” дегим келади.

ЭҲТИРОС ЖИЛОВИ

Эҳтироснинг ҳам тошу тарозиси бор. Афсуски, кўпинча илмий анжуманларда буни унутиб қўядилар. Натижада ҳақиқий воқеалар ва далиллар эҳтирослар соясида қолиб кетади.

АЁЛ МАКРИ

“Эй дўст, яқинда яна бир бор амин бўлдим: Ҳожимукондек паҳлавон бўлсанг ҳам, Эйнштейндек даҳо бўлсанг ҳам, аёлнинг оддийгина макрига бас кела олмайсан”.

ТАСКИНЛИ ЁЛҒОН

Бир одамнинг менга тааллуқли гаплари таскин берадиган ёлғон эканлигига шубҳа қилмасдим. Яқинда унинг ўзидан бор ҳақиқатни эшитдим – кўнглим вайрон бўлди.

Ўйлаб қолдим – баъзида таскинли ёлғон ҳам яхши экан.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
профессор.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Шухрат ҒАНИЕВ

Жамшид ХОДЖАЕВ

Шавкат ХАМРАЕВ

Шухрат ТЕШАЕВ

Баҳодир РЎЗИБОЕВ

Баҳодир ТОЖИЕВ

Равшан МАМУТОВ

Аброр ВАХОБОВ

Баҳром НОРҚОБИЛОВ

Низомиддин БАКИРОВ

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ

Ўктам УМУРЗОҚОВ

Равшанбек СИДДИҚОВ

Мирзиёд МИРСАИДОВ

Бахтиёр КАРИМОВ

Ибрагим ЭРҒАШЕВ

Мурод АШУРОВ

2020 йил,
№11. Ноябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида.....	1
Ўзбекистон ФАОнинг Европа Минтақавий анжуманига раислик қилди.....	4
А.РАЖАБОВ, А.УБАЙДУЛЛАЕВ. Кузги шудгорнинг аҳамияти.....	5
Р.АБДУЛЛАЕВ, Ҳ.АБДУЛЛАЕВА, А.ҚОСИМОВ Бугунги тадбир – эртанги мўл хосил гарови.....	6
Р.НИЗОМОВ, Е.ЛЯН, Ф.РАСУЛОВ. Қиш ва баҳорда ҳам сархил помидор етиштириш.....	7
М.ТОШБОЛТАЕВ. Машиналарни сакловга қўйиш.....	9
Ғ.ОТАЖОНОВ. Кўргазмали илмий-амалий семинар.....	11
Орденли механизатор.....	12
Меҳнатга муносиб рағбат.....	12
Х.КАРИМОВ. Таваккалга қўл урган фермер.....	13
Ш.ХУДОЙБЕРДИЕВ. Ишнинг ўзини эмас, кўзини билган инсон.....	14
Меҳнат шухрат келтирар.....	15
Р.ШАРОПОВ. Сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари.....	16
Томчилардан хирмонларга.....	17
Ҳ.БУРҲОНОВ. Далаларни яёв кезганда.....	17
Улуғлар назари тушган хоразм.....	18
Ш.ЖАББАРОВА. Меҳрдан яраётган хирмонлар.....	19
Ш.СОДИҚОВА. Кластернинг кенг имкониятлари.....	20
К.ЭРҒАШЕВ. Касбим менинг – фахрим менинг.....	21
Меҳнат билан тараккиёт сари.....	22
Ш.НОРМУРОДОВ. Бугунги омилкорлик – келгуси хосилдорлик.....	22
Нияти ўзига йўлдош чорвадор.....	23
Нурафшон хаёт.....	23
Р.ТОЖАЛИЕВА. Фидойилик – инсон зийнати.....	24
Р.ХОЛИҚОВА. Чинознинг мўътабар онахони.....	25
Х.САЙДАЛИЕВ, М.ХАЛИКОВА, А.БАКИРОВА, С.СОРИЕВА, У.ҚОДИРОВ, О.АХМЕДОВ. Некоторые технологические показатели волокна диких и рудеральных разновидностей вида G. Hirsutum L.....	26
Н.ОЧИЛДИЕВ, Д.АХМЕДОВ. Ғўзанинг янги ўрта толали “ЎзПИТИ-1604” навининг кўчат қалинлигига боғлиқ холда барг сатҳи ва қуруқ модда тўплаши.....	27
Д.МУСИРМАНОВ, А.АМАНОВ, С.АЛИҚУЛОВ. Кўп йиллик бугдой – истиқболли йўналиш.....	28
Ф.ЖАБАРОВ. Ўғиллари турли меъёр ва чуқурликда қўллашнинг кузги бугдой дала унувчанлигига таъсири.....	30
Р.ИШМУХАМЕДОВА, М.ИКРОМОВА. Бугдой донининг крахмал кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар.....	31
С.АБДУРАМАНОВА. In vitro шароитида микроклонал кўпайтирилган гилоснинг “Кримский-5” ва “Gisela-6” пайвандтагарини иссиқхона шароитига мослаштириш.....	33
А.ШАМСИЕВ, Т.ОСТАНОҚУЛОВ, Ғ.ТУРСУНОВ. Бағат навлар хосилдорлиги ва сакланувчанлигининг суғориш тартибларига боғлиқлиги.....	34
С.НЕГМАТОВА, Б.ХАЛИКОВ, Н.БОБОЕВА. Чилпиш усулларининг қандалалар сонига таъсири.....	35
Э.ШАПТАКОВ. Опыт интенсивного откорма баранчиков каракульской породы.....	36
Б.РАХМАНКУЛОВА, А.НИГМАТОВ, Ф.ЯХЁЕВ. Автоматизация и управление насосного агрегата для поддержания уровня воды на магистральном канале.....	37
Ф.ХАСАНОВА, И.КАРАБАЕВ, З.ШАВКАТОВА. Тупрокнинг сув ўтказувчанлигига ерга турли усулда ишлов беришнинг таъсири.....	38
У.САДИЕВ. Хандам каналидаги фильтрация гисоби.....	40
Б.ХАЛИКОВ, Х.БОЗОРОВ, Ш.БОБОҚАНДОВ. Қисқа навбатлаб экиш тизимларида такрорий ва оралик экинларнинг тупроқ хажм массасига таъсири.....	41
Н.ХОЛИҚОВА, С.ХОЛОВА, А.БОЗОРБОВ. Экскаваторни автоматлаштириш хисобига цикл давомийлигини қисқартириш ва аниқликни таъминлаш.....	42
А.ТУРЕБЕКОВ. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни ривожлантириш самарадорлиги асослари.....	43
Г.ШАДИЕВА, Н.ШАНАЗАРОВА. Логистика харажатлари таркиби ва уларни бошқариш усуллари.....	44
Агрокимё фани тарғиботчиси эди.....	46
Табаррук инсон хотираси.....	47
Ён дафтардаги битиклар.....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилмиз: 100004, Тошкент ш., Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjournal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,

Telegram: qxjournal_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2020 йил 5 ноябрь. Босишга рухсат этилди: 2020 йил 5 ноябрь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №5/11. Нухсаси 1400 дона.


RELIABLE PRINT
МЧЖ да чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳар Чорсу майдони 3А.

Навбатчи муҳаррир: А. ТОИРОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ



**Polimer
Galantery**



POLIMER GALANTERY

Надёжная полимерная продукция от производителя

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- **ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ**
- **ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**
- **ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ**
- **ТРЕХСЛОЙНАЯ**
- **МЕШКИ И ПАКЕТЫ**



Адресс: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

 **(+998) 94-638-33-33**

 **(+998) 95-142-31-19**

 **(+998) 97-342-50-08**

 polimergalantery@mail.ru

 www.polimergalantery.uz

ОБУНА – 2021 *** ОБУНА – 2021 *** ОБУНА – 2021

АГАР СИЗ «O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» ВА «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:



- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обуна индекслари:

«O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» – 895

«AGRO ILM» – 859



**Журналларимизга 2021
йил учун обуна бўлинг!**